

Ўзбекистон республикаси Молия Вазирлиги

Ўзбекистон Бухгалтерлар ва Аудиторлар Миллий Ассоциацияси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲИСОБИНИНГ
МИЛЛИЙ
СТАНДАРТЛАРИ

Тошкент - 2002



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

БУХГАЛТЕРИЯ
ҲИСОБИНИНГ
МИЛЛИЙ
СТАНДАРТЛАРИ

*О-Б^МС. Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишининг КОНЦЕПТУАЛ
(ТАМОЙИЛ) АСОСАРИ*

(Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1998 йил 14 августда 475-сон билан
руйхатга олинган)

Концептуал асоснинг максади ва мақоми

1. Ушбу концептуал асос Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби туғрисида»ги Қонуни асосида ишлаб чиқилган ва қўйдаланувчилар учун молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш асосини ташкил этувчи тушунчаларни белгилаб беради.

Ушбу концепциянинг максади қуйидагиларга ёрдам беришдан иборат:

1.1. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тизимини тартибга солувчи давлат органи - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига - бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини (кейинги уринларда БХМС) ривожлантириш ва уларни қайта қуриб чиқишда;

1.2. Молиявий ҳисоботни тайёрловчи шахсларга - БХМСдан қўйдаланишда;

1.3. Аудиторларга - БХМС молиявий ҳисоботларига мос келадиган ҳулосаларни тайёрлашда;

1.4. Молиявий ҳисоботдан қўйдаланувчиларга - молиявий ҳисоботдаги маълумотларни тақлид қилишда.

2. Концептуал асос БХМС қўйдаланмайди ва бирон-бир низоли масалани баҳолаш ёки тушунтириш учун унинг таърифларини ўз ичига олмайди. Ушбу концептуал асосдаги мавжуд қоидалар бухгалтерия ҳисобининг алоҳида бир стандартини рад этмайди.

3. Айрим ҳолларда, агар концептуал асос билан БХМС уртасида зиддиятлар бўлса, - БХМСнинг талаблари концептуал асос талабларидан устун келса, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги БХМСни ишлаб чиқишда ушбу концептуал асосга амал қилади ва ана шу зиддиятларни бартараф этиш чора-тадбирларини куради.

4. Концептуал асос, бухгалтерия стандартларининг амалиётда қўлланилишини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қуриб чиқилади.

Концептуал асоснинг амал қилиш доираси

5. Қуйидагилар ушбу концептуал асоснинг асосий йўналишларидир:

5.1. Молиявий ҳисоботнинг максади;

5.2. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг асосий шарт-шароитлари;

5.3. Молиявий ҳисоботларнинг элементларини таърифлаш, эътироф этиш ва улчаш.

6. Концептуал асос молиявий хисоботга, шу жумладан умумлаштирилган молиявий хисоботга алок,адордир. Молиявий хисобот фойдаланувчилар кенг доирасининг ахборотга булган талабини қондириш учун тузилади ва даврий тақдим этилади. Молиявий хисобот купчилик фойдаланувчилар учун асосий молиявий ахборот манбаи хисобланади. Айрим фойдаланувчилар, тегишли ваколатлари мавжуд булганда, молиявий хисоботда мавжуд булган ахборотга қушимча ахборотларни талаб қилишлари мумкин.

7. Молиявий хисоботларнинг шакллари молиявий хисоботнинг таркибий Қ.ИСМИ хисобланади ва БХ^МС билан белгиланади. Молиявий хисобот, ана шу хисоботларнинг шаклларига асосланган ёки улар билан боглик, булган изохлар, маълумотлар ва тушунтиришларни ҳам уз ичига олади. Бундай ахборотлар саноат ва географик ҳудудларнинг фаолият турлари тугрисидаги молиявий ахборотни акс эттириши ва нархлар узгаришининг молиявий натижаларга таъсирини тушунтириб бериши керак.

8. Барча ҳужалик юритувчи субъектлар* молиявий хисоботни тайёрлаш ва тақдим этишда концептуал асосга амал қилишлари керак.

Молиявий хисоботдан фойдаланувчилар ва уларнинг ахборотга булган эҳтиёжи

9. Мавжуд ва булгуси инвесторлар, кредиторлар, махсулот етказиб берувчилар, харидорлар, ходимлар, шунингдек давлат муассасалари, вазирликлар, идоралар, жамоатчилик ва бошқ,а манфаатдор томонлар молиявий хисоботдан фойдаланувчилар қаторига киради. Молиявий хисоботнинг ахборотига эҳтиёж қуйидагиларда вужудга келади:

9.1. Тақдим қилинган сармоялар билан боглик, сармоядорлар нинг таваккалчилигида. Акциядорлар ҳужалик юритувчи субъектнинг дивидендларни тулаш қобилиятини баҳолаш ва акцияларни сотиб олиш, сақдаш ва сотиш мумкинлигини аниқдашга ёрдам берадиган ахборотларни олишдан манфаатдордирлар;

9.2. Манфаатдор кредиторлар, берилган кредитлар ва фоизларнинг уз ваътида қайтарилиши билан боглик, булган ахборотларни олишдан манфаатдордирлар;

9.3. Мол етказиб берувчи ва бошқ,а савдо кредиторлари уларга тегишли маблағларнинг уз вақтида туланиши билан боглик, ахборотни олишдан манфаатдордирлар.

*) «Субъект» - атамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори билан 1996 йил 30 августдан қучга киритилган «Бухгалтерия ҳисоби туррисиди»ги қонуннинг 3-моддасида белгилаб берилган.

9.4. Харидорлар - қайсиқим улар хужалик юритувчи субъектнинг узлуксиз фаолияти тугрисидаги ахборотдан манфаатдордирлар айниса, улар узок, муддатдй битимга эга булсалар ёки мазкур хужалик юритувчи субъектга боглик, булсалар;

9.5. Ходимлар - хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг барқарорлиги ва рентабеллиги тугрисидаги ахборотдан манфаатдордирлар. Улар хужалик юритувчи субъект уз маошларини, пенсияларини ва кейинчалик ҳам ёллаш тартибиди йшлаш ймкониятларини таъминлаш қобилиятига баҳо бериш имконини яратадиган ахборотдан манфаатдордирлар;

9.6. Давлат бошқаруви органларида - ресурсларнинг таксимланиши ва шу билан бирга субъектларнинг фаолияти тугрисидаги ахборотдан манфаатдордирлар. Уларга, шунингдек, хужалик субъектнинг фаолиятини тартибга солиш, миллий даромад ва бошқа статистик курсаткичларни аниқлаш учун солиқ, солиш сиёсатини белгилаш билан боглик, ахборотни олиш зарур;

9.7. Хужалик юритувчи субъектлар маҳаллий итисодиётга купгина йуллар билан, жумладан аҳолини иш билан таъминлаш ва маҳаллий маҳсулот етказиб берувчиларни куллаб-қувватлаш билан катта хисса кушиши мумкин. Молиявий хисоботлар жамоатчиликка хужалик юритувчи субъектнинг тараққиёт йуналишлари ва уларнинг фаровонлигини яхшилашда эришилган сунгги ютуқдари тугрисидаги ахборот билан таъминлаб, уларга ёрдам беради.

10. Хужалик юритувчи субъектнинг раҳбари молиявий хисоботнинг тузилиши ва уз вақтида такдим этилиши учун жавобгардир. Раҳбар у³ эҳтиёжларини қондириш мақсадида қушимча ахборотнинг шакли ва мазмунини белгилаш ҳукмига эгадир. Бироқ, бундай қушимча ахборотларнинг шаклларини муҳофаза қилиш мазкур концептуал асос доирасидан чиқарилади.

Молиявий хисоботларнинг мақсади

11. Молиявий хисоботларнинг мақсади, хужалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳоли, фаолияти, молиявий аҳолидаги узгаришлар тугрисидаги ахборотни такдим этишдан иборат. Бироқ, молиявий хисоботлардан фойдаланувчилар томонидан иқтисодий қарорларни қабул қилиш билан боглик, барча ахборотларни уз ичига олмайди, чунки хисоботлар асосан, утган ходисаларнинг натижаларини акс эттиради.

12. Молиявий хисоботлар, шунингдек қуйидаги ахборотларни уз ичига олади:

12.1. Инвестиция қарорларини ва кредитлар беришга дойр қарорларни қабул қилиш учун;

12.2. Хужалик юритувчи субъектнинг келгусидаги пул о^имларини бадолаш учун;

12.3. Хужалик юритувчи субъектга ресурсларнинг ишониб топширилганлиги сабабли унинг ресурслари ва мажбуриятларини бадолаш учун;

12.4. Бошқарув органларининг ишини бах;олаш учун.

Хужалик юритувчи субъектнинг фаолияти, молиявий ах,воли ва молиявий ах,волидаги узгаришлар

13. Молиявий х;исоботлардан фойдаланувчилар томонидан к,абул килинадиган ик,тисодий к,арорлар, хужалик юритувчи субъектнинг пул маблагларини йигиш имконини, уларни вак;тини х;исоблаш к,обилиятини ва олинган натижаларни ишончлилигини бахрлашни талаб к,илади. Бундай пировард натижада, хужалик юритувчи субъект уз ходимлари ва ма^сулот етказиб берувчиларга булган к,арзни тулай оладими, олинган фоизларни тулаб, к,арзларни к,оплайдими, кредитларни уза оладими ва даромадни (фойдани) так,симлай олиши ёки олмаслигини аниқдайди.

Агарда фойдаланувчилар хужалик юритувчи субъектнинг молиявий ах;волини ва молиявий ах;волидаги узгаришларни акс этирадиган ахборот билан таъминланган булсалар, улар пул маблагларини жамгариш имконини яхшироқ, бах;олашлари мумкин.

14. Хужалик юритувчи субъектнинг назоратидаги и^тисодий ресурслар, унинг молиявий тузилмаси, ликвидлилиги, туловга к,обилияти ва у ишлаётган мух;итнинг узгарувчанлиги унинг молиявий а^волига таъсир утказади. Хужалик юритувчи субъектнинг назоратидаги и^тисодий ресурслар х;ак,идаги ва унинг ана шу ресурсларни к,айта шакллантириш к;обилияти тугрисидаги ахборотлар келгусида пул маблагларини ва ударнинг эквивалентини йигиш имкониятини башорат к,илиги учун зарурдир. Субъектнинг молиявий ахволи буйича ахборот, келгусида кредитларга булган эх;тиёжни аниқдаш учун, шунингдек, келадиган даромадлар билан пул ок;имларини акциядорлар (улушчилар) уртасида так,симлашда зарурдир. Бундан ташқ,ари, хужалик юритувчи субъект кейинчалик узининг молиявий ах;волини к,ай тарзда муваффақ,иятли яхшилаш олишини аниқдаш учун х;ам зарурдир. Ликвидлик ва тулов к,обилияти хак,идаги ахборот молиявий мажбуриятларни уз вак,тида тулай олишини аниқдаш учун зарурдир. Ликвидлилик молиявий мажбуриятларни як,ин келажакда шу давр учун пул маблаглари билан копланишини билдиради. Тулов к,обилияти молиявий мажбуриятларни уз вактида тулаш учун пул маблагларининг мавжудлигини англатади.

15. Хужалик юритувчи субъектнинг фаолияти буйича курсаткичлар, айник,са унинг рентабеллиги *ак,идаги ахборот, иктисодий ресурсларнинг таркибидаги таъсирли узгаришларни бахолаш учун зарур. Ушбу ахборот келажакда назорат қилиш имконини беради. Шу билан бирга, унинг фаолиятидаги узгаришлар х;ак,идаги му)(им ахборот булиб ҳисобланади.

Хужалик юритувчи субъектнинг фаолияти ҳа^идаги ахборот, хужалик юритувчининг мавжуд маблагларнинг асосидан пул маблагларини туплай Олишини башорат қилиш (прогнозлаш) учун зарурдир, бу эса субъектга қушимча маблагларни жалб қилиши мумкин булган самарадорлик баҳосини шакллантиришда ҳам муҳим ҳисобланади.

16. Пул оқимлари тугрисидаги ахборот хужалик юритувчи субъектнинг пул маблагларини жалб қилиш қобилиятига баҳо бериш учун зарурдир, бу эса фойдаланувчиларга турли хужалик юритувчи субъектларининг пул оқимларини баҳолаш ва таккослаш учун янги усуллар ишлаб чиқ,иш имконини беради.

17. Молиявий ҳисоботлар хужалик фаолиятининг турли жаҳбаларидаги айнан бир хил далилларни акс эттирганлиги сабабли узаро боғлиқдир. Хар бир ҳисобот турли ахборотни тақдим этади, ва у бир мақ,сад учун хизмат қилмасдан, фойдаланувчиларнинг айрим муайян эҳтиёжларини қ,ондириш учун зарур булган барча ахборотларни акс эттирмайди. Масалан, агарда молиявий хужалик фаолиятининг натижалари тугрисидаги ҳисобот, бухгалтерия баланси ва пул оқимлари тугрисидаги ҳисобот билан биргаликда берилмаса, фаолиятининг натижаларини тулиқ, ва аниқ; тушуниш имконияти булмайди.

Изоҳлар, ҳисоблар ва эслатмалар

18. Молиявий ҳисоботлар шунингдек - тушунтириш хати қуринишидаги ҳисоблар ва изоҳлар каби қушимча ахборотни уз ичига олади. Изоҳлар, ҳисоблар ва эслатмалар жадваллар ёки бошқ,а шаклларда тақдим этилиши мумкин.

Тамойиллар

Ҳисоблаш

Икки ёкдама қ,айд этиш усули билан ҳисоб юритиш

Узлуксизлик

Хужалик муомалалари, активлар ва пасивларни баҳолаш

Ишончлилиқ

Эҳтиёткорлик (консерватизм)

Мазмунининг шаклдан устунлиги

Курсаткичларнинг қ,иёсийлиги

Бетарафлик

Х,исобот даври даромадлари билан харажатларнинг мувофикдиги

Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақ;ик,ий баҳоси

Тушунарлилик

Аҳамиятлилик

Мухимлилик

Ҳақ;қоний ва ҳолис тавдим

Тугалланганлик

Изчиллик

Уз вақ,тида тақдим этиш

Хисоблаш

19. Даромадлар ва харажатлар бухгалтерия ҳисобида пул маблағларини олиш ёки тулаш асосида эмас, балки уларнинг ³исобланиши ёки пайдо булиши билан эътироф этилади ва молиявий ҳисоботларда акс эттирилади.

Икки ёцлама қ,айд этиш усули билан ҳисоб юритиш

20. Икки ёкдама қ,айд этиш усули билан ҳисоб юритиш тамойили, ҳужалик юритувчи субъект бухгалтерия муомалаларини икки ёкдама ёзиш тизими асосида ёритиши кераклигини билдиради. Иккиёкдама қ,айд этиш усули билан ҳисоб юритиш тамойили ҳужалик юритувчи субъект бухгалтерия муомалаларини иккиёкдама ёзиш тизими асосида юритиши кераклигини билдиради. Иккиё*дама ёзиш тизими содир булган ҳужалик муомаласи буйича тегишли суммани битта счетнинг дебет томонига ва айнан шу суммани иккинчи счетнинг кредит томонига қ,айд қ,илишдан иборат булади.

Узлуксизлик

21. Ҳужалик юритувчи субъект доимий фаолиятни номаълум узок, муддатгача давом эттирувчи сифатида қ,аралади. Унинг уз фаолиятини тугатиш ёки фаолият куламини анча қ,иск,ртириш нияти ҳам, зарурати ҳам йук, деб тахмин қ,илинади.

Ҳужалик муомалалари, активлар ва пассивларни баҳолаш

22. Молиявий ҳисоботларда ахборотларни умумлаштириш мак,садида барча ҳужалик муомалалари ёки вок,еалар пул бирлигида улчаниши керак.

Ишончлилик

23. Ахборот, унда жиддий хатолар ва тахминлар булмаса ва унга фойдаланувчилар асосланишса, ишончли ҳисоблади.

Муомалалар ёки вок,еаларнинг ишончлилиги бирламчи ҳисоб ҳужжатлари билан тасдиқданиши керак.

Эҳтиёткорлик

24. Эҳтиёткорлик тамойилига риоя қилиш, қарорлар қабул қилишда активлар ва даромадлар бруттириб курсатилмаслиги ва мажбуриятлар ва харажатларни етарлича баҳоланмаслигига йул қуймасликни англатади.

Мазмунининг шаклдан устунлиги

25. Агар ҳисоб ҳужжатлари ва молиявий ҳисоботлардаги ахборотлар муомалалар ва воқеаларнинг мазмунини ишончли даражада акс эттирса, бундай ахборотлар унинг ҳуқуқий шакли билангина эмас, балки моҳияти ва иқтисодий реаллиги билан мувофиқ, ҳолда ҳисобга олиниши ва тақдим этилиши зарур.

Қурсаткичларнинг таққосланувчанлиги

26. Молиявий ахборот фойдали ва мазмунли булиши учун, бир ҳисобот давридаги ахборот, бошқа ҳисобот давридаги ҳудди шундай ахборот билан таёсдоланадиган булиши керак. Фойдаланувчилар ҳужалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботларни тайёрлашда фойдаланадиган ҳисоб сиёсатидан, ундаги барча узгаришлардан ва ушбу узгаришларнинг натижаларидан хабардор булишлари лозим.

Бета рафлик

27. Молиявий ҳисоботда бериладиган ахборот ишончли булиши учун тахминлардан холи булиши лозим.

Ҳисобот даври даромадлари билан харажатларнинг мувофиқдиги

28. Ҳисобот даври даромадлари билан харажатларнинг мувофиқдиги шуни англатадики, мазкур даврда ушбу ҳисобот давридаги даромадларни олишга асос булган харажатларгина акс эттирилади. Агар даромадлар билан харажатларнинг урта си да бевосита боғлиқликни урнатиш кийин булса, харажатлар тақсимотнинг бирон-бир усулига мувофиқ, бир неча ҳисобот даврлари уртасида тақсимланади. Масалан, бир неча йилга тақсимланадиган амортизация харажатлари.

Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоси

29. Активлар ва мажбуриятларни ҳақиқий баҳолаш уларнинг таннариҳи ёки сотиб олинган нариҳини баҳолаш учун асос булишни назарда тугади.

Стандартларда кузда тутилган айрим ҳолларда ҳақиқий баҳо сотиб олиш қийматидан фарқ қилиши мумкин.

Тушунарилилик

30. Молиявий ҳисоботларда берилаётган ахборот фойдаланувчилар учун тушунарли булиши керак.

Аҳамиятлилик

31. Молиявий ахборотдан фойдаланувчилар томонидан қарорларни қабул қилиш жараёнида, уларнинг эҳтиёжларини қондириш ва уларга субъектнинг муомалавий, молиявий ва ҳужалик фаолиятига баҳо беришда қумаклашиш учун аҳамиятли бўлиши керак.

Мухимлилик

32. Молиявий ҳисоботларда ахборотни киритмаслик ёки нотутри тақдим этиш ахборотдан фойдаланувчиларнинг қабул қилган иқтисодий қарорларига таъсир этса, у муҳим ҳисобланади. Ахборотнинг аҳамиятига унинг моҳияти ҳам, шунингдек унинг қиммати (муҳимлиги) ҳам таъсир этиши мумкин.

Ҳақдоний ва ҳолис тақдим

33. Молиявий ҳисоботлар фойдаланувчида ҳужалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳоли, муомалаларнинг натижалари, пул маблағларининг ҳаракати тўғрисида ҳақдоний ва ҳолис тасаввур яратиши керак.

Тўғалланганлик

34. Молиявий ҳисоботларнинг ишончилигини таъминлаш мақсадида, ҳисобот давридаги ахборот етарлича тўла ҳажмда тақдим этилиши керак.

Изчиллик

35. Дисоб сиёсати бир даврдан бошқа даврга изчил ўтказилишини назарда тутди. Фойдаланувчилар ҳужалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳолидаги ўзгаришнинг йўналишларини аниқлаши учун турли даврлардаги ҳисоботларни қиёслаш имкониятига эга бўлишлари керак.

Ўз вақтида тақдим этиш

36. Ҳисобот ахборотининг асоссиз даражада қечиктирилиши натижасида унинг иқтисодий аҳамиятини йўқотди. Ахборотни ўз вақтида тақдим этиш учун битимнинг ёки бошқа воқеанинг барча жиҳатлари маълум бўлгунча қадар ҳисоботга зарурат пайдо бўлиши мумкин, бу эса унинг ишончилигини бузади. Бошқа томондан, агар ҳисобот барча жиҳатлар маълум бўлгунча қечиктирилса, ҳатто энг ишончли ахборот ҳам фойдаланувчиларга қатта наф қелтирмайди, чунки улар илгарироқ қарор қабул қилишга мажбур бўладилар. Аҳамиятлилик билан ишончлилик ўртасида муносабатликка эришиш мақсадида, иқтисодий Қарорларни қабул қилишда фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қандай қилиб қўлқўрок қондириш масаласини ҳал этиш керак.

Молиявий хисоботнинг элементлари

37. Молиявий хисоботлар молиявий натижаларни ва бошқа хужалик муомалаларини уларнинг иқтисодий тавсифига қараб айрим бандларда умумлаштирилишини акс эттиради, бу эса молия хисоботларнинг элементлари дейилади. Активлар, хусусий сармоя ва мажбуриятлар бухгалтерия балансида хужалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатларини бевосита аниқдаш имкониятини яратадиган элементлар ҳисобланади. Даромадлар ва харажатлар, фаолиятнинг молиявий натижалари тугрисидаги хисоботда хужалик Юритувчи субъектнинг курсаткичларини аниқлаш билан бевосита боғлиқ, булган элементлардир. Пул маблағларининг ҳаракати тугрисидаги хисобот, фаолият натижалари ва бухгалтерия баланси субъектнинг ҳолатидаги ўзгаришлар тугрисидаги хисоботнинг элементларидир.

38. Активлар, мажбуриятлар, хусусий сармоя, заҳиралар, даромадлар ва харажатлар молиявий ҳолатни аниқлаш билан бевосита боғлиқ, элементлардир. Улар қуйидаги тартибда аниқланади:

38.1. Активлар - субъект томонидан назорат қилинадиган, келгусида улардан даромад олиш мақсадида олдинги фаолият натижасида олинган иқтисодий ресурслардир.

38.2. Мажбуриятлар - бу шахснинг (қарздорнинг) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ишни амалга ошириш мажбуриятидир, масалан, мол-мулкни бериш, ишни бажариш, пул тулаш ва бошқа мажбуриятларидир, ёхуд муайян хатти-ҳаракатдан тийилиб туриш мажбуриятидир, кредитор эса қарздордан ўз мажбуриятларини бажаришини талаб қилишга ҳақлидир;

38.3. Хусусий сармоя - субъектнинг мавжуд активларидан мажбуриятларини ҳисоблаб чегириб ташлагандан кейин қолган активларидир;

38.4. Заҳиралар - келгусида муайян харажатларга сарфланиши мумкин булган хусусий сармоянинг бир қисмидир;

38.5. Даромадлар - хисобот даврида активларнинг қупайиши ёхуд мажбуриятларнинг камайишидир;

38.6. Харажатлар - хисобот даврида активларнинг камайиши ёхуд мажбуриятларнинг қупайишидир;

38.7. Молиявий натижалар - хужалик юритувчи субъектнинг фойда ёки зарар шаклида ифодаланган фаолиятининг хисобот даври охиридаги иқтисодий яқунидир.

Активлар

39. Активлар - хужалик юритувчи субъектнинг пул маблағлари ва дебиторлик қарзларини ўзида жамлаган қиймат баҳосига эга булган моддий ва номоддий мулкдир.

Активларда акс эттирилган бул гуси иктисодий манфаат, хужалик юритувчи субъектнинг пул маблаглари оқимига сезиларли, бевосита ва билвосита кушиладиган улушдир. Бу улуш хужалик юритувчи субъект асосий фаолиятининг бир қисми сифатида юзага келиши мумкин.

40. Хужалик юритувчи субъектнинг активлари илгари амалга оширилган битимлар ва бошқ;а воқеаларнинг натижасидир. Улар одатда активларни сотиб олиб ёки ишлаб чиқариш йули билан унга эга буладилар, лекин, бошқа битимлар ва воқеалар ҳам активларнинг қупайишига олиб келади. Масалан, субъектнинг ҳукуматдан олган қучмас мулки. Қелгусида қутиладиган битимлар ва бошқ;а воқеалар уз узидан активларнинг пайдо булишига олиб келмайди.

41. Хужалик юритувчи субъект уз активларидан мулкни бошқ;ариш, ишлаб чиқариш ва хизматлар қурсатиш учун фойдаланади.

42. Активларда акс эттирилган бул гуси иктисодий манфаатлар хужалик юритувчи субъект томонидан ҳар хил йуллар билан амалга оширилиши мумкин. Масалан, активдан:

42.1. Товар-моддий захиралар ишлаб чиқариш ва хизматлар қурсатишда алоҳида ёки бошқ;а активлар билан биргаликда фойдаланилиши;

42.2. Бошқ;а активларга алмаштирилиши;

42.3. Мажбуриятларни қоплаш учун фойдаланилиши;

42.4. Хужалик юритувчи субъектнинг эгалари уртасида таксимланиши мумкин.

43. Активлар - биналар, иншоотлар ва ускуналар сингари жисмоний шаклга эга. Бирок, жисмоний шакл активнинг мавжуд булиши учун зарур эмас. Масалан, патентлар ва муаллифлик ҳуқумари ҳам активлар ҳисобланади, агарда хужалик юритувчи субъект қелгусида улардан фойдаланиб, иктисодий наф олишни қутаётган булса.

44. Дебиторлик қарзлари ва мулк қуринишидаги активлар юридик ҳуқуқдар, шу жумладан эгалик ҳуқуқ,и билан боғлиқдир. Активнинг мавжудлигини аниқлашда, эгалик ҳуқуқ,и бирламчи деб қаралмайди. Масалан, ижарага олинadиган мулк актив деб ҳисобланади, агарда хужалик Юритувчи субъект ана шу мулкдан олиниши керак булган нафни назорат қилса.

45. Харажатларни амалга ошириш билан активларнинг ҳосил булиши уртасида узвий алоқа мавжуд, аммо бу жараёнлар ҳар доим ҳам вақти буйича тугри келмайди. Хужалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилган харажатлар булгуси иктисодий наф изланганидан далолат беради, лекин активларнинг олинганини узил-қесил тасдиқламайди. Бинобарин, харажатларнинг мавжуд

эмаслиги объектни актив деб ҳисоблаш учун асос бўлмайди. Масалан, хужалик юритувчи субъектга текинга берилган объектлар активлар таърифи тушунчасига мос келади.

Мажбуриятлар

46. Хужалик юритувчи субъектнинг бошқа юридик ва жисмоний шахслар олдида жорий масъулиятнинг мавжудлиги мажбуриятнинг асосий тавсифидир.

Мажбуриятлар устав ёки шартнома талаблари натижасида кучга кириши мумкин. Масалан, олинган товар-моддий бойликлар ва хизматлар учун туланидиган суммалар. Мажбуриятлар оддий тадбиркорлик фаолияти жараёнида, яхши муносабатларни сақлаб туриш ёки ҳолисона тарзда иш қилишда ҳам юзага келади. Масалан, агар хужалик юритувчи субъект кафолат муддати тугаганидан сунг уз маҳсулотидаги камчиликларни тузатиш тутрисида қарор қабул қилса, шу бўйича қилинган харажатлар ҳам мажбуриятлар деб ҳисобланади.

47. Жорий мажбурият билан келгусидаги мажбурият уртасида чегара бўлиши керак. Хужалик юритувчи субъект раҳбарининг келгусида активларни сотиб олиш билан боғлиқ, қабул қилган қарори мажбурият пайдо бўлишига сабаб бўлмайди. Мажбурият, одатда, актив олинганда ёки хужалик юритувчи субъект активни сотиб олиш тутрисида битимга киришган даққадан пайдо бўлади.

48. Тегишли мажбуриятларни бажариш, одатда, бошқа тарафнинг эътирозларини қондириш учун иқтисодий фойдани узида мужассамлаштирган хужалик юритувчи субъектнинг ресурсларини узига жалб этиш оқибатида амалга оширилади. Мажбуриятларнинг бажарилиши ҳар хил усулларда (қонун ҳужжатларида қўзда тутилган ҳоллардан ташқари) амалга оширилади:

48.1. Ҳақ, тулаш билан;

48.2. Бошқа активларни бериш билан;

48.3. Хизматларни курсатиш билан;

48.4. Ушбу мажбуриятни бошқа, аси билан алмаштириш орқали;

48.5. Мажбуриятларни акцияларга алмаштириш орқали. Мажбурият, кредитор уз ҳуқуқдаридан бош тортган ҳолларда ёки кредитор ана шу ҳуқуқмаридан маҳрум бўлганида, бажарилган деб ҳисобланиши мумкин.

49. Мажбуриятлар, аввалги битимлар ёки утган воқеаларнинг натижасидир. Масалан, товар-моддий захираларни сотиб олиш ва хизматларни олиш билан туланиши керак бўлган (агар улар илгари туланмаган бўлса ёки етказиб берилганда) ҳисоблар ҳам олинади.

Ҳусусий капитал

50. Ҳусусий капитал - устав, қўшилган, захира (захира) капитали ва тақсимланмаган фойдадан ташкил топади.

Зарурият турил ганда устав, кушилган, захира (захира) капитали аналитик хисобда юритилиши мумкин.

51. Бухгалтерия балансидаги хусусий капиталнинг миқдори активлар ва мажбуриятларни қийматларини баҳолашга боғлиқдир.

Захиралар

52. Хужалик юритувчи субъектни ва кредиторларни зарарларнинг оқибатларидан қўшимча тарзда ҳимоя қилишни таъминлаш учун захираларни вужудга келтириш зарур. Захираларни ҳосил қилиш ва уларнинг миқдори ҳақидаги ахборот, қарорлар қабул қилишда фойдаланувчилар учун аҳамиятлидир. Захира тузиш қонунчилиқда белгиланган ёки субъектнинг уставига (солиқ, қонунчилигини бузмаган ҳолда) мувофиқ, амалга оширилади.

Даромадлар

53. Ялпи даромад хужалик юритувчи субъектнинг асосий ва асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадларни ўз ичига олади. Асосий фаолиятдан олинган даромад - маҳсулот, товар- моддий захиралар ва бошқа активларни сотишдан, ишлар, хизматлар курсатишдан шунингдек муқофотлар, фойзалар ва дивидендлар, гонорарлар ва хужалик юритувчи субъектнинг асосий фаолиятига боғлиқ, бўлган рентадан олиниши мумкин.

54. Хужалик юритувчи субъектнинг асосий бўлмаган фаолияти натижасида оладиган даромадлар, даромадни аниқлашга мос келадиган моддаларни ўз ичига олади ва концептуал асоснинг алоҳида таркибий қисмлари деб ҳисобланмайди.

55. Биржада муомалада буладиган қимматли қўғозларни қайта баҳолаш ва бошқалар асосий бўлмаган фаолият натижасида пайдо буладиган даромадларга мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундай даромадлар, агар молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботда эътироф этилса, улар алоҳида курсатилади, чунки иқтисодий қарорларни қабул қилишда ушбу ахборот фойдали бўлиши мумкин.

56. Солиқда тортиладиган даромад (зарар) - солиқ; қонунларига мувофиқ, белгиланган ҳисобот давридаги даромад (зарар) суммасидир.

Харажатлар

57. Харажатларни белгилаш мулкни, ишлаб чиқаришни бошқариш билан ҳамда, маҳсулот сотиш, ишларни бажариш, хизматлар курсатиш ва зарарлар билан боғлиқ, харажатларни ўз ичига олади. Улар, одатда, пул маблағлари, моддий захиралар, иншоотлар, ускуналар ва бошқалар сингари активларнинг чиқиши ёки улардан фойдаланилиши шаклида булади.

58. Зарарлар фойданинг камайганлигини билдиради ва уз табиатига кура бошқа харажатлардан фарк, қилмайди ва концептуал асоснинг алоҳида қисми деб ҳисобланмайди.

59. Зарарлар бошқа активларни сотишда ёки табиий офатлар натижасида юзага келиши мумкин. Бундай зарарлар молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботда курсатиладиган бўлса, улар ҳақидаги ахборот иқтисодий қарорларни қабул қилишда фойдали бўлади ва шунинг учун ҳам улар алоҳида курсатилади.

Молиявий натижалар

60. Даромадлар ва харажатлар, молиявий натижалар тугрисидаги ҳисоботда қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотни тақдим этиш мақсадида, фаолият турларини чегаралаш йули билан курсатилиши мумкин. Масалан, хужалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти давомида ва фаолият жараёнидаги фавқулодда ҳолатларда юзага келадиган даромадлар ва харажатларнинг моддалари уртасидаги чегара умумий қабул қилинган амалиётдир. Бундай чегаралаш хужалик юритувчи субъектнинг келгусида пул маблағларини қупайтириш қобилиятига баҳо беришда аҳамиятли бўлган моддаларнинг манбалари асосида утказилади. Моддаларни чегаралашда хужалик юритувчи субъектнинг табиати ва унинг фаолияти билан ҳисоблашиш керак. Битта хужалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти натижасида пайдо бўладиган моддалар бошқаларга Қараганда фавқулодда бўлиши мумкин.

61. Даромадлар ва харажатларнинг моддалари уртасидаги чегара ҳамда уларнинг ҳар хил комбинациялари ҳам хужалик юритувчи субъектнинг иш натижаларини курсатиш имкониятини беради. Бундай бўлимлар ҳар хил моддаларни уз ичига олади. Масалан, молиявий натижалар тугрисидаги ҳисоботда солиқ, қаргиз, тортилгунгача ва ундан кейинги молиявий-хужалик фаолиятидан олинган даромад курсатилади.

62. Омонат эгаларининг хусусий капиталга улушлари - даромад ҳисобланмайди; хусусий капиталнинг эгалари уртасида тақсимланиши - харажат ҳисобланмайди.

Даромадлар ва харажатларни аниқлаш уларнинг асосий фарк, қилувчи жиҳатларини очиб беради, лекин уларни молиявий натижалар тугрисидаги ҳисоботда эътироф этишдан олдин жавоб бериши лозим бўлган мезонларни аниқлаштирмайди.

Молиявий ҳисоботларнинг элементларини акс эттириш

63. Ёритиш акс эттириш - бу бухгалтерия баланси ёки молиявий натижалар тугрисидаги ҳисоботга элементларни аниқлашга жавоб берадиган моддаларни киритиш жараёни бўлиб улар да акс этиши лозим.

Акс эттириш жараёни модданинг баёини хам, унинг пулдаги ифодасини хам уз ичига олади, шунингдек у, ушбу модданинг бухгалтерия балансига ёки молиявий натижалар тугрисидаги Хисоботга киритилишидир.

64. Модданинг маълум бир мезонга мувофиқдигини аниқдаш учун ва уларнинг туркумланишини акс эттиришда аҳамиятлили ва тақдослаш қоидаларига эътиборни қаратиш керак.

Элементлар уртасидаги узаро боғлиқлик таъриф ва мезонларга жавоб берадиган модданинг алоҳида жихатни акс эттиришини англатади. Масалан, активнинг акс эттирилиши уз-уздан даромад ёки мажбуриятнинг бошқа элементини акс эттиришни талаб қилади.

Активни акс эттириш

65. Ушбу активдан фойдаланиш натижасида хужалик юритувчи субъектга булгуси ик, тисодий наф тушиш эҳтимоли мавжуд булганида, ушбу актив бухгалтерия балансида акс эттирилади ва актив учун қилинган чиқимлар ёки унинг цийматини аниқ; ифодалаш имконияти булса уз ичига олади.

Мажбуриятларни акс эттириш

66. Мажбуриятлар, узида ик, тисодий нафни ифодаловчи ресурслар оқими эҳтимоли мавжуд булганида, бухгалтерия балансида эътироф этилади, шунингдек улар мажбуриятларни қабул қилиш оқибатида хам эътироф этилади.

Даромаднинг ёритилиши (акс эттирилиши)

67. Даромад - активларнинг купайиши ёки мажбуриятларнинг камайиши туфайли, келтуси ик, тисодий нафнинг маълум даражада усганлиги натижаси курунишида, молиявий натижалар тугрисидаги хисоботда акс эттирилади. Бу эса даромадни акс эттириш, активларнинг купайиши ва мажбуриятларнинг камайишини акс эттириш билан бир вақтда юзага келишини англатади (масалан, товарлар ва хизматларни сотишда юзага келадиган активлардаги соф купайиш, ёки кредитор қарздан бош тортиши натижасида мажбуриятларнинг камайиши).

Харажатларнинг ёритилиши (акс эттирилиши)

68. Активларнинг камайиши ва мажбуриятларнинг купайиши аниқданганда, келтуси ик, тисодий нафнинг маълум даражада камайиши - харажатлар сифатида молиявий натижалар тугрисидаги хисоботда акс эттирилади. Бу эса, харажатларнинг, мажбуриятларнинг купайиши ва активларнинг камайиши билан бир вақтда акс эттирилишини билдиради.

Молиявий хисоботлардаги элементларни баҳолаш

69. Баҳолаш - активлар ва мажбуриятлар эътироф этиладиган ва молиявий хисоботларда қайд этиладиган курсаткичларни пул қуринишида улчаш усулидир.

70. Молиявий хисоботларда, баҳолашнинг қуйидаги усулларида фойдаланилади:

70.1. Бошлангич баҳоси. Активлар узаро манфаатдорли томонлар уртасида сотиб олинган жорий қиймати буйича акс эттирилади. Мажбуриятлар маблағлар суммасида акс эттирилади ва уларни бажариш учун туланган пул маблағларида ушбу мажбуриятларни бажариш учун олдиндан туланади.

70.2. Жорий қиймат. Хисоботда активлар, узига ухшаш активларнинг сотиб олинган пул маблағлари қиймати буйича акс эттирилади. Мажбуриятларни қоплаш учун зарур булган, жорий булмаган пул маблағлари суммаси буйича, мажбуриятлар акс эттирилади.

70.3. Сотиш қиймати. Активлар, сотишдан олинishi мумкин булган пул маблағлари суммаси буйича акс эттирилади. Мажбуриятлар, уларни тулаш қиймати буйича акс эттирилади, қайсики бундай қиймат, мажбуриятларни тулаш учун талаб этиладиган пул маблағларининг дисконтланмаган суммасидир.

70.4. Дисконтланган қиймат. Активлар, хужалик юритувчи субъектнинг олдинги фаолияти давомида активларни қупайтириши лозим булган буқуси пул маблағлари тушумининг дисконтланган қиймати булган жорий қиймат буйича акс эттирилади.

Мажбуриятлар, келгусида утказиладиган пул маблағларининг дисконтланган қийматидан иборат булган, хужалик юритувчи субъектнинг оддий фаолияти давомида мажбуриятларни тулаш учун фойдаланилиши мумкин булган жорий қиймат буйича акс эттирилади.

70.5. Баланс қиймати - хисобот санасида бухгалтерия балансида активлар ва мажбуриятларни акс эттириш қийматидир.

71. Хужалик юритувчи субъектлар молиявий хисоботларни тайёрлашда баҳолаш учун асос қилиб бошлангич қийматни оладилар. Одатда, ушбу қиймат баҳолашнинг бошқа асосий тушунчалари билан биргаликда фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарта № 1
ҲДСОБ ЮРИТИШ СИЁСАТИ ВА МОЛИЯВИЙ ХИСОБОТ
(Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1998 йил 14 августда 474 - сон билан
руйхатга олинган)
У мумий қоидадар

1. Ушбу Бухгалтерия Ҳисобининг Миллий Стандарта (БХМС) Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тугрисида»ги Қонуни асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш тизимининг элементи ҳисобланади.

Стандартнинг мақсади

2. Ушбу БХМС ҳужалик юритувчи субъектнинг утган даврлар учун молиявий ҳисоботларини, шунингдек турли ҳужалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларини қиёслашни таъминлаш мақсадида молиявий ҳисоботни шакллантириш ва тузиш учун асосларни белгилаб беради.

Ушбу мақсадга эришиш учун мазкур стандарт ҳужалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботи асосида бўлиши лозим бўлган концепцияларни, молиявий ҳисобот мазмунига минимал талабларни назарда тутади.

Алоҳида муомалалар ва ҳодисаларни батафсил баҳолаш ва ёритиш бўйича мукаммал талаблар бошқ.а Б^АМСда баён қилинади.

Ушбу стандарт, молиявий ҳисоботдан ташқари тақдим қилинадиган маълумотларга бўлган талабларни баён қилмайди. Масалан, ҳужалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларига қўшимча ахборот сифатида молиявий шарҳларни тақдим қилишлари мумкин.

3. Ушбу стандартда ҳисоб юритиш сиёсати деганда, ҳужалик юритувчи субъект раҳбари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш асослари ва қоидаларига мос равишда усулларининг танланлиши тушунилади.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларига ҳужалик фаолиятини тасдиқловчи далилларни баҳолаш ва гуруҳлаштириш услублари, активларнинг қийматини тулаш, ҳужжат айирбошлашни ташкил этиш йуллари, йулқдама қилишни утказиш, бухгалтерия ҳисоби ҳисобларини қуллаш йуллари, ҳисоб регистрлари тизими, ахборотни ишлаб чиқ.иш ва бошқа тегишли усуллар қиради.

4. Ҳужалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсати субъект раҳбари томонидан, ушбу БХМС асосида тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларни йилма-йил таққ.ослаш мумкин бўлиши учун тузилади.

5. Молиявий хисоботлар хужалик юритувчи субъектнинг маълум давр давомидаги фаолиятини тавсифлаб берадиган молиявий ахборотни акс эттириш усули бўлиб, субъектнинг мустақил хужалик юритувчи субъект бўлиши ёки хужалик юритувчи субъектларнинг уюшган гуруҳига киришидан қатъий назар тақдим қилинади.

6. Молиявий хисоботларнинг мақсади хужалик юритувчи субъектнинг молиявий ахволи, унинг фаолиятини ёритадиган курсаткичлари тўғрисида, ҳамда пул маблағларининг ҳаракати бўйича маълумот беришдан иборат бўлиб, у фойдаланувчиларнинг кенг гуруҳига иқтисодий қарорлар қабул қилишлари учун зарурдир.

Молиявий хисоботлар, Шунингдек, хужалик юритувчи субъект имкониятларининг раҳбарият томонидан бошқарилишини амалга ошириш натижаларини ҳам курсатади.

7. Ушбу стандарт мақсадларига эришиш учун хисоботлардан фойдаланувчилар учун пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари келажакда ва қисман шакллантириш муддатлари ҳақида маълумотлар акс эттирилган бўлиши керак. Бунинг учун молиявий хисоботларда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

7.1. Хужалик юритувчи субъектнинг назорати остидаги активлар (келажакда нақд пул маблағлари тушумларининг ёки бошқа иқтисодий нафларнинг манбаи бўлган активлар) ҳақида;

7.2. Хужалик юритувчи субъектнинг мажбуриятлари (келажакда пул маблағлари ёки бошқа иқтисодий нафларнинг қамаيши эҳтимоли асослари) ҳақида;

7.3. Хужалик юритувчи субъектнинг тақсимланмаган даромади бир даврдан бошқа даврга иқтисодий имкониятлари ва мажбуриятларидаги ўзгаришлар (эгаллик қилувчиларнинг бадаллари ва эгаллик туланган туловлар бундан мустасно) ҳақида;

7.4. Пул маблағининг ҳаракати (келажакда пул оқимининг ҳаракати мумкинлигининг сифат курсаткичи) ҳақида.

Ушбу ахборот молиявий хисоботлардан фойдаланувчилар учун хужалик юритувчи субъектнинг дивидендлари ва фонсларни тулаш, шунингдек мажбуриятлари бўйича муддати келган туловларни тулаш имкониятларини баҳолашда фойдали бўлади.

8. Хужалик юритувчи субъектнинг раҳбари субъектнинг ҳисоб сиёсатиغا, шунингдек, молиявий хисоботларини тайёрлаш ва тақдим этишда қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўлади.

Фаолият соҳаси

9. Ушбу БХМС умумий йўналишдаги молиявий хисоботларни тайёрлашда қўлланилади, уларнинг рўйхати мазкур Стандартнинг 12-бандида келтирилган.

Хужалик юритувчи субъектнинг молиявий хисоботларини

тайёрлашда ҳам ёки улар буйича йигма ҳисоботларни тайёрлашда ҳам ушбу стандартга амал қилинади.

10. Мазкур БХМС қуйидагиларга жорий қилинади:

10.1. Ҳисоб сиёсатини шакллантириш бобида - мулкчиликнинг туридан қатъий назар, барча ҳужалик юритувчи субъектларга;

10.2. Ҳисоб сиёсатини ёритиш бобида - узининг молиявий Ҳисоботларини қонун ҳужжатларига ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ, ёки ташаббуси билан эълон қилувчи ҳужалик юритувчи субъектларга.

11. Ушбу БХМСнинг амал қилиши банклар, бюджет ва су гурта ташкилотларининг молиявий ҳисоботларини тузиш тартибига жорий қилинмайди.

Молиявий ҳисоботнинг таркиби

12. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тугрисида»TM Қонунига мувофиқ, (16-модда), йиллик молиявий Ҳисобот қуйидаги молиявий ҳисоботлардан иборат бўлади:

12.1. Бухгалтерия баланси - 1-шакл;

12.2. Молиявий натижалар тугрисидаги ҳисобот - 2-шакл;

12.3. Асосий воситалар ҳаракати тугрисидаги ҳисобот - 3-шакл;

12.4. Пул оқимлари тугрисидаги ҳисобот - 4-шакл;

12.5. Ҳусусий капитал тугрисидаги ҳисобот - 5-шакл;

12.6. Изохлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.

13. Даврий (чорақлик) ҳисоботлар йиллик ҳисоботлардан молиявий ҳисоботлар шакллари сонининг камроқ; бўлиши билан ажралиб туриши мумкин.

Қўшимча маълумот (изохлар, ҳисоб-китоблар, тушунтиришлар)

14. Турли ҳужалик юритувчи субъектларнинг фаолияти қўй қиррали бўлгани учун, молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларни иқтисодий қарорлар қабул қилишлари зарур бўлган барча маълумотлар билан таъминлай олмайди. Йиллик молиявий ҳисоботларга қўшимча равишда маъмурият томонидан тузиладиган молиявий шарҳларни ўз ичига олиши керак, чунки у, ҳужалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолиятини, молиявий ахволини ва улар дуч келган асосий ноаниқликларни тушунтиради.

Ушбу шарҳда ҳужалик юритувчи субъектнинг фаолияти натижаларига, мазкур фаолиятни қўллаб - қувватлашга ва мустаҳкамлаш учун қўлланилаётган инвестиция сиёсатига, шунингдек жорий ва келгуси даврларда дивиденд сиёсатига таъсир этувчи асосий омиллар ёритилади, жумладан:

14.1. Ҳужалик юритувчи субъектнинг молиявий манбалари ва таваккалчиликни бошқариш;

14.2. Ҳужалик юритувчи субъект фаолият курсатаётган ташки муҳитнинг ўзгариши, унинг ушбу ўзгаришларга муносабати ва

уларнинг субъектнинг фаолиятига таъсири;

14.3. Фойдаланувчилар томонидан қарорларнинг қабул қилиниши учун муҳим бўлган бошқа маълумотлар.

15. Қушимча маълумотлар - изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар ҳужалик юритувчи субъект томонидан махсус шаклда ёки ихтиёрий қуринишда тақдим этилади.

Ҳисоблаш тамойили

16. Молиявий ҳисоботлар (пул оқимлари туғрисидаги ҳисоботдан ташқари) ҳисоблаш тамойиди асосида тузилади.

Ҳисоблаш тамойилига асосан активлар, пасивлар, ҳусусий капитали, даромадлар, харажатлар, ҳужалик муомалалари ва ҳодисалар юзасидан пул маблағлари ёки эквивалентлари олинган ва туланган вақтда эмас, балки содир этилган (ёки нақд олинган) пайтда бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

Ҳисоблаш тамойили асосида тайёрланган молиявий ҳисоботлар фойдаланувчиларга нафақат пул маблағларини тулаш ва олиш бўйича илғари содир бўлган муомалалар туғрисида, шунингдек келгусида пул маблағларини тулаш мажбуриятлари туғрисида, ҳам улар тегишли иқтисодий қарорларнинг қабул қилинишида зарур бўладиган ахборотлар беради.

Иккиёқдама қайд этиш усули билан ҳисоб юритиш

17. Иккиёқдама қайд этиш усули билан ҳисоб юритиш тамойили ҳужалик юритувчи субъект бухгалтерия муомалаларини иккиёқдама ёзиш тизими асосида юритиши кераклигини билдиради. Иккиёқдама ёзиш тизими содир бўлган ҳужалик муомаласи бўйича тегишли суммани битта счётининг дебёт томонига ва айнан шу суммани иккинчи счётининг кредит томонига қайд қилишдан иборат бўлади.

Узлуксизлик

18. Молиявий ҳисобот ҳужалик юритувчи субъект доимий фаолиятни номаълум узок, муддатгача давом эттиради деган қоида бўйича тайёрланади, яъни ҳужалик юритувчи субъектга узининг муомалалари бўйича фаолиятини жиддий қисқартириш ёки тугатиш эҳтимоли ва ҳаракатига эга бўлмайди.

Агар раҳбар ҳужалик юритувчи субъектни тугатиш ёки унинг фаолият ҳажмини қисқартириш, ёки шунга олиб келувчи шароитлар ва муҳитлар бўлса, унда молиявий ҳисоботда бериладиган изоҳларда шу воқеани ва узлуксизликдан чекиниш сабабларини ёритиши зарур бўлади.

Узлуксизлик қоидаси бухгалтерия ҳисоботи юритиш муддати ҳужалик юритувчи субъектнинг фаолият қурсатиш муддатига мос келиши кераклигини, яъни бухгалтерия ҳисоби субъектни тугатиш ёки банкрот бўлганига қадар олиб борилиши кераклигини билдиради. Уз фаолиятини тугатган кундан бошлаб, субъект

бухгалтерия ҳисобини юритишни тухтатади.

Хужалик муомалалари, активлар ва пасивларни баҳолаш

19. Барча хужалик муомалалари, ходисалар, активлар ва пасивлар ягона, бир турдаги пул бирлигида улчаниши керак.

Ўзбекистон Республикасида сум ва унинг қисми - тийин пул улчови ҳисобланади.

Ишончлилик

20. Ахборот, қачонки унда жиддий ёки олдиндан уйлаб киритилган хатолар бўлмаса, фойдаланувчилар унга асосланиш, ишончли ҳисобланади.

Муомалалар ва ходисаларнинг ишончилиги бирламчи ҳисоб ҳужжатлари билан тасдиқланиши керак.

Эҳтиёткорлик

21. Эҳтиёткорлик тамойили молиявий ҳисоботларда активлар ва даромадларнинг баҳоси оширилган ва мажбуриятлар ёки харажатларни баҳосини пасайтириб (етарли баҳоламай) курсатилишига йул қўймасликни англатади.

Ушбу тамойилни қўллаш яширин захираларни ҳосил қилиш ёки активлар ва даромадларни, мажбуриятлар ва харажатларни атайлаб пасайтириб ёки орттириб курсатиш ҳукукини бермайди.

Мазмуннинг шаклдан устуңлиги

22. Агар ҳисоб ҳужжатлари ва молиявий ҳисоботларда муомалалар ва ходисаларнинг мазмуни ишончли акс эттирилса, унда ушбу ахборот молиявий ҳисоботларда ҳисобга олиниши учун тақдим этилиши керак.

Курсаткичларнинг такқосланувчанлиги

23. Молиявий ахборотнинг фойдали ва мазмунли булиши учун ахборот ҳар хил ҳисобот даврлари учун таққосланадиган булиши керак. Фойдаланувчилар субъектнинг молиявий ҳисоб сиёсатидан, ушбу сиёсатдаги барча узғаришлардан ва уларнинг натижаларидан хабардор булишлари керак.

24. Молиявий ҳисоботларда барча қиймат ахборотларни таққослаб аввалги даврга нисбатан ҳамма маълумотлар бўйича ёритиш зарур. Утган давр молиявий ҳисоботлари шарҳданган ва ёзма ахборот жорий ҳисобот даври учун тақдим этилган ва янгиланган булиши. керак, чунки жорий ҳисобот даври молиявий Ҳисоботларининг объектив тақдим этилиши учун зарур бўлса амалга оширилади.

25. Молиявий ҳисоботнинг бандларини турухдаштириш ёки тузатишлар киритишда жорий маълумотлар билан тақдосланган сумма қайта тасниф қилиниши ҳам да бир вақтнинг узида сумманинг хусусияти ва қайта тасниф қилиниш сабаби ёритилиши керак. Агар бунинг иложи булмаса, яъни суммалар қайта тасниф қилинган булса, хужалик юритувчи субъект қайта тасниф қилишнинг сабаблари ва тузатишларнинг хусусиятини ёритиши керак. _.

26. Агар ахборот фақат тақдим этиш учун хизмат қилса, (масалан давр боши ва охирига моддий ва номоддий активлар буйича қолдиқдарни солиштириш), улар учун таққослаш ахбороти талаб этилмайди.

Таққослаш ахборотини тақдим этиш талаблари доираси янги стандартлар ишлаб чиқиш ва амалдагиларни узгартириш билан қисқартирилиши, агарда стандартдан биринчи марта фойдаланилаётган булса янги ва қайта қурилган стандартларнинг қондалари таққослаш ахборотини тақдим этишни талаб қилмаслиги ҳам мумкин.

27. Шундай ҳолатлар мавжудки, натижада жорий давр билан таққослаш мақсадида таққослаш ахборотини қайта тасниф қилиш мумкин булмай қолади. Масалан, утган даврда ахборот уни қайта тасниф қилиш ва ахборотларга узгартириш киритишга имконият қолдирмайдиган даражада йигилган булиши мумкин. Бундай ҳолатларда таққосланаётган суммаларга киритилиши мулжалланган тузатишларнинг хусусияти ёритилиши керак.

28. Таққослаш қоида­сига риоя этиш учун қуйидаги шартларни бажариш керак:

28.1. Барча ахборотларнинг миқдорига нисбатан талаблар;

28.2. Ушбу йилда ҳисоботни тақдим этиладиган ҳисоботга ёндагуларнинг узгариши билан таққослаш мақсадида утган давр учун ахборот қайта тасниф қилиниши керак;

28.3. Агар қайта тасниф қилишнинг мутлақо иложи булмаса, унда қайта тасниф қилинганида аниқданиши мумкин булган узгаришларнинг сабаблари ва хусусияти ёритилиши керак.

Молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги

29. Молиявий ҳисоботда келтирилган ахборот олдиндан, хатодан ҳолис, ишончли булиши керак.

Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоси

30. Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳолаш қоида­си, Уларнинг таннариҳи ёки сотиб олинган нариҳи баҳолаш учун асос бўлишини назарда тутди.

Стандартларда курсатилган баъзи бир ҳолларда, аниқ, баҳолаш қўлдан олиш нариҳидан фарқ қилиниши мумкин.

Хисобот давридаги даромадлар ва харажатларнинг мослиги

31. Хисобот давридаги даромадлар ва харажатларнинг мослиги, факат ушбу хисобот даврида даромад олишни таъминлаган харажатларнинг акс эттирилишини билдиради. Агар айрим қуринишдаги харажатлар ва даромадларнинг бевосита богликдигини аниқдаш қийин бўлса, харажатлар бир неча хисобот даврлари орасида таксимотнинг бирон-бир тизими асосида таксимланади. Бу, масалан, амортизация харажатларга тааллуқли бўлиб, бир неча йилга тақсим қилинади.

Тушунарлилик

32. Молиявий хисоботларда берилаётган ахборот фойдаланувчилар учун тушунарли ва содда бўлиши керак.

Аҳамиятлилик

33. Молиявий ахборотлардан фойдаланувчилар узлари қарорлар қабул қилиш жараёнида ва муомадавий ҳодисаларнинг молиявий ва ҳужалик фаолиятини баҳолашда, эҳтиёжларини қондиришда аҳамиятли бўлиши керак. Ахборотнинг моҳияти ва қиймати (муҳимлиги) унинг аҳамиятлилиги даражасига таъсир этиши мумкин.

Муҳимлик

34. Ахборот агар тушириб қолдирилганда ёки нотугри тасаввур **Қилинганда**, молиявий хисоботлар асосида ахборотдан фойдаланувчилар томонидан иқтисодий қарорлар қабул **Қилишларига** таъсир этса, муҳим ҳисобланади.

35. Молиявий хисоботларда акс эттирилган суммалар бир хил хусусиятли ёки бир хил йўналишли умумлаштирилган суммалар бўлиб, улар алоҳида-алоҳида акс эттирилиши мумкин эмас.

Агар ахборот алоҳида олинган ҳолда ҳам, шунингдек умумлаштирилган ҳолда ҳам муҳим бўлса, унда бошқа ахборотларнинг ёритилмаган яхлитлигича урганилиши керак эмас. Шу муносабат билан ахборотнинг ёритилмаслиги фойдаланувчиларнинг молиявий хисоботлар асосида қабул қилган иқтисодий қарорларига таъсир этсагина, ушбу ахборот муҳим ҳисобланади.

Муҳимлик тушириб қолдирилган аниқ ҳолатлар қўрилаётган банднинг ҳажмига боглик бўлади.

36. Молиявий хисобот ҳужалик муомалаларининг хусусияти ва моҳияти жиҳатидан гуруҳларга тизимга мувофиқ умумлаштириш натижаси ҳисобланади. Умумлаштиришни ва тасниф қилиш жараёнининг якуний босқичи бу туркумларга ажратилган жуда киска ахборотни тақдим этишдир, чунки молиявий хисоботлар модда сифатида ва изоҳларда берилган бўлади.

Молиявий хисоботда айрим курсаткичларни ажратиб курсатиш ёки уларни бошқа курсаткичлар билан бир моддага бирдаштириш ҳам муҳимдир. Шу сабабли агар активлар ёки пассивларнинг, даромадлар ёки харажатларнинг айрим моддалари муҳим бўлмаса, бундай ҳолларда модда ёки моддалар жамининг хусусияти ва ҳажми бир вақтнинг ўзида баҳоланади. Вазиятга қараб модданинг хусусияти ёки ҳажмини белгилловчи омил бўлиб хизмат қилади.

37. Агар олдинги ахборот муҳим бўлмаса, унда БХМСда курсатилган ёритилиш талабларини бажаришга ҳожат қолмайди. Агар умум-фойдаланиладиган молиявий хисоботларнинг бир бандида муҳим ахборот бошқа бир муҳим ахборот билан қўшиб берилган бўлса, унда молиявий хисоботларнинг изоҳларида ушбу ахборотни ёритиб бериш керак.

38. Муҳимлик тақдим этилган хисоботдагидек тушунарлилик ва аниқлик даражаси билан боғлиқ. Аниқлик даражасида, ахборотни минггача ёки миллионгача умумлаштирилиши (яхлитланиши), унинг муҳимлик тамойили бузилмагунга қадар қўлланилади.

Ҳақдоний ҳолис тақдим этиш

39. Молиявий хисоботлар - фойдаланувчиларда субъектнинг молиявий ҳолати, муомалаларининг натижалари, пул маблағларининг ҳаракати ҳақида ҳақдоний ва ҳолис тасаввур ҳосил қилиши керак.

Тугатилганлик

40. Ишончилигини таъминлаш мақсадида молиявий хисоботдаги ахборот тулик ва тугатилган бўлиши керак.

Изчиллик

41. Фойдаланувчилар ҳужалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволидаги ўзгаришларни аниқдаши учун турли даврлардаги Хисоботларини такқослаш имкониятига эга бўлишлари керак.

42. Агарда ҳужалик юритувчи субъектнинг муомалалари хусусиятидаги жиддий ўзгаришлар ёки хисоботни тақдим этиш турларини ўзгартириш лозимлигини такқослаш этмаса, молиявий Хисобот бандларини гуруҳлаштириш ва тақдим қилиш тартиби даврдан даврга сақданиб қўлини керак.

43. Сотиб олинган, чиқарилган ёки ҳужалик юритувчи субъектнинг муомада фаолиятидаги бошқа муҳим ўзгаришлар вақт-вақти билан молиявий хисоботнинг шарҳига ўзгаришлар киритиб, молиявий хисоботни тақдим этишни мақсадга мувофиқ қилади. Бундай ҳолларда, субъект муҳимлик ва такқослаш қондаларини сақдаб қўлишга эришиши керак. Агар, қайта қўрилган тизим узок, "У4"дат сақданиб қоладиган бўлса, унинг мук,обилини бериш Устивор ва мук,аррар бўлса, у молиявий хисоботни тақдим этишни

узгартириши мумкин. Ҳисоб сиёсати бир даврдан бошқа даврга изчил утказилиши назарда тутилади.

Узвактидалик

44. Ахборот уз вақтида тақдим этилсагина фойдали ҳисобланади. Молиявий ҳисоботни тузган кундан кейин фойдаланувчилар ихтиёрига белгиланган муддатда етказиб берилмаса, молиявий ҳисоботларнинг фойдалилик даражаси пасайиб кетади. Ҳисобот ахбороти асоссиз кечиктирилса, у уз аҳамиятини йўқотган бўлади. Субъект молиявий ҳисоботни ушбу БХМСнинг 62-65-бандларида курсатилган муддат ичида тузишга кодир бўлиши керак. Ҳеч қандай омиллар, ҳаттоки субъект муомалаларининг мураккаблиги ҳам, Ҳисоботни уз вақтида тақдим этишга кодир бўлмаслик ҳам сабаб сифатида ишдатилмаслиги керак.

Молиявий ҳисоботларни эълон қилиш Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги» Қонуни асосида амалга оширилиши керак.

45. Агарда ҳисобот барча йўналишлар маълум бўлгунга қадар кечиктирилса, энг ишончли ахборот ҳам фойдаланувчиларга кам фойда келтирилиши мумкин, чунки улар эрта қарор қабул қилишга мажбур бўладилар. Аҳамиятлилиқ ва ишончлилиқ уртасида мутаносибликка эришиш мақсадида фойдаланувчиларнинг иқтисодий қарорлар қабул қилишларидаги эҳтиёжларини иложи борича тулиқ,роқ, қондиришни ҳал этиш лозим.

Оффсеттинг (моддаларнинг узаро қопланиши)

46. Активлар ва пасивлар уртасида узаро ҳисоб-китоб қилишнинг бўлиши мумкин эмас, бошқа БҲМСларда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

47. Даромадлар ва харажатларнинг моддалари узаро қопланиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно, қачонки:

47.1. БХМС буни талаб этса ёки рухсат этса;

47.2. Даромадлар, зарарлар ва улар билан боғлиқ харажатлар шундай ҳолларда ёки шунга ухшаган муомалалардан ва ходисалардан пайдо бўлиб, алоҳида ҳолда ҳам, умумлаштирилганда ҳам унчалик аҳамиятли бўлмаса.

Бунда суммалар умумлаштирилади ва нетто - асосида тақдим этилади. Уларни тақдим этиш муомалалар ёки бир хил битимлар гуруҳининг моҳиятини акс эттиради.

48. Даромадлар ва харажатлар узаро қопланган бўлса, хужалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботларнинг эслатмаларида *муқимлик* тамойили асосида ушбу суммани ёритиш эҳтиёжини қуриши лозим. Масалан, бухгалтерия балансида дебиторлик қарзи «Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар» банди бўйича туланиши шубҳали қарзлар бўйича мавжуд захираларни 26

хисоб дан чиқариб ташлашнинг акс эттирилиши назарда тутилган бўлса, тушунтириш хатларида дебиторлик қарзлари суммаси ва шубҳали қарзлар бўйича туз ил га н захиралар суммаси ҳам алоҳида қўрсатилади.

Ҳолислик (объективлик)

49. Молиявий ҳисобот субъектнинг молиявий ахволи, фаолиятининг молиявий натижалари ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисида ҳолис ахборот бериши керак.

Ҳолислик таъйинишга эришиш учун ҳар бир ҳужалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузишда БХМС ва ҳисоб юритишнинг асосий таъйинларини қўллаши лозим.

50. Фаолиятнинг турли қўринишлари бўйича янгиликларни жорий қилиш тезлиги БХМС ишлаб чиқилмаган муомала ва ҳолатларга олиб қилиши мумкин. Бундай ҳолда молиявий Ҳисоботнинг ҳолислигига ҳужалик юритувчи субъект томонидан ушбу Стандарт асосида мустак, ил ишлаб чиқилмаган ҳисоб сиёсатини танлаш ва қўллаш орқали эришилади.

Ҳисоб юритиш сиёсати

51. Субъектнинг ҳисоб сиёсати ушбу стандартнинг 16-50- бандларида ифода қилинган таъйинлар асосида ташкил этилиши керак.

Ҳужалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати субъект томонидан молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тузишда қўлланиладиган узиға ҳос таъйинлар, конвенциялар, қ,оида ва амалий ёндашувларни ифода қилади.

52. Ҳисоб сиёсати шундай ташкил қилиниши керакки, унда молиявий ҳисобот барча учун қўлай бўлган БХМС асосида тузилиши мумкин бўлсин ва агар узиға ҳос талаблар бўлмаса, унда қўйидаги нук,таи назардан қелиб чиқ,қан ҳолда тузилиши мумкин бўлсин:

52.1. Қўйдаланувчиларнинг эҳтиёжлари учун аҳамиятли;

52.2. Қўйидаги маънода ишонқли, агар у:

52.2.1. Субъектнинг фаолияти ва молиявий ҳолатининг барча натижаларини ишонқли ёритса;

52.2.2. Қак,атгина юридик шаклнинг узини эмас балки, қодиса ва муомалаларнинг иқтисодий моҳиятини ёритса;

52.2.3. Бетараф (бегараз) бўлса ва мажбурий бўлмаса;

52.2.4. Бетарафликка зарар етказмаган даражадаги эҳтиётқорлиги бўлса;

52.2.5. Барча муҳим аспектларда тулик (туғатилган), яъни ҳужалик юритувчи субъект ҳужалик фаолиятининг барча ^масалаларини тулик ёритса;

52.3. Айнан шундай фаолият юритувчи бошка субъектларнинг молиявий хисоботлари таккосланса;

52.4. Тушунарли булса.

53. Бухгалтерия хисобини юритиш ва хисобот тузишни ташкил этишнинг аниқ, йуналиши (масаласи) буйича субъектнинг хисоб сиёсатининг шакллантирилишида Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия хисоби тугрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш лозим.

54. Махсус БХ,МСлар булмаганда, субъектнинг рахбари хисоб сиёсатини ишлаб чиқишда узининг тушунчаларидан фойдаланишга ҳақди, чунки у хужалик юритувчи субъект молиявий Хисоботлардан фойдаланувчилар учун фойдали ахборотни беради.

Уз тушунчаларини қўллаш жараёнида, рахбар қуйидагиларни куриб чиқади:

54.1. БХ,МСнинг шундай масалалар буйича талаблари ва курсатмаларини;

54.2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан эълон қилинган ҳар қандай бошка ахборотни;

54.3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатлар учун уларни аниқлаш, акс эттириш ва улчаш баҳоларини;

54.4. Капиталнинг жаҳон молиявий бозорлари томонидан қабул қилинган асосий тармок амалиётини.

55. Хужалик юритувчи субъектнинг хисоб юритиш сиёсати хужалик юритувчи субъектнинг тегишли ташкилий-фармойиш ҳужжатлари (буйруқ, фармойиш ва х-к) билан расмийлаштирилиши керак.

Хисоб юритиш сиёсатини шакллантиришда бухгалтерия хисобини юритишда танланган усуллари ташкилий-фармойиш ҳужжати эълон қилинган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан бошлаб қўлланилади, хисобот йили давомида янги тузилган хужалик юритувчи субъектлари бундан мустасно.

Бунда улар хужалик юритувчи субъектнинг барча тузилмавий таркибий бўлинмалари (алоҳида балансга утказилгани ҳам Қўшилади) томонидан уларнинг қаерда жойлашганидан қатъий назар, қўлланилади.

Янги ташкил қилинган хужалик юритувчи субъект биринчи мартда хисоботини эълон қилгунга қадар, ушбу қисмга ўзи танлаган хисоб сиёсатини расмийлаштиради, қайсики юридик шахс макomini олган вақтдан (давлат рўйхатидан утгандан) бошлаб, 90 кундан кечикмасдан амалга оширади. Субъект томонидан танланган хисоб юритиш сиёсатини юридик шахс макомига эга булган вақтдан (давлат рўйхатидан утгандан кейин) қўллаши мумкин булади.

56. Календар йили давомида хисоб сиёсати ўзгартирилмайди.

Куйидаги ҳолларда ҳужалик юритувчи субъектнинг ҳисоб **сиёсатида** узгаришлар бўлиши мумкин:

56.1. Субъект қайта ташкил этилганда (қушилиш, бўлиниш, бирлаштириш);

56.2. Мулкдорлар узгарганда;

56.3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоботининг меъёрий тартибга солиш тизимида узгаришлар бўлганда;

56.4. Бухгалтерия ҳисобининг янги омиллари ишлаб чиқилганда.

Ҳисоб сиёсатидаги узгаришлар асосли бўлиши керак ва ушбу Стандартнинг 55-бандида белгиланган тартибда

расмийлаштирилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан боғлиқ бўлмаган ҳисоб сиёсатидаги узгаришларнинг оқибатлари бухгалтерия ҳисобини юретишда узгартирилган омилларнинг қўлланилиш қуни (ойнинг биринчи қуни)дан субъект томонидан текширилган қиймат қурилишида баҳоланиши керак.

Молиявий ҳисоботларнинг асосий идентификацион реквизитлари

57. Молиявий ҳисоботлар молиявий ҳисоботларнинг айнан бир хил шаклларида аниқ, идентификация қилиниши керак.

58. Қуйидаги ахборот молиявий ҳисоботнинг ҳар бир бетида тулиқ акс эттирилиши мақсадга мувофиқдир:

58.1. Субъектнинг номи, мулкчилик шакли, юридик манзили, бўйсунлиши, идентификацион рақами ва субъектни билиш учун керак бўлган бошқа маълумотлар (реквизитлар);

58.2. Алоҳида субъектларни ёки субъектлар гуруҳининг молиявий ҳисоботларини қамраб олиши;

58.3. Молиявий ҳисобот томонидан қамраб олинган ҳисобот санаси даври.

59. Тақдим этилган ҳисобот ахборотини тўғри тушуниш учун Қуйидаги маълумотлар ёритилиши, зарур ҳолларда, такрорий ёритилиши лозим:

59.1. Молиявий ҳисоботлар улчанган валюта ва агар, бир неча валютадан фойдаланилган бўлса, у ҳолда ифода этилган валюталар;

59.2. Молиявий ҳисоботда келтирилган рақамларнинг аниқлик даражаси, масалан, рақамлар минглар, миллионларда курсатилганлиги ва ҳоказо.

Ҳисобот даври ва ҳисобот санаси

60. Молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври бўлиб 1 январдан 31 декабргача бўлган календар йили ҳисобланади.

Молиявий ҳисобот қонун ҳужжатларида курсатилган ҳолларда календар йилдан фарқли равишда ой, ва чорақлик учун ҳам тақдим

этилиши мумкин.

61. Молиявий хисоботлар учун хисобот куни хисобот даврининг охири календар куни хисобланади. Субъектнинг йиллик бухгалтерия баланси учун хисобот куни 31 декабр хисобланади, молиявий натижалар тугрисидаги йиллик хисобот учун хисобот даври 1 январдан 31 декабргача булган давр хисобланади.

Молиявий хисоботни такдим этиш

62. Молиявий ахборот куйидагиларга такдим этилади:

62.1. Субъектнинг мулкдорига (давлат мулкни бошқаришга ваколати булган органларга, қатнашчиларга, таъсисчиларга) - таъсис этиш тугрисидаги хужжатларга мувофиқ;

62.2. Давлат солиқ, назорати идораларига - субъектнинг рўйхатдан утказилган жойи бўйича;

62.3. Давлат статистика органларига;

62.4. Қўнун хужжатларига мувофиқ, бошқа органларга.

63. Хужалиқ юритувчи субъектлар молиявий хисоботни хисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралдан кечикмай такдим этадилар.

64. Вазирликлар, идоралар, бошқарувиинг бошқа органлари ва баъзи субъектлар учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги молиявий хисоботларни такдим қилишнинг бошқа муддатини белгилайди.

65. Бир шаҳарда жойлашган субъектлар томонидан молиявий Хисоботни такдим қилиш муддати, унинг айнан такдим қилинган кун хисобланади, бошқа шаҳардагилар учун - унинг жунатилган ва алоққа қўйилган муҳри билан белгиланган сана хисобланади.

Хисоботни такдим этиш куни иш куни булмаган кунга ту три келган тақдирда, такдим этиш муддати ундан кейин келадиган биринчи иш кунига қўйилади.

Бухгалтерия баланси. Бухгалтерия балансининг мақсади

66. Хужалиқ юритувчи субъектнинг бухгалтерия баланси унинг Хисобот кунига булган молиявий ҳолатини ақс этириши лозим, бу эса унинг имкониятларини ва молиявий тузилмасини тушуниш имкониятини беради.

Айланма (жорий) ва узок, муддатли активлар орасидаги фарқ,

67. Хар бир субъект бухгалтерия балансида жорий активлар ва жорий мажбуриятларни алоҳида тасниф сифатида такдим этиш (ёки такдим этмаслик)ни белгилаб олиши керак. Ушбу Стандартнинг 69-71-бандлари ушбу чегаралаш утказилгандагина Қўлланилади. Агар хужалиқ юритувчи субъект ушбу таснифларни амалга оширмаслик йўлларини танлаган бўлса, бунга қарамадан ҳам активларни ва мажбуриятларни тулаш муддатлари бўйича ахборот ёритилиши керак.

68. К^ачонки, хужалик юритувчи субъект махсулот етказиб берса да хизматлар курсатса ва унда аник; бир муомала боскичини кулласа, унда баланс буйича хисоботда келтирилган жорий ва узок, муддатли активлар ва мажбуриятларнинг алохида таснифи, субъектнинг айланма капитали сифатида доимий муомалада булган соф активлари ва узок, муддатли муомалаларида ишлатиладиган капитали орасидаги фарқдарни келтириш оркали ва у, шунингдек, жорий муомалалар туркуми давомида олиниши кутилаётган активларни ҳам қайд этади, ва бунда уша давр давомида туланиши керак булган мажбуриятлар хакидаги ахбороти таъкидлаб утади. Қдчонки, субъект жорий ва узок; муддатли активлар ва мажбуриятларни алохида такдим этса, унда улар 69-76-бандлар буйича талқин қилинади.

Айланма (жорий) активлар

69. Актив жорий актив сифатида талқин этилиши керак, қачонки:

69.1. Хужалик юритувчи субъект соф муомала фаолиятининг бир қисми булиб хисобланса ва субъектнинг муомала жараёни бир маромда юритилиши натижасида унинг олиниши ва ишлатилиши кутилаётган булса;

69.2. Асосан сотиш мақсадида ёки қисқа даврга сақланаётган булса, унинг хисобот кунидан 12 ой давомида ишлатилиши кутилаётган булса жорий актив сифатида талқин этилиши керак.

Қрилган барча бошқа активлар узок, муддатли активлар сифатида талқин қилиниши керак.

70. Жорий активларнинг иккита алохида тури мавжуд. Биринчиси, хужалик юритувчи субъектнинг муомала жараёни бир маромда юритилганидан олинган ёки ишлатилган булиб, хужалик юритувчи субъект айланма капиталининг бир қисмини ташкил этади. Иккинчиси, муомаладаги активлар булмай, савдо ва инвестиция мақсадлари учун сақланаётган ва хисобот кунидан бошлаб 12 ой давомида сотилиши кутилаётган жорий активлардир. Жорий хисобот кунидан бошлаб 12 ой давомида олинадиган ёки истеъмол қилинадиган активлар захираларини ва дебиторлик Қарзларини узида акс эттиради.

71. Хужалик юритувчи субъектнинг муомалалар жараёни - бу материалларни олиш, ишлаб чиқариш ва нақд пулга ёки пул маблағларига осон айланувчи молиявий активларга сотиш орасидаги уртача вақтдир.

Муомаладаги активларни жорий ва узок, муддатли гуруҳларга булиш мақсадида, муомала жараёни бир йил хисобланади, айнан шу тармок ёки фаолиятнинг тури учун бундан буён узок муддат унга мос келмайди.

Узок; муддатли (ножорий) активлар

72. Талкин килиш услубига асосан, 67-бандда талаб килинган, субъектнинг узок муддатли активлари куйидаги активлардан таркиб топади:

72.1. Узок муддатлилик асосда субъектнинг мақсадлари учун фойдаланилаётган, хусусий мулки, бино ва жихоздари, моддий активлари, ривожлантириш ва худвилл учун харажатлари;

72.2. Инвестиция мақсадида сакланаётган ва хисобот кунидан бошлаб 12 ой ичида сотилиши лозим булган активлар.

Киска муддатли (жорий) мажбуриятлар

73. Мажбурият жорий хисобланади, агарда:

73.1. Хисобот кунидан бошлаб 12 ой муддат ичида ушбу мажбурият буйича хисоблашиш амалга оширилса;

73.2. Мажбуриятларнинг колган моддалари узок муддатли булса.

74. Жорий мажбуриятларнинг тавсифи жорий активлар таърифига ухшашдир. Баъзи жорий мажбуриятлар, кредиторлик карзи, меҳнат хаки буйича карз, солиқдар ва бошқа муомалалар буйича чиқимлар, жорий активлар счёти учун хисоблар талаб Килади, чунки улар айланма капитални ташкил этувчи, субъектнинг оддий муомала жараёнида ишлатилувчи моддалар буйича мажбуриятлари хисобланади.

Шундай муомала моддалари хисобот кунидан бошлаб 12 ойдан ортик вақт утган булса ҳам, туланиши керак буладиган жорий мажбуриятлар тури сифатида талкин килинади.

75. Жорий мажбуриятларга, шунингдек куйидагилар киради: банк овердрафтлари, тулов дивидендлари, даромад солиги, бошқа носавдо кредиторлик карзи, фоизлар тулашни талаб этадиган киска муддатли мажбуриятларнинг жорий кисми, кайсики уларнинг жорий эканлигини муомала жараёни нуктаи назаридан аниқлаш кийин, вахоланки, улар хисобот кунидан бошлаб 12 ой давомида тулашни талаб этади.

Узок муддатли асосда айланма капитални молиялаштирувчи фоизларни тулашни талаб этадиган мажбуриятларни 12 ой давомида тулаш мумкин булмайдми, чунки улар узок муддатли мажбуриятлар хисобланади.

Биска муддатли (жорий) мажбуриятларни кайта молиялаш

76. Хисобот кунидан бошлаб 12 ой давомида туланиши лозим булган мажбуриятлар узок муддатли курунишда талкин этилиши мумкин:

76.1. Бошлангич муддат 12 ойга нисбатан узок муддатли булганда;

76.2. Субъект киска муддатли (жорий) мажбуриятларни кайта молиялашни узок муддатлигини режалаштирганда;

76.3. Ушбу ҳаракат қисқа муддатли жорий мажбуриятларни қайта молиялаш ёки реструктуризация туловларга рози бўлиш шarti билан, молиявий ҳисобот маъқуллагунга қадар тулдирилган бўлсагина қўлланилади.

Жорий мажбуриятларда чиқариб ташланадиган, ҳар қандай қисқа муддатли қарз суммаси унинг тақдиротини қўллаб-қувватлаш бўйича ахборот билан бирга бухгалтерия балансининг эслатмаларида ёритилиши керак.

Бухгалтерия балансида акс эттириши лозим бўлган ахборот

77. Хужалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия баланси шундай берилади: керакки, молиявий ҳолатни ташкил этувчи ҳар хил реквизитларни акс эттириши лозим. Қуйидагилар бухгалтерия балансининг мажбурий элементлари ҳисобланади:

- 77.1. Моддий активлар;
- 77.2. Номоддий активлар;
- 77.3. Молиявий активлар;
- 77.4. Захиралар;
- 77.5. Дебиторлик қарзлари;
- 77.6. Пул маблағлари ва пул эквивалентлари;
- 77.7. Кредиторлик қарзлари;
- 77.8. Ажратмалар;
- 77.9. Фоизлар тулашни талаб этган мажбуриятлар;
- 77.10. Хусусий капитал ва захиралар.

78. Ушбу Стандартда бухгалтерия балансини тақдим этиш бўйича тартиб ёки унинг шакли қўрсатилмайди. Бухгалтерия балансининг шакли «Бухгалтерия баланси» номи алоҳида Б\МСд^а берилган.

79. 77-банддаги мажбурий талаблар захираларни акс эттириш учун алоҳида қаторларни ўз ичига олади. Захиралар мажбуриятлар бўлиб, уларни маълум даражада тахминий баҳолаш орқали аниқлаш мумкин. Захираларни ташкил этиш қўнун ҳужжатлари ёки субъект уставида қўрсатилган бўлиб, субъект ва кредиторларни зарар қўбатларидан қўшимча ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилади.

Изоҳларда, ҳисобларда ва тушунтиришларда бериладиган маълумотлар

80. Тушунтиришларда субъект қуйидаги изоҳларни ёритиши шарт:

80.1. Акциядорлар капиталининг ҳар бир гуруҳи бўйича:

80.1.1. Ёлон қилинган акцияларнинг сони;

80.1.2. Муомалага чиқарилган (эмиссия қилинган), тулик туланган, муомалага чиқарилиб (эмиссия қилиниб) тулик туланмаган акцияларнинг сони;

80.1.3. Акцияларнинг номинал қиймати;

- 80.1.4. Йил бошида ва охирида туланмаган акцияларнинг камайганлиги;
- 80.1.5. Акциядорлар капиталининг хар бир гурухига тааллуқди ҳуқуқлар, имтиёзлар ва чеклашлар, шу жумладан, капитални сундириш ва дивидендларни таксимлашга булган чеклашлар;
- 80.1.6. Хужалик юритувчи субъектнинг шуъба ва уюшган жамиятларига ҳамда узига тааллуқди акциялари;
- 80.1.7. Танлов асосида ва савдо шартномаси буйича муомалага чиқариш учун захирага куйилган акциялар, уларнинг муддати ва суммаси;
- 80.2. Хусусий капиталдаги захиранинг мохияти ва мақсадининг баёни;
- 80.3. Акциядорларнинг йигилиши томонидан расмий равишда маъқуланмаган, дивидендлар (даромадлар)ни тулаш учун мажбуриятда мавжуд булган суммалар.
81. Субъект хусусий капиталидаги узгаришларни алоҳида курсатиши керак:
- 81.1. Хисобот даври бошига ва хисобот кунига йигилган даромад ёки зарар суммасининг қолдиги утган даврга, соф даромадни кушиб ва акциядорларнинг хар бир гурухига таксим қилинган аҳамиятга молик узгаришлар;
- 81.2. Хар бир йурух буйича хусусий капитал ва захира суммаларнинг давр боши ва охирида узгариши.

Молиявий натижалар тугрисидаги хисобот.

Молиявий натижалар тугрисидаги хисоботнинг мақсади

82. Молиявий натижалар тугрисидаги хисобот, хужалик юритувчи субъектнинг даврий фаолиятини ушбу фаолиятининг турли йуналишларини тушуниш имконини берадиган усуллар билан тавсифлайди.

Молиявий натижалар тугрисидаги хисоботларда берилиши керак булган ахборот

83. Молиявий натижалар тугрисидаги хисоботда берилиши зарур булган элементлар:

- 83.1. Тушум;
- 83.2. Муомалавий фаолиятнинг натижалари;
- 83.3. Молиявий фаолиятнинг натижалари;
- 83.4. Фавқулудда даромад ва зарарлар;
- 83.5. Даврдаги соф фойда ва зарар
- БХМСга асосан кушимча қаторлар, сарлавхалар ва натижалар хисоботнинг биринчи бетида берилади.

Изохларда, хисобларда ва тушунтиришларда бериладиган ахборотлар

84. Хужалик юритувчи субъект молиявий хисоботнинг

изоҳдари, ҳисоблари ва тушуниришлари даромадлар ёки харажатлар ёхуд фаолиятнинг турлари бўйича талқинлардан фойдаланган, ҳолда даромадлар ва харажатларнинг тахлилини курсатиши керак.

85. Хужалик юритувчи субъектлар талқин қилинадиган харажатлар ва фаолиятнинг турлари бўйича қўшимча ахборотни харажатларнинг турлари бўйича ёритишлари керак, унда (амортизация) эскириш, ходимларни асраш билан боғлиқ, булган, хомашё, халқ, истеъмоли молларининг иғалатилганлигига оид ва бошқа қўшимча ахборотларни ёритиши мумкин.

Асосий воситаларнинг ҳаракати тугрисида ҳисобот

86. Ушбу ҳисобот, асосий воситаларнинг ҳаракати, ҳамда уларнинг эскиришини ҳисоблаш тугрисида қўшимча ахборот беради. Шунингдек, унда ижарага берилган ёки олинган асосий воситаларнинг ҳаракати тугрисида ҳам ахборот берилади.

Пул оқимлари тугрисидаги ҳисобот

87. Хужалик юритувчи субъект БХМСнинг № 9 «Пул оқимлари тугрисидаги ҳисобот»га асосан пул оқимлари тугрисида ҳисобот тақдим этиши шарт.

88. «Пул оқимлари тугрисида»ги БХМС ва унга тегишли булган тушунтиришлар ушбу ҳисоботга оид изоҳларни тақдим этиш бўйича талабларни белгилайди. Нақд пул оқими тугрисидаги ахборот молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар учун хужалик юритувчи субъектларнинг пул маблағларини ва пул эквивалентини хужалик юритувчи субъектнинг эҳтиёжи учун йиғиш (жамлаш) имконини баҳолашда фойдалидир.

Хусусий капитал тугрисидаги ҳисобот

89. Хусусий капитал тугрисидаги ҳисоботда хусусий капиталнинг ҳаракати ҳамда, дивидендларни тулаш учун ажратилган маблағлардан шакллантирилган захира тугрисида ахборот берилади.

Молиявий ҳисоботнинг изоҳдари, тушунтиришлари ва ҳисоблари

Изоҳлар, ҳисоблар ва тушунтиришларни тузишнинг мақсади

90. Хужалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларининг изоҳдари, ҳисоблар ва тушунтиришларида қуйидагиларни курсатиши зарур:

90.1. Хужалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи ва Ҳисоб сиёсатида асослари учун турли асосий муомалалар ва ходисаларни танлангани ва қўлланилгани тугрисида ахборот тақдим этиш;

90.2. БХМС талаб қилган, ҳеч бир молиявий ҳисоботда акс эттирилмаган ахборотни ёритиш;

90.3. Молиявий ҳисоботларда акс эттирилмаган, лекин молиявий ҳисоботни аник; ва ҳаққоний тақдим этиш учун қушимча таҳлил маълумотларини тақдим этиш.

Изохларнинг таркиби

91. Молиявий ҳисоботларга изохлар тушунтириш хати қуринишида мунтазам равишда тақдим этилиши керак.

Ахборот ва изохлар тақдим этилган молиявий ҳисоботнинг ҳар бир тегишли банди қўрсатилган ҳолда берилиши керак.

92. Изоҳлар, одатда, фойдаланувчига молиявий ҳисоботларни чуқурроқ, тушуниш ва уларни бошқа ҳужалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботлари билан таққослашда ёрдам берадиган қуйидаги тартибда берилади:

92.1. Ҳисоботнинг БХМСга мослиги;

92.2. Бухгалтерия ҳисоби сиёсатида қўлланиладиган асосий улчовлар тугрисидаги ҳисобот;

92.3. Молиявий ҳисоботларда тақдим этилган моддалар бўйича ёрдамчи ахборотлар;

92.4. Бошқача ёритиладиган ва узида қўрсатилган:

92.4.1. Шартли мажбуриятлар, оддий мажбуриятлар ва бошқа молиявий ёритишлар;

92.4.2. Номолиявий ёритишлар.

93. Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва бухгалтерия ҳисобининг узига ҳос сиёсати асослари тугрисидаги ахборот, молиявий ҳисобга изохлардан олдин алоҳида ахборот сифатида берилиши керак.

Ҳисоб сиёсатининг ёритилиши

94. Молиявий ҳисоботнинг тушунтириш хатида берилган ҳисоб сиёсати тугрисидаги бўлим қуйидагиларни ёритиши лозим:

94.1. Молиявий ҳисоботларни тайёрлашда қўлланилган баҳолашларнинг асоси (асослари);

94.2. Молиявий ҳисоботларни аник, билишда муҳим аҳамиятга эга бўладиган ҳисоб сиёсатининг ҳар бир узига ҳос қ,исми;

94.3. Ҳисоб сиёсатида содир бўлган узғаришлар бўйича тушунтиришлар.

95. Молиявий ҳисоботларни тузишда қўлланиладиган узига ҳос ҳисоб сиёсатида қушимчаларда, фойдаланувчилар учун молиявий Ҳисоботларда қўлланиладиган асосий баҳоларни (бошлангич баҳоси, жорий баҳоси, сотилиш баҳоси, ҳисобга олиш баҳоси ва баланс баҳоси) тушуниш фойдалидир.

Ушбу тамайиллар қўпчилик ҳолларда, узлуксизлик ва ҳисоблаш қоидалари билан молиявий ҳисобот асосларини шакллантиришлари билан ухшашдир. Улар ушбу қоидалардан баъзи бир ҳолатларда, баҳолаш асослари уртасида танлашнинг мавжудлиги билан ажралиб туради.

Агар молиявий ҳисоботда баҳолашнинг биттадан ортиқ, асоси қўлланилса, яъни масалан, факат асосий маблағларнинг айрим турлари баҳоланганда, мажбуриятларда акс эттирилган алоҳида улчаш асоси қўлланилган активлар даражасини тақдим қилиш керак.

96. Фойдаланувчи учун ҳисоб сиёсатини ёритишининг узига ҳос устуворлиги қўрилганда, раҳбарлар ҳужалик юритувчи субъектнинг таваккалчилигига ва пул маблағлари оқимининг келажагини баҳолаш имкониятини беришини ҳисобга олишлари керак. Ҳисоб сиёсатининг ёритилиши қуйидагиларни ўз ичига олади, аммо ушбу ахборот билан чегараланмайди:

- 96.1. Фойданинг акс эттирилиши;
- 96.2. Консолидация (йиғиш, умумлаштириш) қоидаси;
- 96.3. Фаолият турларининг ўйғунлиги;
- 96.4. Қўшма фаолият;
- 96.5. Моддий ва номоддий активларнинг ҳолати ва эскиришини (амортизациясини) акс эттириш;
- 96.6. Жалб қилинган маблағларнинг қийматини капитализация қилиш (ўзлаштириш) ва бошқа чиқимлар;
- 96.7. Капитал қўйилмалар;
- 96.8. Инвестицион мулк;
- 96.9. Молиявий дастаклар ва инвестициялар;
- 96.10. Ижара;
- 96.11. Тадқиқотлар ва ривожланиш билан боғлиқ харажатлар;
- 96.12. Товар - моддий захиралар;
- 96.13. Солиқдар, кечиктирилган солиқдар қўшилган ҳолда;
- 96.14. Захиралар;
- 96.15. Хизматчиларни асраш харажатлари;
- 96.16. Чет эл валютасини утказиш;
- 96.17. Фаолият турларини, географик сегментлар ва чиқимларни сегментлар уртасида тақсимлаш усулларини аниқлаш;
- 96.18. Инфляция ҳисоби;
- 96.19. Ҳукумат субсидиялари.

Бошқа ёритишлар

97. Ҳужалик юритувчи субъект агар бошқа бирон бир молиявий Ҳисоботда ёритмаган бўлса, қуйидаги ахборотни, ёритади:

97.1. Ҳужалик юритувчи субъектнинг ҳуқуқий шакли, таъсис этган томон ва идоранинг рўйхатга олинган юридик манзили (ёки ишга оид фаолиятини амалга ошириш жойи, агар у идоранинг рўйхатга олинган юридик манзидан фарқ қилса);

97.2. Субъектнинг муомалалари ва асосий фаолияти Мохиятининг ёритилиши;

97.3. Бош компания ёки гуруҳ бош компаниясининг номи;

97.4. Ҳисобот давридаги хизматчиларнинг уртача сони.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарта: № 2

АСОСИЙ ХУЖАЛИК ФАОЛИЯТИДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАДЛАР

(Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1998 йил 26 августда 483-сон билан
руйхатга олинган)

Мақсад

Бухгалтерия ҳисобининг ушбу миллий стандарта «Бухгалтерия ҳисоби тутрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида ишлаб чиқилган булиб Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий жиҳатдан тартибга солиш тизимининг бир элементиدير.

Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концепция асоси доирасида ҳисобот даврида сармоя эгалари томонидан сарфланган маблаг билан боғлиқ, қупайишдан ташқари активларнинг қупайиши ёки мажбуриятларнинг камайиши қуринишида иктисодий нафнинг ортиши сифатида даромадлар аниқланади.

Хужалик фаолиятидан тушадиган даромад асосий, муомалавий ва молиявий фаолиятдан олинадиган даромадлардан иборат бўлади.

Ушбу стандартда даромад деганда, хужалик юритувчи субъектнинг оддий фаолияти давомида олинган даромадлар, шу жумладан маҳсулотни сотиш (ишларни бажариш ва хизматлар курсатиш)дан олинган даромадлар, олинган фозизлар, дивидендлар, роялтилар ва бошқалар тушунилади.

Ушбу стандартнинг мақсади, хужалик юритувчи субъектнинг асосий хужалик фаолиятидан оладиган даромадларини ва уларни ҳисобга олиш тартибини белгилашдан иборат.

Асосий хужалик фаолиятидан олинадиган даромадларни Ҳисоблаш чоғида даромадни эътироф этиш пайтини аниқдаш асосий масала ҳисобланади. Асосий хужалик фаолиятидан тушган даромад, хужалик юритувчи субъектга келусида иктисодий наф тушиши эҳтимоли булган пайтда, шунингдек бу нафни ишончли ва аниқ, улчаш мумкин булган пайтда акс эттирилади. Бу стандарт мазкур мезонлар буйича талаблар бажариладиган ва бинобарин, асосий хужалик фаолиятидан тушадиган даромад эътироф этиладиган вазиятни белгилаб беради. Шунингдек, у мазкур мезонларни қулланиш юзасидан амалий курсатмалар беради.

Харакат соҳаси

1. Ушбу стандарт, хужалик фаолиятининг қуйидаги соҳаларидан олинган даромадларни ҳисобга олиш чоғида қулланилади:

1.1. Товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар курсатиш;

1.2. Фоизлар, роялтилар ва бошқ,а даромадлар олишга имкон берадиган активларни фойдаланиш учун бошқ,а хужалик юритувчи

субъектга топшириш.

2. Хужалик юритувчи субъектлар томонидан сотиш мақсадида ишлаб чиқарган товарлар ҳамда қайта сотиш учун харид қилинган товарлар ёки қайта сотиш мақсадида сакданаётган бошқ,а активлар товарларга киради. -

3. Хизмат курсатиш, одатда, субъектнинг шартномада белгилаб қуйилган шартларни келишилган давр давомида бажаришни уз ичига олади. Хизматлар бир ёки бир неча давр давомида бажарилиши мумкин. Хизмат курсатишга дойр айрим битимлар пудрат қурил иши билан бевосита боғлиқ, булади, масалан архитекторлар ва лойиха бошқарувчилари хизматига дойр битимлар Стандарт талабларига мувофиқ, «Пудрат қурилиши» сифатида қуриб чиқ,илади.

4. Хужалик юритувчи субъектнинг активларидан бошқ,а хужалик юритувчи субъектлар томонидан фойдаланиш қуйидаги қуринишдаги даромадларга олиб келади:

4.1. Хужалик юритувчи субъектга қ,арашли булган ва ҳақ, тулаш шarti билан фойдаланиш учун берилган пул маблаг,и ёки пул урнини босадиган бойликлар ёхуд сумларни акс эттирувчи фоизлар;

4.2. Хужалик юритувчи субъектнинг узоқ, муддатли активларидан пул тулаш шarti билан фойдаланиш учун берилган, масалан патентлар, савдо маркалари, муаллифлик ҳуқуқдари ва компьютер дастурларидан фойдаланганлиги учун туланадиган роялтилар;

4.3. Иштирокчилар (муассислар) уртасида уларнинг хусусий сармоядаги улушига мутаносиб равишда фойдани так,симлашдан оладиган бошқ,а даромадлари.

5. Стандарт қ,уйидаги фаолият натижасида келадиган даромадга кулланилмайди:

5.1. Лизинг битимлари («Лизингни ҳисобга олиш» БХМСни Қаранг);

5.2. Инвестициядан олинадиган дивидендлар ва даромадлар;

5.3. Сугурта компаниялари билан сугурта битимлари;

5.4. Молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар жорий қ,инматидаги узгаришлар ёки улар сотилган тақдирда;

5.5. Бошқ,а айланма маблаглар қ,ийматидаги узгаришлар;

5.6. Чорва моллари, қишлоқ, ва урмон хужалиги маҳ,сулотларинингтабiiий қупайиши;

5.7. Минерал маъданларни казиб олиш.

Атамалар

6. Ушбу стандартда фойдаланиладиган атамалар:

6.1. **Асосий хужалик фаолиятдан олинадиган даромадлар** - хужалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти давомида вужудга келадиган давр ичида мулк эгаларининг уз сармояларига бадали билан боглик, булган купайишларни истисно этган холда, уз сармоясининг купайишига олиб келадиган тушумлар;

6.2. **Жорий нархлардаги киймат** - актив сотилиши ёки мажбурият к;опланиши мумкин булган к,иймат.

7. Асосий хужалик фаолиятдан олинадиган даромад хужалик юритувчи субъектнинг хисоб рақ,амига тушумган ёки олиниси мумкин булган ялли тушумлардан иборат. Учинчи шахслар номидан ундириб олинадиган, хужалик юритувчи субъектга тушадиган ва уз сармояси купайишига олиб келмайдиган билвосита солиқдар микдори, асосий хужалик фаолияти даромадига киритилмайди. Воситачилик фаолиятида ялли тушумлар асосий хужалик фаолиятдан олинадиган даромад хисобланмайди. Бундай Холларда, воситачилик ҳақ,и даромад хисобланади.

Даромадни хисоблаш

8. Асосий хужалик фаолиятдан олинадиган даромад жорий баҳоларда олинган ёки олиниси лозим булган тушум (тулов) циймати буйича баҳоланади.

9. Тушум купчилик холларда, пул маблаг,и ёки унинг эквивалентлари шаклида булади. Даромад микдори - олинган ёки олиниси лозим булган пул маблаг,и ёки унинг эквивалентларидан иборат. Бирок, пул маблаг,и ёки эквивалентлари тушуми кечиктирилган булса, у холда жорий нархдаги наф қ,иймати олинган ёки олиниси лозим булган қ,иймат, пул маблагининг номинал микдоридан кам булиши мумкин. Масалан, хужалик юритувчи субъект харидорга фоизсиз кредит бериши ёки харидор томонидан сотилган товарга ҳақ, сифатида берилган векселни бозор нархидан камроқ, фоиз ставкаси буйича акцептлаган мумкин. Битимлар натижасида молиявий операцияларни утказиш чогида туланган маблагнинг жорий нархдаги қ,ийматига вақ,тинчалик фоиз ставкаси кулланиб булажак барча тушумлар дисконтлаш йули билан аниқланади. Вақ,типчалик фоиз ставкаси куйидаги тушунчалардан бири билан аниқ, белгиланади:

9.1. Кредит рейтинги бир хил булган эмитентнинг ухшаш молиявий активлари буйича устувор ставкаси;

9.2. Товарларни сотиш ёки хизмат курсатиш жорий нархига молиявий воситанинг номинал қ,ийматини дисконтлайдиган фоиз ставкаси.

Жорий нархлардаги қиймат билан туловнинг номинал қиймати уртасидаги тафовут ушбу БХМСнинг 20 ва 21 - бандларига мувофиқ, равишда фоизлар буйича даромад деб эътироф этилади.

10. Агар, товар қиймати тенг булган ёки ухшаш товарга алмаштирилса, бундай алмаштириш даромад келтирмайдиган битим ҳисобланади. Бошқа товарлар ёки хизматларга алмаштириш тарзида товарлар сотилса ёки хизмат курсатилса, яъни бартер қилинса, бу даромад келтирадиган битим ҳисобланади. Асосий ҳужалик фаолиятдан олинadиган даромад жорий нархларда олинган товарлар ёки курсатилган хизматлар қиймати буйича ҳисобга утказилган пул маблагى ёки пул эквивалентларига айлантириб улчанадй. Агар жорий нархларда олинган товарлар ва курсатилган хизматлар қийматини аниқ; улчаш мумкин булмаса, бундай ҳолларда асосий ҳужалик фаолиятдан олинadиган даромад жунатилган товарлар ёки хизматлар қиймати буйича ҳисобга утказилган пул маблагى ёки пул эквивалентлари қийматига айлантириб ҳисобланади.

Тўзилган битим далилини аниқдаш

И. Ушбу стандартда, алоҳида олганда ҳар бир битимга уни тан олиш мезонлари қулланилади. Вазиятни аниқдаш чоғида бир битимнинг алоҳида элементларига тан олишнинг мезонларини қуллаш зарур. Масалан маҳсулотни сотиш нархи сотишдан сунгги хизмат курсатиш учун муайян қийматни уз ичига оладиган булса, бу қиймат шу муддатдан ажратилиб хизмат курсатилган давр давомида асосий ҳужалик фаолиятдан олинган даромад деб эътироф этилади. Аксинча, битимлар бир бутун битимнинг туркумлари деб қаралганда натижалари ҳақиқий булиши билан боглик, булган икки ёки ундан ортик, битимларга эътироф этиш мезонлари қулланилади.

Товарларни сотиш

12. Қуйидаги шартлар бажарилганда товарларни сотишдан тушган даромад тан олинади:

12.1. Ҳужалик юритувчи субъект, товарларга эғалик қилишнинг ҳатарлари ва афзалликларининг анча қисмини харидорга топширганда;

12.2. Ҳужалик юритувчи субъект, одатда, мулкка эғалик қилиш билан боглик булган даражадаги раҳбарлик давомийлигини ҳам, сотилган товарларни назорат қилиш самарадорлигини ҳам сакдаб Қолмаганда;

12.3. Даромад миқдори ишончли даражада баҳоланганда;

12.4. Ҳужалик юритувчи субъект битим билан боглик иктисодий наф олиши эҳтимоли мавжуд булганда;

12.5. Битим билан боглик; булган, уз зиммасига олган ёки кутилаётган харажатлар ишончли даражада баҳоланганда.

13. Асосий хужалик фаолиятдан тушган даромад операция билан боглик, булган иктисодий наф хужалик юритувчи субъектга келиб тушуми эҳтимоли мавжудлигидагина тан олинади. Даромадга киритилган, аммо ундирилмаган маблатга нисбатан ноаниқдик вужудга келган тақдирда, ундириладиган маблагни тиклашнинг иложи булмаса, унда бошлангич тан олинган даромад эмас, балки харажат сифатида тан олинади.

Хизматлар курсатиш (ишларни бажариш)

14. Хизмат курсатишни (ишларни бажариш) уз ичига оладиган битим натижаси аниқ белгиланадиган булса, шу битим билан боглик даромад йиллик молиявий ҳисобот тузиш вақтида битимнинг бажарилиши босқичига қараб тан олинади. Битим натижаси эса қуйидаги шартларни бажариш бўйича аниқ белгиланиши мумкин:

14.1. Даромад миқдори аниқ баҳоланиши мумкин;

14.2. Хужалик юритувчи субъектга битим билан боглик даромадларнинг тушиши эҳтимоли мавжуд;

14.3. Битимнинг бухгалтерия баланси ҳисобот давригача тугалланиш босқичи юксак ишончлилик даражаси билан баҳоланади;

14.4. Битимни бажариш чоғида қилинган харажатлар ва битимни нихоясига етказишга дойр харажатлар юксак ишончлилик даражаси билан баҳрланиши мумкин.

15. Битимнинг нихоясига етиши босқичига қараб даромадларнинг эътироф этилиши қўпича битим неча фоиз бажарилиши нуқтаи назаридан қараб чиқилади. Бу усулга мувофиқ хизматлар курсатилган ҳисобот давридаги даромадлар эътироф этилади. Шу асосда даромадларнинг эътироф этилиши бажарилган ишлар ҳажми ва ҳисобот даври давомида фаолият натижалари ҳусусида фойдали ахборот олишни таъминлайди.

16. Хизмат курсатиш (ишларни бажариш)дан келадиган даромад шу муомала билан боглик булган иктисодий самара, хужалик юритувчи субъект ҳисобига келиши эҳтимоли мавжуд булгандагина тан олинади. Даромадга киритилган ва олинган миадор ҳусусида ноаниқдик пайдо булган тақдирда, қайтариб берилмаган миқдор ёки олиш мумкин булмайдиган қолган миқдордаги даромад дастлаб эътироф этилган даромад миқдорини узгартириш сифатида эмас, балки харажат сифатида тан олинади.

17. Хужалик юритувчи субъект, қуйидаги бандлар бўйича битимда иштирок этувчи бошқа шахслар билан келишувга эришгандан сўнг, ишонарли баҳолаш утқизиши мумкин булади:

17.1. Томонларнинг хизмат курсатиши ва хизматларни қабул қилишга нисбатан даъво қилиш қучига эга бўлиш ҳуқуқи;

17.2. Туловларни алмаштиришга бўлган тахмин;

17.3. Ҳисоб-китоб қилиш усули ва шартлари. Хужалик юритувчи субъект учун молиявий режалаштириш ва ҳисоботнинг самарали ички тизими бўлиши зарур. Хужалик юритувчи субъект хизмат курсатиш (ишларни бажариш) борасида даромад баҳоларини қайта қуриб чиқади ва зарур бўлса унга тузатиш киритади.

18. Битим ишларини тугаганлиги турли усуллар билан аниқданиши мумкин. Хужалик юритувчи субъект курсатилган хизматни гоят аниқ улчайдиган усулдан фойдаланади. Битимнинг турига қараб услублар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

18.1. Бажариш ишларни тахдир қилиш усули;

18.2. Хизмат курсатишнинг муайян вақтига келганда, битим бўйича хизматнинг тула ҳажмига нисбатан фоизини аниқлаш усули;

18.3. Битим бўйича баҳоланган умумий харажатларга нисбатан шу санагача қилинган харажатларнинг фоизини аниқлаш усули. Шу санагача қилинган харажатларга мазкур санагача бажарилган ишларни акс эггирадиган харажатлар қиради. Битим бўйича баҳоланган умумий харажатларга эса, бажарилган ёки бажарилиши лозим бўлган хизматларни акс эттирувчи харажатлар киритилади.

Оралик туловлари, ҳамда, харидорлардан олинган бунақлар Киймати бўйича даромадлар тан олинмайди.

19. Агар хизмат курсатиш (ишларни бажариш) бўйича битимнинг натижаларини тула ишонч билан баҳолаш мумкин бўлмаса, қопланадиган ва қилинган харажатлар миқдори бўйича даромадлар тан олинади. Агар битим натижаларини тула ишонч билан баҳолаш имкони бўлмаса ва қилинган харажатларнинг Қолланмаслиги эҳтимоли бўлса, даромадлар тан олинмайди.

Фондлар, роялти ва дивидендлар (бошқа даромадлар)

20. Активларни фойдаланишлари учун бошқа хужалик юритувчи субъектларга бериш натижасида фондлар, роялти ва бошқа даромадлар қурлишида олинган даромадлар, қуйидагиларда ушбу БХМСнинг 21-параграфида курсатилган асосда олиниши лозим:

20.1. Битим билан боғлиқ иктисодий нафнинг хужалик юритувчи субъектга келиб тушуми эҳтимоли мавжуд бўлса;

20.2. Даромад суммасини ута аниқдик билан баҳолаш мумкин бўлганда;

21. Даромад қуйидаги асосларда тан олинади:

21.1. Фоиз, активдан олинадиган ҳақ, акция, ик, ий даромаддан ҳисобга оладиган вақтинчалик нисбат асосида тан олинади;

21.2. Битим шартларига мувофиқ равишда ҳисобланиб ҳақиқат асосида роялти тан олинади;

21.3. Акциядорларнинг ҳақ олиш ҳуқуқи белгиланган чоғида, дивидендлар тан олинади.

22. Хужалик юритувчи субъектнинг муомалалар билан боғлиқ, иктисодий наф олиш эҳтимоли мавжуд бўлган тақдирдагина даромадлар тан олинади. Бирок даромадга киритилган ва олинган пул миқдори ҳусусида ноаниқлик пайдо бўлган тақдирда ундирилмаган миқдордаги пул ёки олиш эҳтимоли бўлмаган пул миқдори дастлаб тан олинган даромад миқдорини ўзгартириш сифатидагина эмас, балки харажат сифатида тан олинishi керак.

Еритиш

23. Хужалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботни тақдим этиш чоғида қуйидагиларни очиқ ёритади:

23.1. Даромадни тан олиш учун қабул қилинган ҳисоб сийёсати, шу жумладан хизмат курсатишни ўз ичига олган битимларнинг нихоясига етиши босқичларини белгилаш учун қабул қилинган усуллар;

23.2. Даромаднинг ҳисобот даври давомида акс эттирилган ҳар бир муҳим тоифаси миқдори, шу жумладан қуйидагилардан олинган даромадлар:

23.2.1. Товарларни сотишдан;

23.2.2. Хизмат курсатишдан;

23.2.3. Фоизлардан;

23.2.4. Роялтидан;

23.2.5. Дивидендлардан;

23.3. Даромадларнинг ҳар бир муҳим тоифасига киритилган товарлар ёки хизматларни айирбош қилишдан олинган даромад миқдори.

2-БХМС га мос равишда товарларни реализация қилишда ва хизмат (иш) курсатишда даромадларни тан олиш мисоллари

Ушбу илова намуна ҳусусиятига эга ва стандартнинг таркибий қисми ҳисобланмайди. Илованинг мақсади бўлиб, айрим тижорат ҳолатларида уларнинг аҳамиятини тушунтиришда ёрдам бериш учун стандартни қўллашни мисоллар билан курсатиш ҳисобланади. Мисолларда битимнинг айрим жиҳатларига алоҳида эътибор берилади, лекин булар даромадни тан олишга таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолатларнинг тулик муҳокамаси ҳисобланмайди. Мисолларда асосан даромаднинг суммаси аниқ белгиланган, хужалик юритувчи субъектнинг оладиган иктисодий нафи

^илинган ёки килиниши кутилаётган харажатлари аниқ, улчаниши мумкинлиги назарда тутилади. Мисоллар ушбу стандартларни узгартирмайди ва унинг чегараларидан ташқарига чиқмайди.

Товарларни сотиш (реализация килиш)

1. Товарни етказиб бериш муддатини харидорнинг илтимосига кура чузиш, товарни етказиб бериш кечиктириш назарда тутилган битим дейилади, бунда харидор мулк эгаси ҳуқуқига эга бўлади ва ҳисоблар бўйича мажбуриятларни қабул қилади.

Харидор мулк эгаси ҳуқуқини қабул қилиб, қуйидаги шартлар бажарилганда даромад тан олинади:

1.1. Товар етказиб бериш амалга оширилади;

1.2. Товар нақд мавжуд ва сотиш тан олинган вақтда харидорга етказиб беришга тайёрлаб қўйилган;

1.3. Харидор алоҳида йул билан етказиб беришни кечиктириш шартларини тасдиқлайди;

1.4. Ҳақ тулашнинг одатий шартлари қўлланиши мумкин. Товарларни харид килиш ёки вақтида етказиб беришнинг фақат режаси бўлган ҳолатларда даромад тан олинмайди.

2. Товарлар қуйидаги шартларда етказиб берилади:

2.1. Урнатишда ва техник назоратда.

Харидор етказиб беришни қабул қилганда даромад тан олинади, шунингдек урнатиш ва техник назорат тўғрисида ҳам даромад тан олинади. Лекин харидор томонидан етказиб бериш қабул қилинганда даромад зудлик билан тан олинади, агар:

- урнатиш жараёнининг моҳияти содда бўлганда, мисол учун, заводда текширилган, жойлаштирилган қутидан олиб, антеннага ва электр тармоғига улаш талаб қилинадиган телевизорларни урнатиш;

- қуздан кечириш фақат яқин шартномавий ҳолларни аниқлаш мақсадида амалга оширилади, мисол учун, темир рудосини, шакар ва бошқаларни етказиб бериш.

2.2. Харидорнинг қайтаришга бўлган чекланг ҳуқуқи назарда тутилган ҳолдаги маъқуллаш.

Агар қайтаришга нисбатан ноаниқлик мавжуд бўлганда, даромад харидорнинг юқни расмий равишда қабул қилинганда ёки товарлар етказиб берилган ва воз кечиш муддати тўтаганда тан олинади.

2.3. Юқни қабул қилувчи (харидор) товарларни юқни жўнатувчи (сўтувчи) номидан сотиш мажбуриятини олиши консигнация сотиш дейилади. Юқ жўнатувчи томонидан даромад товарлар юқ Қабул қилувчи томонидан учинчи томонга сотилгандан кейин тан олинади.

2.4. Товарни етказиб беришда ҳақ, тулаш билан сотиш (устамали тулов) мол етказиб бериш амалга оширилганда ёки сотувчи ёки унинг агенти томонидан пул маблағлари олинганда даромад тан олинади.

3. Туловларни кечиктириш билан сотиш, бунда товарлар харидор томонидан қисман туловлар йули билан якуний ҳисоб- китоблар амалга оширилганда етказиб берилади. Даромад сотишининг бундай шароитда, товарлар етказиб берилгандан кейин тан олинади. Лекин бундай сотиш катта ҳажмда амалга оширилганда, олдиндан ҳақ, тулашнинг куп қисми туланган шароитда ва оморда турган товарлар захирага олиб қуйилган ва харидорга етказиб беришга тайёрлаб қуйилган шартда даромад тан олиниши мумкин.

4. Айни вақтда нақдда булмаган товарлар учун, уларни етказиб беришга аванс сифатида ҳақ, тулаш (қисман ҳақ, тулаш) амалга оширилганда буюртма қилинган дейилади. Мисол учун, товарлар хали ишлаб чиқилмади ёки бевосита клиентга учинчи томон орқали етказиб берилади.

Даромад товарлар харидорга етказиб берилганда тан олинади.

5. Сотиш ва қайта сотиб олиш бўйича келишувлар, бунда сотувчи худди шу товарларни, факат кечроқ муддатларда, қайта сотиб олишга розилик беради ёки сотувчи қайта сотиб олишга эга ёки харидор сотувчидан товарни қайта сотиб олишни талаб қилишга эга. Даромад келишув шартларини таҳлил қилиш билан тан олинади. Таҳлил да сотувчи таваккалчиликни ва мукофотни, харидор ихтиёрига берганлиги ва мос равишда даромаднинг тан олиниши аниқланиши лозим. Сотувчи ихтиёрида таваккалчилик ва мукофот сақдаб қолинганда, мулкка юридик ҳуқуқ, харидорга берилганига қарамасдан, битим молиявий келишув деб ҳисобланади ва даромад олишга олиб келмайди.

сумма билан олдинги кайта баҳолаш суммаси уртасидаги тафовут харажат деб тан олинади ва «Фойда ва зарарлар» сче­тида акс эттирилади (ЎзР АВ 07.07.2001 й. 491-2-сон билан руйхатга олинган МВ Буйруғи тахриридаги хат боши).

Амортизацияни ҳисоблаш*

22. Амортизация қилинадиган қиймат, активнинг фойдали ёки меъёрий хизматнинг бутун муддати давомида субъектнинг харажатларига, амортизация ажратмалари қуринишида мунтазам тақсимланади.

23. Амортизация турли усулларни қўллаш йули билан ҳисобланади:

23.1. Амортизацияни тенг (туғри чизикди) ҳисоблаш;

23.2. Амортизацияни бажарилган ишнинг ҳажмига мутаносиб тарзда ҳисоблаш (ишлаб чиқариш усули).

Амортизацияни тенг ҳисоблаб чиқариш услуби асосий воситаларнинг фойдали хизмат қилиши муддати давомида амортизация тенг улушларда ҳисобланади.

Амортизацияни ҳисоблаб чиқдрилишнинг ишлаб чиқариш усули - бу усул ҳар бир аниқ, йилда асосий воситани ишлаш ҳисобига асосланади.

Ушбу усул бўйича, эскиришнинг йиллик миқдорини ҳисоблаш учун асосий воситани, фойдали ишлатишнинг бутун муддати учун умумий ишлаб чиқариш миқдорини, аниқ, бир йилда қанча ишлаб чиқдрилишини билиш зарур. Ишлаб чиқариш сифатида, маҳсулотнинг ишлаб чиқарилган бирлиги миқдорини, неча соат ишлаганини қабул қилиш мумкин.

24. Асосий воситалардан интенсив фойдаланилганда, шунингдек фан-техника тараққиёти асосий воситаларнинг эскиришига катта таъсир утказганда, асосий воситаларнинг эскириши жадаллаштирилган амортизация йули билан ифодаланади, бу эса қуйидаги усуллар билан чиқарилади:

24.1. Амортизациянинг икки барабар қўпайтирилган меъёри билан қамаядиган қолдик, усули;

24.2. Йиллар йигиндиси усули (кумулятив усул).

Қолдикнинг қамайиши усули, активнинг фойдали хизмат муддати давомида, амортизация қилинадиган сумманинг қамайиб боришини билдиради.

Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, тенг (туғри чизикди) ишлаб чиқариш усулидаги эскириш меъёри, асосий воситанинг қолдик, қийматига қўлланилади (қўпайтирилади).

Йиллар йигиндиси усули (кумулятив усул) ушбу усулни моҳияти шундаки, амортизация меъёри ҳар йили

*) Солиқда тортиш мақсадида амортизацияни ҳисобга олиш солиқ; қонунларига мувофиқ, амалга оширилади.

амортизация муддатининг охиригача қоладиган, амортизацияланадиган кийматдаги улуш сифатида аниқланади.

Улуш, амортизация муддатини ташкил этувчи йилларнинг тартиб сони суммасига, амортизация ажратмаларининг тугагунига қадар қолган тулик, йиллар сони билан аниқланади.

25. Асосий воситаларнинг ҳар хил турлари учун амортизация ҳисоблашнинг ҳар хил усулларини қўлланишга йўл қўйилади. Бунда асосий воситаларнинг бир тур ва факат бир усулни қўллаш лозим бўлади.

26. Амортизацияни ҳисоблашнинг танлаб олинган усули, ҳисоб сиёсатига қараб аниқланиши ва бир ҳисобот давридан иккинчи даврга изчилик билан қўлланилиши, йил давомида эса узгармаслиги лозим.

27. Асосий воситаларга нисбатан қўлланиладиган амортизация ҳисоблаш усулини вақти-вақти билан қайта қўриб чиқиш лозим. Агар асосий воситалардан фойдаланишдан қўтилаётган иқтисодий фойда анча узғарадиган бўлса, амортизацияни ҳисоблаш усули узғариб бораётган таъйинли акс эттирадиган тарзда узғартирилиши лозим. Агар юз берган вазият амортизация усулининг узғартирилишини оққайдиган бўлса, бундай узғариш ҳисобга олиш сиёсатидаги узғариш сифатида акс эттирилиши, ҳамда жорий ва бўлажак ҳисобот даврлари учун амортизация ажратмалари қайта қўриб чиқилиши лозим (УзР АВ 07.07.2001 й. 491-2-сон билан рўйхатга олинган МВ Бўйруғи таҳриридаги хат боши).

28. Агар амортизация усулини бир йил давомида узғартириш зарур бўлса, изохларда узғариш сабабини ёритиш ва бу узғаришнинг иқтисодий самарасини қўрсатиш зарур.

Фойдали хизмат муддати

29. Хўжалик юритувчи субъект, асосий воситаларнинг ҳолатини яхшилаш ва, бинобарин, унинг хизмат муддатини узайтириш учун кейинги қилинган харажатларни, шунингдек ушбу муддатни қисқартирадиган технологик узғартишларни ҳисобга олган ҳолда, асосий воситаларнинг фойдали хизмати муддатини қайта қўриб чиқиши мумкин.

Тугатилиш киймати

30. Тугатилиш киймати, асосий воситаларнинг амортизация қилинадиган кийматини ҳисоблашда муҳим таркибий омил Ҳисобланади. Бироқ, баъзан унинг аҳамияти қам бўлиши ва амортизация қилинадиган кийматни ҳисоблаш чоғида қўлланилмаслиги ҳам мумкин.

Агар тугатиш киймати аҳамиятли бўлса, бу киймат асосий воситани сотиб олиш ёки уни бундан олдинги баҳолаш вақтига қараб аниқланади. Тугатиш киймати, асосий воситаларнинг хизмат

муддати охирида уларни тугатиш буйича қугиладиган харажатлар миадорига камайтирилиши керак.

**Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ва
узга йўллар билан ҳисобдан: чиқ,игли**

31. Асосий воситалар қуйидаги тадбирлар натижасида хужалик юритувчи субъектнинг балансидан чиқарилади:

- 31.1. Тугатиш;
- 31.2. Сотиш;
- 31.3. Алмаштириш (айирбошлаш);
- 31.4. Текинга бериш;
- 31.5. Таъсис бадали тарзида устав капиталига киритиш;
- 31.6. Молиявий лизинг шартномаси буйича бериш (УзР АВ

07.07.2001 й. 491-2-сон билан руйхатга олинган МВ Бўйруғи тахриридаги кичик банд);

31.7. Камомад ёки йукотишни аниқдаш (УзР АВ 07.07.2001 й. 491- 2-сон билан руйхатга олинган МВ Бўйруғи тахриридаги кичик банд).

32. Сотиш қиймати билан баланс қиймати уртасидаги, шунингдек сотиш харажатлари уртасидаги тафовут асосий воситаларнинг сотилишидан ёки ҳисобдан бошқача чиқариб ташланишидан олинган фойда ёки зарар ҳисобланади (УзР АВ

07.07.2001 й. 491-2-сон билан руйхатга олинган МВ Бўйруғи тахриридаги банд).

33. Асосий воситаларни таъсис бадали сифатида устав капитали (фонди)га бериш чоғида уларни жорий қийматига баҳолаш даромад ҳисобланмайди.

Асосий воситаларни инвентаризациялаш (йўқдама қилиш)

34. Асосий воситаларнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқдаш ва улар сақданишининг хужалик юритувчи субъектлар томонидан вақти-вақти билан назорат қилиниши мақсадида муайян вақтда, лекин икки йилда камида бир марта, асосий воситалар йўқдама қилинади.

35. Йўқдама қилиш вақтида аниқданган ортиқча асосий воситалар бошқа операция фаолиятидан олинган фойда сифатида акс эттирилади. Йўқдама қилиш натижасида аниқданган асосий воситаларнинг камомади, айбдор шахслар аниқдапгунга қадар, камомадларни ҳисобга олиш ҳисобида акс эттирилади.

36. Асосий воситаларнинг баланс қиймати, уларнинг жорий қийматига мос келмаслиги аниқланган тақдирда асосий воситалар *ушбу* стандартнинг 21, 22-бандларига мувофиқ, қупайтирилади ёки камайтирилади.

Маълумотларни ошқор қилиш

37. Молиявий ҳисоботда қуйидаги маълумотлар ёритилиши лозим:

37.1. Асосий воситаларнинг дар бир тури буйича уларни ҳаракати ҳисобга олинган ҳолда, ҳисобот даврининг боши ва охиридаги бошлангич қиймати:

37.1.1. Асосий воситаларга киритиш;

37.1.2. Асосий воситалардан чиқариш;

37.1.3. Бошлангич қийматини узғариши, узғариш сабаблари.

37.2. Асосий воситаларнинг дар бир тури буйича амортизацияни ҳисоблаб утказишда:

37.2.1. Амортизацияни ҳисоблашда фойдаланилган усул;

37.2.2. Ҳисобот даврининг боши ва охирида амортизация қийматидан асосий воситаларнинг бошлангич ёки жорий қиймати;

37.2.3. Ҳисобот даврининг боши ва охирида тупланган амортизация қиймати.

37.3. Қайта баҳолаш утказишда:

37.3.1. Ҳисобот даврининг боши ва охирида асосий воситалар ҳар бир турининг жорий қиймати;

37.3.2. Қайта баҳолашни амалга ошириш асоси ва унинг даврийлиги;

37.3.3. Қайта баҳолаш амалга оширилган сана;

37.3.4. Қайта баҳолашни амалга ошириш усули;

37.3.5. Эксперт баҳосининг қим томонидан берилгани.

38. Бундан ташқари, молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун ҳисобот даврининг охирида қуйидаги ахборотларни ёритиш зарур:

38.1. Вактинча фойдаланилмаётган асосий воситаларнинг бошлангич (тиклаш) ёки жорий қиймати (УзР АВ 07.07.2001 й. 491-2- сон билан руйхатга олинган МВ Буйруғи таҳриридаги кичик банд);

38.2. Фойдаланилаётган ва амортизация тула ҳисобланган асосий воситаларнинг бошлангич (тиклаш) ёки жорий қиймати (УзР АВ 07.07.2001 й. 491-2-сон билан руйхатга олинган МВ Буйруғи таҳриридаги кичик банд);

38.3. Мажбуриятларнинг бажарилиши учун кафолат сифатида гаровга берилган асосий воситаларга эгалик қилиш ҳуқуқининг мавжудлиги ва бу ҳуқуқ, буйича чекловлар тугрисида;

38.4. Асосий воситаларни харид қилиш буйича бажарилмаган мажбуриятлар;

38.5. Ҳисобот даври охирида тугалланмаган қурилиш қиймати;

38.6. Ҳисобот даврининг охирида фойдаланишдан чиқиб кетган, лекин кейинчалик уларни сотиш мақсадида асосий воситалар таркибида сақлаб турилган асосий воситаларнинг айрим турлари қиймати;

38.7. Асосий воситаларни қайта тиклашга оид харажатлар билан боғлиқ; булган ҳисоб сиёсати.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия хисобининг миллий стандарти № 6
ЛИЗИНГНИ ХИСОБГА ОЛИШ

(Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1998 йил 16 октябрда 503-сон билан рўйхатга олинган)

Умумий қондалар

1. Ушбу Бухгалтерия Хисоби Миллий Стандарти (БХМС) Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия хисоби тугрисида»ги Қонуни асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия хисобини меъёрий асосда бошқариш тизимининг элементи ҳисобланади.

Стандартнинг мақсади

2. Ушбу стандартнинг мақсади лизинг муомалаларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини белгилаб беришдан иборат.

Амал қилиш соҳаси

3. Ушбу стандарт қуйидаги объектлар ва муомалаларга нисбатан қўлланилмайди:

3.1. Нефть, газ, қурилишда ишлатиладиган ёғочлар, маъданлар ва бошқалар сингари табиий ресурсларга;

3.2. Ер майдонларига;

3.3. Бадий фильмлар, видеоёзувлар, пьесалар, кулёмалар, патентлар ва муаллифлик ҳуқуқлари сингари моддалар бўйича лицензияга эга бўлган битимларга.

Тушунчалар (атамалар)

4. Ушбу стандартда фойдаланиладиган атамалар:

4.1. Лизинг - лизинг берувчи ва лизинг олувчи уртасидаги шартнома (келишув) асосида лизинг олувчига мустақил хужалик ва бошқа фаолият юритишни амалга ошириш мақсадида, вақтинчалик фойдаланиш учун қучмас ва қучар мўлкни бериш ҳақида тузилган лизинг битими натижасида, ташкил этилган хужалик мажбурияти муносабатларини билдиради.

4.2. **Лизинг шартномаси** - лизинг шартномаси бўйича бир тараф - лизинг берувчи (ижарага берувчи) бошқа тараф - лизинг олувчи (ижарачи)нинг топширигига мувофиқ лизинг олувчи учун ўз маблаглари ҳисобидан, ижарачидан мўлк- мўлкни сотиб олиш мақсадида ўзинчи тараф - ишлаб чиқарувчи (сотувчи) билан битимга киришиш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса бўнинг учун лизинг берувчига лизинг туловларини тулаш мажбуриятини олади.

4.3. Лизинг объекти - ер майдонлари ва бошқа табиий объектлардан ташқари, тадбиркорлик фаолияти учун

фойдаланиладиган дар қандай истеъмол қилинмайдиган буюмлардир.

4.4. Лизинг субъекти:

лизинг берувчи - мўлк-мўлкни, кейинчалик лизинг бўйича лизинг олувчига бериш мақсадида хўсўсий мўлк қилиб сотиб олаётган шахс;

лизинг олувчи - лизинг объектини ўз эғалигига аа фойдаланиши учун сотиб олаётган шахс;

ипхлаб чиқарувчи - лизинг объектини бевосита ишлаб чиқарувчи, шўнингдек уни сотувчи шахс.

Агар лизинг берувчи кейинчалик фойдаланувчиДан мўлк олса ёки лизинг берувчи ишлаб чиқарувчини ўнинг мўлкини кейинчалик айнан шу шахсга лизинг бўйича олишини молиялаштира, унда лизинг берувчи ва ишлаб чиқарувчини бир шахс деб қарашга йўл қўйилади.

5. Лизинг турлари:

молиявий (молиялаштириладиган) лизинг - бу лизингнинг бир тури бўлиб, ўнга асосан ўшбу активларга эғалик ҳуқуқи билан боглиқ барча таваққалчилик тақдирлашнинг анчагина қисми бошқа тарафга берилади. Агар шартномада бошқа нарса қайд этилмаган бўлса, лизинг шартномасининг муддати тугаши билан лизинг объекти лизинг олувчининг мўлқига ўтиб кетади;

- **жорий ижара (оператив лизинг)** - бу лизингнинг молиялаштириладиганидан бошқа ҳаар қандай туридир.

Жорий лизингда лизинг объектларини фойдаланиш учун лизинг объекти хизмат қилиш меъёрий муддатидан қам бўлган муддатга берилиши назарда тутилади, одатда лизинг берувчига бир йилдан қам муддат қолганда қайтарилади. Лизинг даврида лизинг олувчига факат лизинг мўлқидан фойдаланиш ҳуқуқи ўтади. Мўлқдорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари лизинг берувчида қолади, шўнга қўра, жорий лизингга берилган лизинг мўлкининг қиймати лизинг берувчининг балансида ҳисобланади;

бекор **қилинмайдиган (чиқариб олинмайдиган) молиявий лизинг** - бу лизингнинг бир тури бўлиб, уни факат Қўйидаги ҳолларда тўхтатиб қўйиш мўмкин:

а) қўзда тутилмаган ҳолатлар юзага қелганда;

б) лизинг берувчининг рўхеати билан;

в) агар лизинг олувчининг айнан ўзи лизинг берувчи билан айнан ўша ёки шўнга ўхшаш мўлққа янги лизингли битим тузса;

г) агар лизинг муддати бошида туланган қўшимча сўмма ижарани тўхтатишни қоплашга етса;

сублизинг - сублизингда лизинг олувчи лизинг шартномаси бўйича олган мўлкни, лизинг берувчининг розилиғи билан ўнинг олдида шартнома бўйича жавобгар бўлиб қолган ҳолда сублизингга бериш ҳуқуқига эга.

6. Лизинг шартномасининг (битимининг) бошланиш

у имзоланган кун хисобланади.

7. Лизинг муддати - бу лизинг берувчи маълум муддатга, актив учун лизинг битимини тузган даврдир, шунингдек кейинги исталган даврларда лизинг олувчи томонидан лизинг муддатини кейинчалик тулаш ёки узайтириш мумкин булиб, у лизинг муддатини бошида курсатилган булади.

8. **Лизинг** тулови - лизинг тулови лизинг олувчи томонидан, лизинг объектини сотиб олиш ва лизинг ставкаси (лизинг берувчининг даромад х;ажми) билан боғлиқ, булган лизингга берувчининг харажатларини қ,оплаш учун туланадиган пул маблагларини билдиради.

9. **Жорий нархлардаги киймат** - бу воситачисиз, бетараф ва сотиб олишни хоҳдовчи харидор ва сотишни хоҳдовчи сотувчи уртасидаги активлар буйича олди-сотди суммаси.

10. Фойдали **хизмат** муддати - корхона томонидан ишлатиб булинган активдан ёхуд корхона активларни ишлатишдан, олишни мулжаллаётган мах;сулот ёки мах;сулотнинг ухшаш бирликларидан фойдаланиш кузда тутилаётган даврдир.

11. **Кафолатланмаган колдик қ^ймаг** - бу, ижарага олинган актив колдик; қ,ийматининг (лизинг битими бошида белгиланган) шундай қ,исмики, унинг реализациясини лизинг берувчи кафолатламайди ёки у лизинг берувчи билан боғлиқ, булган томонидангина кафолатланган булади.

12. **Лизингга ялпи капитал қуйилма** - бу лизингни молиялаштиришда лизинг берувчи томонидан олинган минимал ижара тулови ва шунга қушимча булган кафолатланмаган колдик кийматнинг умумий суммаси.

13. **Ишлаб топилмаган молиявий даромад** - бу лизинг берувчининг лизингга берган ялпи капитал маблаглари **ва** ушбу вақтда ижарага берилётган мулкнинг жорий киймати (дисконт) уртасидаги фарк.

14. **Лизингга соф капитал қуйилма** - бу ялпи капитал қуйилмадан ишлаб топилмаган молиявий даромаднинг айирмаси.

15. **Пул маблагларининг соф инвестициялари** - бу лизинг буйича су гурта дан фойдаланганлик харажатларидан ва лизинг олувчи томонидан туланадиган бошка чикимлардан ташкари кетадиган ва келадиган пул маблагларининг баланси. Кетадиган пул маблаглари активларни сотиб олиш учун, соликларни тулашга, учинчи шахе томонидан берилган кредитларнинг асосий суммасига туланадиган фоизларни уз ичига олади. Келадиган пул маблаглари ижара туловлари, субсидиялар, солик чегирмалари ва лизинг натижасида келиб чикадиган солик

туловлари ёки бошқа туловларни камайтирилганлиги ҳисобидан иктисод килинган суммани уз ичига олади.

16. **Лизинг пайтида кузда тутилган фоиз ставкаси** - бу дисконт ставкаси булиб, у минимал лизинг туловини аниклаш учун ижарага олиш бошида мулкнинг жорий (дисконт) қийматини аниқдайди ва лизинг берувчи томонидан олинadиган дар қандай субсидиялар ва солив; чегирмаси айрилгандаги ижара бошидаги қафолатланмаган қолдик, қиймати ва жорий баҳолардаги ижара активларининг қийматига тенг булиши керак.

17. **Лизинг олувчининг қарз капиталига қупаядиган фоиз ставкаси** - бу фоиз ставкаси булиб, уни шунга ухшаш лизинг шартномаси учун лизинг олувчи тулаши керак булган, ёки лизинг олувчи шундай даврга ва ухшаш типини таъминлашга активларни сотиб олишга қарз олиш учун қабул қилинадиган ставкаси.

18. **Кузда тутилмаган ижара ҳақи** - қайд этилмаган, аксинча вақтдан ташқари ҳар қандай бошқа омилларга боғлиқ булган (масалан, сотиш ҳажмидан олинadиган фоиз, фойдаланиш миқдори, нархлар индекси, бозордаги фоиз ставкалари) ҳақ-

19. Лизинг тушунчаси лизинг олувчига қелишилган шартларни ижро этиш бўйича ушбу активларга эғалик қилиш ҳуқуқини танлаш имконини берувчи қоидалардан иборат активлар лизинги бўйича шартномаларни уз ичига олади.

Лизингнинг таснифи

20. Ушбу стандартда қулланилган лизинг таснифи ижарага олинган активларга эғалик қилиш билан боғлиқ булган тавакқалчилик ва манфаатдорлик лизинг олувчига ёки лизинг берувчига қандай даражада таъсир этишга асосланади. Тавакқалчилик деганда, қувватларнинг бекор туриб қолиши, эскириб қолган технологиялардан фойдаланиш ва узғариб турувчи иктисодий шароитларда қутилаётган даромаднинг узғариши билан боғлиқ булган зарарнинг эҳтимоли тушунилади. Таадирлаш, активларнинг фойдали хизмат муддати давомида рентабелликни қутиш ёки қолдик қийматининг усиши ёки реализациясидан тушадиган даромад қуринишларидан булиши мумкин.

21. Лизинг, агар унда ижара активларига эғалик қилиш билан боғлиқ булган тавакқалчилик ва манфаатдорликнинг маълум қисми берилса, молияланадиган деб тасниф этилади. Оддий шароитда •лизингнинг ушбу тури бекор қилинмайдиган деб ҳисобланади ва лизинг берувчига капитал қуйилмаларини қопланиши ва қарз капитал дан даромад олишни таъминлайди. Лизинг, агар ижарага олинган активларга эғалик қилиш билан боғлиқ булган тавакқалчилик ва манфаатдорликнинг маълум қисми лизинг олувчига берилмаса, у оператив лизинг сифатида деб тасниф этилади.

22. Оддий шароитларда лизинг молияланадиган деб таснифланадиган вазиятларга мисоллар:

22.1. Лизинг муддати 12 ойдан ошиши керак;

22.2. Лизинг шартнома муддати тугаши билан активларга эгалик қилиш ҳуқуқи лизинг олувчига бериладиган лизинг;

22.3. Лизинг, қайсики унинг шартлари бўйича лизинг олувчи активни ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш қунида уларни жорий қийматидан кам бўлган нархда, агар лизинг шартномаси қучга кирган кунда ушбу ҳуқуқдан фойдаланишнинг катта эҳтимоли борлиги аниқ, бўлган бўлса, сотиб олиши мумкин.

22.4. Лизинг даври актив фойдали хизмати муддатининг катта қисмини (қамида 80 %) қамраб олса;

22.5. Лизинг объектларининг қолдиқ қиймати, лизинг муддати тугаши да лизинг бошидаги қийматнинг қамида йигирма фоизини ташкил этади;

22.6. Лизинг бутун муддати давомида туловларнинг жорий суммаси лизинг объекти қийматининг туксон фоизидан ошиб кетади;

22.7. Қачонки минимал лизинг туловларнинг жорий қиймати лизинг шартномаси қучга кирган пайтда жорий баҳоларда актив қийматидан қуп ёки актив қийматига тенг бўлса, бунда вақтнинг айнан шу пайтига ҳар қандай субсидиялар ва лизинг берувчига солиқ чегирмаларидан ташқари. Лизинг шартномасининг муддати тугагандан кейин лизинг объекти, битимлар бўйича бошқаси белгиланмаган бўлса, лизинг олувчининг мулкига ўтади.

Бионолар

23. Ижарага олинган бионолар (иншоотлар) асосан фойдали хизмат муддатига эга бўлиб, одатда улар, қуталаётган, лизинг шартномаси муддатидан ортиқ бўлади. Бундан ташқари, бионоларни муддатидан илгари ижарага олиш қупинча, шундай шарт билан амалга ошириладики, унга қура, ижара ҳақи доимий равишда ошиб бораётган бозор ставкаларига мувофиқ тузатиб турилади. Бундай ҳолларда лизинг берувчи ижарага олинган активларга эгалик қил ига билан боғлиқ барча таваккалчилик ва манфаатдорликнинг қуп қисмини ўзида сақдаб қолади ва бинобарин, лизингнинг ушбу тури жорий (оператив) лизинг деб таснифланади.

Лизинг олувчиларнинг молиявий ҳисоботларида лизингни акс эттириш

Молиявий (молияланадиган) лизинг

24. Молиявий (молияланадиган) лизинг, лизинг олувчининг бухгалтерия балансида лизинг шартномаси қучга кирган кунда жорий нархларда баҳоланган ижарага олинган мулк қийматига тенг бўлган активлар ва мажбуриятлар лизинг берувчига ҳар қандай

субсидия ва солик, чегирмалари ёки жорий баҳолар буйича минимал лизинг туловларидан ташкари суммаси буйича лизинг эътироф этилиши керак, агар у кам булса.

Энг кам лизинг туловларининг жорий кийматини ҳисоблашда, лизинг шартномаси буйича кузда тутиладиган (агар, уни аниқдаш имконияти булса) фоиз ставкаси дисконтлайдиган омил булиб қолади, акс ҳолда лизинг олувчининг қарз сармоясига ушиб борувчи фоиз ставкасидан фойдаланилади.

25. Агар, лизинг олувчи ҳатто шартнома буйича активга эгалик қилиш ҳукуки мавжуд булмаса, аммо бунда ана шу активдан фойдали хизмат муддатининг қуп қисмида фойдаланса, жорий нархларда унинг кийматини ва маблаг билан таъминлаганлик учун тегишли ҳакни (фоизларни) тулайди.

26. Агар, бундай лизинг муомалалари лизинг олувчининг бухгалтерия балансида акс эттирилмаса, у ҳолда корхонанинг иктисодий ресурслари ва мажбуриятлари пасайиб кетади ва шунга мувофиқ молиявий курсаткичлар бузилади. Шу сабабли, лизинг олувчининг бухгалтерия балансида молияланадиган лизингни актив сифатида ва булгуси ижара туловларини тулаш буйича мажбуриятлар сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

27. Ижара туловлари молиявий туловлар ва туланмаган мажбуриятларни қамайишига булинади. Молиявий туловлар даврлар буйича ҳар бир давр учун келган мажбуриятларга нисбатан доимий фоизли ставкаларни белгилаш мақсадида лизинг шартномаси давомида даврлар буйича булиб чиқилиши керак.

28. Лизинг шартномаси муддати давомидаги минимал лизинг туловлари билан лизинг олувчининг умумий суммаси уртасидаги фарқи молиялаш учун туланадиган туловлардан иборатдир. Ушбу тулов лизинг муддати давомидаги даврлар буйича ҳар бир давр учун қолган мажбуриятларга доимий фоизли ставкаларни белгилаш мақсадида булиниши керак. Амалда, ҳисоблашни осонлаштириш учун яқинлаштирилган ҳисоблашнинг айрим турларидан фойдаланилади.

29. Молиялаштирилган лизингда активга амортизация ажратмалари ва ҳар бир ҳисобот даври учун лизингни молиялашга кетган харажатлар каби харажатлар пайдо булади. Лизинг активига берилаётган эскиришни ҳисоблаш сиёсати лизинг олувчига қарашли булган активларни эскирадиган активларни ҳисоблаш сиёсатига мос қилиши керак. Амортизация ажратмалари «Асосий воситалар» 5-сон БХМСда қўрсатилган асосда ҳисобланиши керак. Агар лизинг олувчи лизинг шартномаси тугагандан кейин активларга эгалик қилиш ҳукуқини олишга ишончи булмаса ёки актив лизинг шартномаси муддати давомида ёки хизмати давомида, улардан қайсиниси Қисқарок булса, тулик амортизация қилиниши керак.

Жорий ижара (оператив лизинг)

30. Жорий ижара (оператив лизинг) буйича олинган даромаддан хисобот давридаги ижара хаки харажатлари чиқдрий ташланиши керак.

Ахборотни ёритиш

31. Лизинг олувчининг баланс дисоботларида бухгалтерия балансини тақдим этиш санасида молияланадиган лизинг объектлари булган активларнинг киймати тугрисидаги ахборот ёритилиши керак. Ижарага олинган актив маълумотлари билан боглик мажбуриятлар, киска муддатли ва узок, муддатли мажбуриятларни табак, алаштириш йули билан бошка мажбуриятлардан алохида ёътироф этилиши лозим.

32. Молияланадиган лизинг ва операцион лизинг буйича энг кам лизинг туловларига дахлдор мажбуриятлар суммалари ва уларни тулаш даврлари тугрисидаги ахборотни бериш билан умумлашган шаклда ёритиб берилиши керак.

33. Маълум молиявий чеклашлар, ижарани тиклаш ва ижарага берилган активларни сотиб олиш хукукдари, кутилмаган ижара туловлари ва лизинг билан боглик, булган бошка кутилмаган холатлар ёритилиши керак.

Лизинг берувчининг (ижарага берувчининг) молиявий хисоботидаги лизинг

Молиявий (молияланадиган) лизинг

34. Молияланадиган лизинг буйича утадиган актив бухгалтерия балансида асосий воситаларнинг бир кисми сифатида эмас, балки лизингга киритиладиган соф маблагга тенг суммадаги дебиторлик карзининг бир кисми сифатида хисобга оlinиши керак. Молияланадиган лизингда ижарага берилган активларга эгалик килиш билан боглик булган барча товаккалчилик ва манфаатдорлик лизинг берувчи томонидан берилади, шундай Килиб, оlinиши керак булган ижара туловлари лизинг берувчи томонидан активнинг асосий суммаси туланган, молиявий даромад эса, лизинг берувчига унинг инвестицияларини тулаш ва унинг инвестициялари ва хизматлари учун мукофоти сифатида хисоб Килинади.

35. Эхтиёткорлик кондасига амал килиб, молиявий даромадни акс эттириш доимий даврий даромадни акс эттириш ёки лизинг берувчининг соф пулли ажратмаларига ёки молиялаштириладиган лизингга нисбатан туланмаган туловлар моделига асосланиши керак. Кулланиладиган услуб ухшаш молиявий таснифга эга булган лизинг шартномаларида изчил кулланилиши керак.

**Ишлаб чиқарувчилар ёки дилерлар амалга оширадиган молиявий
(молияланадиган) лизинг**

36. Ишлаб чиқарувчи ёки дилер - лизинг берувчи одатда, хужалик субъекти сотиш буйича оддий операцияларни акс эттиришда амал қиладиган ҳисоб сиёсатига мувофиқ, давр ичида сотишдан курадиган фойда ва зарарни даромадга киритиши керак. Агар фойз ставкалари сунъий равишда пасайтирилган бўлса, у ҳолда сотишдан тушган фойда тижорат фойз ставкасини қўллаганда олиниши мумкин бўлган суммага мувофиқ, келиши лозим. Дастлабки бевосита харажатлар лизинг контракта: бошида харажат сифатида акс этиши лозим.

Жорий (оператив) лизинг

37. Жорий лизингга мулжалланган активлар лизингга берувчининг бухгалтерлик балансида асосий воситалар сифатида эътироф этилади. Операцион лизингга активларга эгалик қилиш билан боғлиқ; бўлган таваккалчилик ва манфаатдорлик лизинг берувчида қолади. Шунинг учун, лизингга берувчи бундай активга амортизация қилинадиган активлар сифатида қарайди. Ишлаб чиқарувчи ёки дилер - лизинг берувчи операцион лизингни амалга оширишда сотишдан тушган фойдани тан олмайди, чунки у сотиш эквивалента эмас.

38. Рента даромади, лизинг шартномаси муддати давомида тенг бир текисда чиқариб ташлаш усули буйича тан олиниши керак, агар факат бошқа тизимли усул лизинг буйича тушумларнинг муваккат моделини аниқроқ, акс эттирмаса.

39. Ижарага олинган активлар амортизацияси, лизингга берувчининг шундай активларга нисбатан оддий амортизация сиёсатига мос келиши лозим ва амортизация ажратмалари «Асосий воситалар» 5-сон БХ^МСда қўрсатилган асосда ҳисобланиши керак.

Ёритиш

40. Лизинг берувчининг молияланадиган лизингга ялпи инвестициялари ва ишлаб топилмаган молиявий даромад суммаси, шунингдек ижарага олинган активларнинг кафолатланмаган қолдиқ Киймати бухгалтерия баланси тузиладиган ҳар бир санада ёритилиши керак.

41. Давр мобайнида инвестицияларнинг даромадлилик доимий ставкасини олиш учун даромадни (даромадлилик ҳақи туланмаган соф инвестицияларга ёки пул маблағларининг лизингга ҳақи туланмаган соф инвестицияларига қиришини акс эттириб) тақсимлашда фойдаланиладиган усулни очиш зарур. Ушбу усуллар биттадан қўп усулдан фойдаланганда ҳам ёритилиши керак.

42. Агар лизинг берувчи фаолиятининг маълум қисми операцион лизинг бўлса, лизинг берувчи активлар қийматини

активларнинг дар бир асосий турлари бўйича, дар бир бухгалтерлик баланси тузиладиган кунга тегишли тупланган эскириш билан ёритиши керак.

Кейинги лизинг (ижара) шarti билан мулкни сотиш

43. Кейинги ижара шarti билан мулкни сотишга дойр битим, худди шу сотувчига активни ижарага кейин қайтариш билан активни сотишни уз ичига олади. Ижара туловлари ва реализация нархи одатда узаро боглик, чунки улар бўйича яхлит бутунлик сифатида келишилади ва улар учун активлар кийматини жорий нархларда беришга дожат колмайди. Мулкни кейинчалик лизингга олишдаги битим бухгалтерлик дисоб услуби лизинг тури билан богликдир.

44. Агар мулкни кейинчалик лизингга олиш учун сотиш бўйича битим, молиялаштириладиган лизингга олиб келса, унда баланс кийматидан ошиб кетадиган дар кандай реализация даромади сотувчи - лизинг олувчининг молиявий дисоботида дардол даромад сифатида эътироф этилиши керак эмас. Агар шундай даромад эътироф этилса, у кечиктирилиши ва бутун ижара муддати давомида амортизация килиниши керак.

45. Агар кейинги лизинг шarti билан мол-мулкни сотишга дойр битим операцион лизингга олиб келса ва у жорий нархлардаги киймати бўйича тузилган булса, у долда дар кандай фойда ва зарар мол-мулк одатдагидек сотилгани каби дардол тан олинади. Агар сотиш нархи жорий нархдаги кийматидан паст булса, фойда ва зарар ижара даври мобайнида тан олинади. Агар кейинги лизинг шarti билан мол-мулкни сотишга дойр битим операцион (жорий) лизингга олиб келса, ижара туловлари ва сотиш киймати эса жорий кийматдан келиб чикиб белгиланса, у долда дар кандай фойда ёки зарарни мол-мулк одатдагидек сотилгани каби битим пайтида тан олиш керак. Агар сотиш нархи жорий нархдан паст булса, у долда зарар кечиктирилади ва агар бу зарар булгуси лизинг туловлари билан копланадиган булса. Лизинг туловларига мутаносиб равишда чикариб ташланади. (Масалан, сотувчи лизинг берувчига 80 мингга ускуна сотган, унинг жорий (бозор) киймати эса 100 минг. Лизинг берувчи ана шу сотувчининг узига 80 мингга ижарага топширади. Бундай долда 20 минг сум кечиктирилган пул деб тан олинади).

46. Операцион лизингда, агар кейинчалик лизингга олиш шarti билан мулкни сотишга дойр битим пайтидаги жорий нархлардаги киймат, активнинг баланс кийматидагидан кам булса, баланс киймати билан жорий нархлардаги киймат уртасидаги фарк миадорига тенг булган зарар дардол тан оилиниши керак

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти № 7
НОМОДДИЙ АКТИВЛАР

(Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1998 йил 20 октябрда 506-сон
билан рўйхатга олинган)

Умумий қоидалар

1. Ушбу Бухгалтерия Ҳисобининг Миллий Стандарти (БХМС) Ўзбекистон Республикастнинг «Бухгалтерия ҳисоби тугрисида»ги Қонуниасосиданшлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий жиҳатдан тартибга солиш тизимининг элементидир.

Стандартнинг мақсади

2. Ушбу стандартнинг мақсади, номоддий активларни ҳисоблаш тартибини белгилашдан иборат.

3. Номоддий активларни ҳисобга олишда, активларни тан олиш вақтини белгилаш, уларнинг баланс қийматини, фойдали хизмат қилиш муддатини, амортизацияни ҳисоблаш ва уларнинг чиқиб кетиш натижалари тартибини аниқлаш асосий масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Амал қилиш соҳаси

4. Барча ҳужалик юритувчи субъектлар номоддий объектларни ҳисобга олишда мазкур стандартни қўллайдилар.

5. Мазкур стандарт қоидалари қуйидаги ҳолларда ҳисоб юритиш тартибда қўлланилмайди:

5.1. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига (ИТТКИ) дойр харажатларни ҳисоблашда;

5.2. Ижара турларининг ҳисобида;

5.3. Субъектларни бирлаштиришда пайдо бўладиган худвилни Ҳисоблашда;

5.4. Келгуси даврлар харажатларининг ҳисобида;

5.5. Минерал ресурслардан фойдаланишга, минерал ресурслар, нефть, табиий газ ва шу сингари тикланмайдиган ресурсларнинг геологик кидирилиши ва казиб олинишига дойр ҳуқуқларни Ҳисобга олиш қоидаларига нисбатан. Мазкур стандарт, ана шунга Ухшаш фаолиятнинг ушбу турларини ривожлантириш ёки қўллаб-қувватлаш учун ишлатиладиган номоддий активларга нисбатан ҳам қўлланилмайди.

) «Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига дойр харажатлар» Деган 11-сон БХ[^]МСга қаралсин.

Таърифлар (атамалар)

6. Ушбу стандартда ишлатиладиган асосий атамалар ва таърифлар.
7. **Номоддий активлар** - моддий-ашёвий мазмунга **эга** булмаган, хужалик юритувчи субъект томонидан, хужалик фаолиятида фойдаланиш ёки бошқариш учун фойдаланиш мақсадида назорат қилинадиган, шунингдек узок вақт (бир йилдан кўп) ишлатиш учун мулжалланган мол-мулк объектлари.
8. **Амортизация** - унинг фойдали хизмат муддати давомида, номоддий активнинг амортизация қийматини мунтазам равишда тақсимлаш ва утқизиш қурлишида эскиришнинг қийматифодаси.
9. **Амортизация қиймати** - тахмин қилинаётган тугатилиш қийматини чиқариб ташлаган ҳолда, активнинг дастлабки қиймати ёки молиявий ҳисоботларда қўрилган дастлабки қиймат урнини босадиган бошқа қийматнинг суммаси.
10. **Фойдали хизмат муддати** - субъект томонидан, активлардан фойдаланиш кўзда тутилган давр ёки хужалик юритувчи субъект ушбу активни ишлатишдан олинган қўлланган маҳсулот (ишлар, хизматлар) миқдори.
11. **Дастлабки қиймат** - активни харид қилишда, ҳақиқатда туланган пул маблағлари ёки унинг эквивалентлари қиймати ёки уни ишлаб чиқаришда амалга оширилган ҳақиқий харажатлар.
Харид қилишнинг ҳақиқий қиймати, номоддий активни харид қилиш ва уни ишлатиш учун тайёр ҳолатга келтириш учун қилинган барча харажатларни, яъни: харид нархи, юридик йиғимдар ва бошқа зарур харажатларни ўз ичига олади.
12. **Тугатилиш қиймати** - чиқиб кетишга дойр қўйлаётган харажатларни чиқариб ташлаган ҳолда, активнинг фойдали хизмати пировардида уни тугатиш пайтида, пайдо буладиган активларнинг тахмин қилинаётган қиймати.
13. **Реализация (сотиш) қиймати** - номоддий активларни битим пайтида манфаатдор тарафлар ўртасида айирбошлаш мумкин бўлган сумма.
14. **Қолдиқ (бадане) қиймати** - актив ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириладиган жамғарилган (тупланган) амортизацияни чиқариб ташлаган ҳолда, номоддий активларнинг дастлабки ёки жорий қиймати.
15. **Қопдаш қиймати** - хужалик юритувчи субъект активдан кейинчалик фойдаланиш ҳисобига қоплашни мулжаллаётган сумма, шу жумладан тугатилиш қиймати.
16. Хужалик юритувчи субъект хужалик фаолияти жараёнида номоддий активларни харид қилиш, ривожлантириш ва

купайтириш буйича мажбуриятлар олади. Корхонанинг номоддий активлари таркибида патентлар, лицензиялар, акдий мулк ва савдо маркалари (шу жумладан фирма маркалари ва эълон қилинаётган номлари) акс эттирилади.

Тандо ҳуқуқлар, компьютер дастурини таъминлаш, муаллифлик ҳуқуқлари, миждозларнинг рўйхатлари, лицензиялар, маркетинг ҳуқуқлари, импорт квоталари, ташкилий харажатлар (янги ҳужалик юритувчи субъектни барпо этиш харажатлари, яъни бошлаш харажатлари), ноу-хау, бозор тугрисидаги билим, техник қуникмалар ва хоказолар амалиётда учрайдиган активларга оддий мисоллар ҳисобланади.

17. ' Номоддий активлар таърифи, активдан ҳужалик фаолиятида фойдаланилиши ва жисмоний мохиятга эга бўлмаслиги (пул эмаслиги)ни такозо этади. Активларни юридик ҳуқуқлар, шу жумладан мулк ҳуқуқи билан қиёс қилиш мумкин бўлган ва улардан узок муддат давомида фойдаланиш мумкин бўлган ҳолда, жисмий мохияти бўлмаган активлар номоддий активлар таърифига жавоб беради.

18. Активнинг юридик ҳуқуқини белгилайдиган шартнома ушбу ҳуқуқ тааллуқли бўлган активни ҳам белгилайди. Айрим Ҳолларда номоддий актив юридик ҳуқуқ билан қиёслаш йўли билан белгиланиши мумкин эмас. Бундай активлар белгиловчи эканлигини белгилаш учун ҳужалик юритувчи субъектга ушбу активдан қандай фойдалар олинишини аниқлаш имконини берадиган бир қатор омилларни диққат билан қараб чиқиш зарур.

Номоддий активларни тан олиш

19. Номоддий актив қуйидаги ҳолларда актив сифатида тан олинади:

19.1. Актив таърифини қондирган;

19.2. Улчанадиган;

19.3. Аҳамиятга молик бўлган;

19.4. Ишончли бўлган;

19.5. Қелгусида иктисодий наф қелтирадиган;

19.6. Ажраладиган, яъни уни ишлатиладиган ишлаб чиқаришдан алоҳида фойдаланиш мумкин бўлган ҳолларда.

Агар ҳужалик юритувчи субъект мазкур активдан олинадиган махсус бўл гуси фойдаларни сотиши, айирбошлаши ёки тақсимлаши мумкин бўлса, активни ажратиш (булиш) мумкин.

20. Қуйидаги ҳоллардагина ҳужалик юритувчи субъект қелгусида номоддий активлар билан боғланган иктисодий наф олиши эҳтимоли мавжуд бўлади:

20.1. Номоддий актив хужалик юритувчи субъектга буду си иктисодий нафларнинг кутилаётган окимини купайтиришдаги уз урнини, ушбу фаолиятини самарали бажара олиши ва хужалик юритувчи субъектнинг номоддий активдан ана шу мақсадда фойдаланиш ниятини исботлай олиши мумкин булганда;

20.2. Хужалик юритувчи субъект, узи кутаётган булгуси иктисодий нафларни олиши мумкин булган етарлича ресурслар мавжуд булса ёки уларни ишлатиш мумкинлигини исбот қилиш мумкин булган ҳолларда.

Келгусидаги иктисодий нафлар

21. Хужалик юритувчи субъект, узининг бирор-бир активдан келгусида иктисодий нафлар олиши эдтимолини аниқдаш пайтида, ҳужжатларда, дастлабки руйхатдан утқишиш пайтида мавжуд булган исботлар асосида ана шу фойдалар билан боғланган ишончга қомиллик (муайянлик) даражасини баҳолаш зарур. Хужалик юритувчи субъект келгусида иктисодий нафлар олишига ишонч, хужалик юритувчи субъект активдан фойда (даромад) олиши хусусидаги қафолатларни талаб этади. Агар хужалик юритувчи субъект ушбу иктисодий нафлар устидан назоратни амалга оширгандагина, одатда, бундай қафолатлар берилиши мумкин.

Номоддий активларни баҳолаш

22. Барча ҳил номоддий активларнинг дастлабки баҳоси бошланғич қийматда булиши керак.

23. Агар, номоддий активлар пулсиз айирбошлаш (бартер) тартибиде харид қилинса, уларнинг қиймати, баҳоларнинг қайси бири афзалроқ эканига қараб, айирбошлашга берилган мол- мулкнинг ёки харид қилинган ҳуқуқдарнинг бозор нархи буйича бедгиданиши мумкин.

24. Агар номоддий актив пудга харид қилинса, унинг қиймати шартномада иққиламчи бозорда мавжуд шу сингари активга, аниқданган бозор нархи буйича курсатилиши мумкин.

25. Номоддий актив, хужалик юритувчи субъектнинг узи томонидан яратидган ва уни яратиш чиқимларини аниқ белгилаш мумкин булган ҳолларда, номоддий актив ҳақиқий таннарх буйича акс эттирилади.

Номоддий актив қийматини белгилаш мумкин булмаган ҳолларда у, актив сифатида алоҳида модда билан акс эттирилмайди.

26. Хужалик юритувчи субъектнинг узи яратган іудвидд (фирманинг нархи) актив сифатида акс эттирилмаслиги керак, чунки у қорхонани сотиб олиш пайтида харид қилиш нархи билан мазкур субъектни ташкил қилувчи активларнинг ҳақиқий нархи уртасидаги тафовут сифатида юзага келади.

«Гудвилл (фирма бахоси)» номоддий активининг суммаси хар ойда, унинг фойдали хизмат муддати мобайнида хисобдан чикдрилади. «Гудвилл (фирма бахоси)» суммасининг хисобдан чикдрилиши, бевосита «Гудвилл (фирма бахоси)» номоддий активи четининг сальдосини камайиши харажатларни хисобга олишнинг тегишли счетлари билан корреспонденцияда ёзиб борилади (УзР 29.06.2001 й. 506-1-сон Буйрук тахриридаги хат боши).

«Гудвилл (фирма бахоси)» суммасини хисобдан чиқариш даври, корхонага булгуси иктисодий нафлар тушуми кутилаётган даврнинг энг яхши бахосиш акс эттириши керак. «Гудвилл (фирма бахоси)» номоддий активининг фойдали хизмат муддати, дастлаб тан олинган пайтдан бошлаб, йигирма йилдан ошмаслиги керак (лекин у хужалик юритувчи субъектнинг фаолият муддатидан ошиб кетмаслиги лозим) (УзР 29.06.2001 й. 506-1-сон Буйрук, тахриридаги хат боши).

Молиявий хисоботда «Гудвилл (фирма бахоси)» номоддий активининг киймати, тегишли хисобот даврида амалга оширилган хисобдан чикдришларни чегирган холда акс эттирилади (УзР 29.06.2001 й. 506-1-сон Буйрук; тахриридаги хат боши).

27. Корхонанинг бозор киймати, хужалик юритувчи субъект томонидан келгусида олиш эхтимоли булган нафлар, бозор бахосини акс эттиради. Корхонанинг бозор киймати билан уни белгилайдиган активларнинг бозор киймати уртасидаги тафовут исталган пайтда субъект кийматига таъсир курсатадиган бир ка гор омилларни уз ичига олиши мумкин. Бирок, бундай тафовут шу пайтда субъект назорат килаётган тегишли активларнинг Кийматини курсатмайди.

28. Номоддий активларнинг баланс киймати ҳукумат грантлари суммасига камайтирилиши мумкин.

29. Активнинг бошлангич киймати, яъни таннархи ёки харид **Килиш** нархи буйича тан олинганидан кейин, номоддий актив, балансда жамгарилган амортизация суммаси чиқариб ташланган **Холда** хисобга **олинади**.

Харажатларни акс эттириш

30. Номоддий активни харид килиш ёки барпо этишга тааллуқди булган, номоддий актив таърифини Каноатлантirmайдиган ёки ушбу БХМС 19 ва 20 параграфларидаги акс эттириш мезонига туғри келмайдиган харажатлар, унинг пайдо булиш даврида харажат сифатида акс эттирилиши керак.

31. Номоддий активларга тааллуқди булган, дастлаб давр харажатлари сифатида акс эттирилган харажатлар, кейинги Даврларда актив сифатида акс эттирилмаслиги керак.

32. Номоддий активларга тааллукди булган, тан олинган кейинги чикимлар дастлаб бахрланган стандарт активидан ташкари, активнинг баланс кийматига кушилиши керак. Кейинги барча колган чикимлар, улар пайдо булган даврнинг харажатлари деб тан олинishi даркор.

Йул куйилиши мумкин булган мукобил бахолаш усули

33. Дастлабки киймати буйича хисобда актив сифатида акс этирилганидан кейин, номоддий актив кайта бахолаш санасида бозор киймати буйича кайта бахоланади ва агар бозор кийматини аниклаш мумкин булса, кейинги жамгарилган амортизацияни чикариб ташлаган холда хисобга олинади. Номоддий активнинг бозор кийматини, номоддий активнинг ушбу тури буйича активлар иккиламчи бозоридаги нархлар буйича белгилаш мумкин. Кбайта бахолашни етарлича мунтазамлик билан амалга ошириш лозим, токи баланс киймати ушбу кийматни тузиш санасидаги бозор Кийматидан кучли фарк килмасин.

34. Номоддий активни кайта бахолаганда, ушбу актив тааллукди булган акс этирилган номоддий активларнинг бутун занжири кайта бахоланиши керак.

35. Хужалик юритувчи субъект томонидан бозор кийматини белгилаш мумкин булмаган холларда, номоддий активларга нисбатан мукобил усул йул куйган тартибдан фойдаланилганда, ушбу актив, унинг бозор кийматини аниклаш пайтигача, кейинги жамгарилган амортизацияни чикариб ташлаган холда (мазкур баланс киймати, хар бир активнинг тикланаётган кийматидан ошмаслиги шарти билан) уз таннархи буйича акс этирилиши керак.

36. Кайта бахоланган номоддий активга ухшаш активлар, иккиламчи бозорда мавжуд булмаганда, унинг баланс киймати ушбу активнинг тикланаётган кийматидан ошмаслиги шарти билан, жамгарилган амортизацияни чикариб ташлаган холда, охирги Кайта бахолаш санасида активнинг кайта бахоланган киймати, унинг баланс киймати деб кабул килиниши керак.

37. Кайта бахолаш натижасида номоддий активнинг баланс киймати купайган холда ушбу купайишнинг аввалги баходан ошган суммаси «Захира капитали» четининг кредитида илова хисоб варакасида акс этирилиши шарт.

38. Кайта бахолаш натижасида активнинг баланс киймати камайганда, ушбу камайиш суммаси (аввалги бахо уртасидаги фарк) харажат сифатида акс этирилиши керак.

Амортизация

39. Номоддий активнинг амортизация киймати куйидаги даврлар ичида таксимланиши лозим:

39.1. Унинг фойдали хизмат муддати мобайнида, лекин хужалик юритувчи субъектнинг фаолият муддатидан ошмаган холда;

39.2. Фойдади ишлатиш муддатини белгилаш мумкин бўлмаган ҳолатда 5 йил ичида (лекин хужалик юритувчи субъектнинг фаолияти муддатидан ошмаган холда) мунтазам асосда.

40. Активда мужассамланган истеъмол хусусиятлари сарфланганда, активнинг баланс киймати тегишли суммага камаяди. Бу нарса активнинг бутун фойдали ишлатиш муддати давомидаги қолдиқ кийматини чегирган холда, актив кийматини харажатга мунтазам ҳисобдан учиратиш ҳисобига амалга оширилади. Активнинг жорий киймати ёки унинг тикланаётган киймати қупайган ёки қупаймаганидан қатъи назар, амортизация тан олинади. Номоддий активда мужассамланган истеъмол хусусиятлари, хужалик юритувчи субъект томонидан асосан активни ишлатиш давомида сарфланади. Техник жиҳатидан эскириш, активдан қутилаётган фойдани қамайтиради. Шунга мувофиқ равишда, активнинг фойдали ишлатилиш муддатини белгилашда қуйидаги омиддорни эътиборга олиш зарур:

40.1. Хужалик юритувчи субъект томонидан активдан фойдаланишнинг қутилаётган муддати;

40.2. Ишлаб чиқаришни узгартириш ва яхшилаш натижасида ёки маъмур актив томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (ишлар, хизматлар)га нисбатан бозор тадабларининг узгариши натижасида техник жиҳатидан эскириш;

40.3. Активдан фойдаланишнинг юридик ва фойдаланиш муддати тугаши билан боғлиқ бошқа чекланишлар.

Амортизацияни ҳисоблаш усули

41. Амортизацияни ҳисоблашнинг фойдаланилаётган усули, хужалик юритувчи субъект томонидан активнинг истеъмол хусусиятларидан фойдаланиш чизмасини ақс этириши керак. X^dP бир давр учун амортизация суммаси, у бошқа активнинг баланс Кийматига киритилган ҳоллардан ташқари, харажат сифатида тан олинади.

42. Амортизацияланувчи киймат, мунтазам равишда активни фойдади ишлатишнинг бутун даврига таксимланади. Амортизация турли усулдорни қўллаш йўли билан ҳисобланади, уларга: тугри

чизикди ёки бир маромли усул, камайиб борувчи колдик, усули ва ҳосил килинган бирликлар суммаси бўйича амортизацияни ҳисоблаш усули киради.

Тугри чизикди (бир маромли) усул эскиришнинг доимий суммасини активни фойдали ишлатишнинг бутун даври мобайнида ҳисоблаб ёзишдан иборат.

Камайиб борувчи колдик усули бўйича эскиришнинг мунтазам **Ҳисоблаб** ёзилаётган суммалар фойдали ишлатиш муддати давомида камайиб боради.

Эскиришни бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда Ҳисоблаб ёзиш усулига биноан амортизация миқдори, фақат актив канча марта ишлатилишига ёки канча маҳсулот бирлиги ишлаб чиқарилиши кутилаётганига боғлиқ бўлади.

Усулни танлаётганда, активнинг истеъмол хусусиятлари қай тарзда сарфланишига асосланмок зарур. Агар активнинг истеъмол хусусиятлари таркибда узгаришлар кутилмаётган бўлса, у даврдан даврга мунтазам (изчиллик) билан қулланиши керак.

43. Амортизацияни ҳисоблаб ёзиш усулларида бирортасини Қуллашни аниқдаш қийин бўлган ҳолларда, ҳисоблаб ёзишнинг тутри чизикди усулидан фойдаланилади.

44. Агар ушбу активлардан кутилаётган иқтисодий нафлар сезиларли тарзда узгарадиган бўлса, номоддий активларга нисбатан қулланиладиган амортизация усули ҳар йили ҳисобот даври охирида Қайтадан қурилиши мумкин. Амортизация усули узгарган тақдирда жорий давр учун ҳисоблаб ёзилган амортизация тузатилади.

Тугатилиш қиймати

45. Номоддий активнинг колдик қиймати суммасини ишончли тарзда аниқдаш имконияти бўлмаса, унинг колдик суммаси нолга тенг деб ҳисобланади.

Фойдали хизмат муддатининг узгариши

46. Ҳар бир ҳисобот даври охирида номоддий активнинг фойдали хизмат муддати қайтадан қуриб чиқилиши ва агарда кутилаётган суммалар дастлабки баҳолардан жиддий фарқ қилса, амортизация суммасини жорий ва келгуси даврлар учун қупайтириш ёки камайитириш лозим.

Активни ҳисобдан чиқариш

47. Номоддий актив тулик эскирган, сотилган, текинга берилган ҳолларда ҳисобдан чиқарилади.

48. Номоддий активнинг чикиб кетишидан олинган даромад ёки зарар, сотишдан кутилаётган тушум ва активнинг баланс (қолдик) қиймати уртасидаги тафовут сифатида белгиланади. У **молиявий** натижалар тугрисидаги ҳисоботда, даромад ёки харажат сифатида тан олинади.

Ёритиш

49. Молиявий ҳисобот, номоддий активлар учун қабул қилинган ва номоддий активларнинг ҳар бир қурсатилган гуруҳларга нисбатан ҳисоб сиёсатини ёритиши керак:

49.1. Амортизацияни ҳисоблашда қулланиладиган усул;

49.2. Фойдали хизмат муддати ва амортизациянинг қулланиладиган меъёрлари;

49.3. Баланс қиймати ҳамда ҳисобот даврининг бошланиши ва охирига жамғарилган амортизация;

49.4. Субъект ичида барпо этилган активларнинг баланс қиймати;

49.5. Давр бошланиши ва охирида қуйидагиларни акс эттирадиган баланс қийматини киёслаш:

49.5.1. Тушум;

49.5.2. Чик,им;

49.5.3. Кбайта баҳолаш натижасида қийматнинг қупайиши ёки камайиши;

49.5.4. Хорижий корхоналарининг молиявий ҳисоботларда бир валютани бошқдсига қайта ҳисоблаётганда пайдо буладиган курс тафовути;

49.5.5. Номоддий активларнинг бошқа харажатлари.

50. Молиявий ҳисоботда қуйидагиларни ҳам ёритиш керак:

50.1. Номоддий активларнинг уни дастлабки акс эттириш санасидан бошлаб, 5 йилдан ошган амортизация даврини қабул қилишнинг сабаби;

50.2. Тикланаётган қийматни белгилаш пайтида, уларнинг жорий қиймати даражасига қадар, дисконтлашни қулланилган ёки Қулл а н и л м а га ни;

50.3. Мулк ҳукукига чеклашлар, шунингдек мажбуриятни таъминлаш сифатида ишлатилган номоддий активлар мавжудлиги ва суммаси;

50.4. Номоддий активларни харид қилишга ажратилган маблағлар суммаси.

51. Кейинги ахборот, номоддий активлар моддаларининг қайта баҳоланган ушбу қийматларини акс эттиришда ёритилиши керак:

- 51.1. Активларнинг бозор қийматини белгилашдаги асос;
- 51.2. Қайта баҳолашнинг ҳақиқатий санаси;
- 51.3. Баҳолашнинг мустақил эксперт (баҳоловчи) томонидан амалга оширилиши ёки таҳлил қилиниши;
- 51.4. Номоддий активларнинг молиявий ҳисоботга киритиладиган ҳар бир гуруҳи бўйича - баланс қиймати, бунда барча активлар қийматининг стандарт тартиби фойдаланган ҳолда белгиланиши шарт;
- 51.5. Қайта баҳолашнинг давр ичида узгаришларини акс эттирувчи заҳираси ва қолдик, суммани акциядорлар уртасида тақсимлаш бўйича ҳар қандай чеклашлар;
- 51.6. Номоддий активларнинг ҳар бир гуруҳи учун, сабаблари билан бирга уларнинг жорий бозор қийматини аниқ, белгилаш мумкин бўлмаган активларнинг баланс қиймати;
- 51.7. Номоддий активларнинг ҳар бир гуруҳи учун, агар барча активлар қиймати стандарт тартибидан фойдаланиб акс эттирилган шароитда амортизация суммаси.
52. Рухсат берилган муқобиллик тартибига мувофиқ; ҳисобланган қиймат бўйича акс эттириладиган номоддий активлар гуруҳлари стандарт тартибига мувофиқ, ҳисобланган қиймат бўйича курсатиладиган активлар гуруҳларидан алоҳида акс эттирилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия хисобининг миллий стандарти № 8
ЖАМЛАНГАН МОЛЯВИЙ ХИСОБОТЛАР ВА ШУЪБА ХУЖАЛИК
ЮРИТУВЧИ ЖАМИЯТЛАРИДА САРМОЯЛАРНИ ХИСОБГА ОЛИШ

(Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1998 йил 28 декабрда 580-сон
билан рўйхатга олинган)

Умумий қоидалар

1. Ушбу Бухгалтерия Хисобининг Миллий Стандарти (БХМС) Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия хисоби тугрисида» ги Қонунига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия хисобини меъёрий жиҳатдан тартибга солиш тизимининг элементи ҳисобланади.

Мақсади ва амал қилиш соҳаси

2. Ушбу БХМСнинг мақсади, ҳужалик юритувчи бош жамият (бундан бўён «Бош жамият» деб юритилади) назорати остидаги ҳужалик юритувчи жамиятлар гуруҳининг жамланган молявий хисоботини тузиш ва тақдим этиш тартибини белгилаб беришдан иборат.

Ушбу стандартда шуъба ҳужалик юритувчи жамиятларига қилинган инвестицияларни бош жамиятнинг алоҳида молявий хисоботида ҳисобга олиш тартиби ҳам қуриб чиқилади.

3. Бу стандарт қуйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

3.1. Қўшма фаолиятдаги инвестицияларни ҳисобга олишда («Қўшма фаолиятдаги иштирок улушини молявий хисоботда акс эттириш» бухгалтерия хисоби миллий стандартига қараганда);

3.2. Уюшган қорхоналарга инвестицияларни ҳисобга олишда.

Ушбу стандартнинг талаблари вазирликлар, идоралар ва бюджет ташкилотларининг қўшма молявий хисоботига нисбатан ҳам қўлланилмайди.

Тушунчалар (атамалар)

4. Бу стандартда қўйдаланилган атамалар:

Назорат (бу стандартга нисбатан қўлланилганда) - ҳужалик юритувчи субъектларнинг молявий ва ҳужалик сиёсатини, унинг фаолиятдан фойда олиш мақсадида белгилаш ҳуқуқи.

Шуъба ҳужалик жамияти (бундан бўён «шуъба жамият» деб юритилади) - бош жамият томонидан назорат қилинадиган ҳужалик юритувчи субъект.

Бош жамият бир ёки бир неча кичик жамиятларга эга бўлган ҳужалик юритувчи субъектдир.

Гуру* - бош ҷамият ва унга қарашли барча шуъба ҷамиятлар. Ҷамланган молиявий ҳисоботлар - ҳисобот санасидаги молиявий аҳволни ва ҳужалик юритувчи ҷамиятлар гуруҳининг ҳисобот даври учун молиявий натижаларни акс эттирувчи курсаткичлар тизими.

Алоҳида молиявий ҳисоботлар - гуруҳ ҳар бир аъзосининг ҷамлаш лозим бўлган ҳисоботи.

Камчилик улуши - бу шуъба ҷамият ҳужалик фаолиятининг соф даромадлари (зарарлари) ҳамда соф активларининг бош ҷамиятнинг бевосита ёки билвосита шуъба ҷамиятлардаги иштироки улушига тугри келмайдиган қисмидир.

Ҷамланган молиявий ҳисоботларни тақдим этиш

5. Бош ҷамият ҷамланган молиявий ҳисоботларни тақдим этиши лозим (6 - бандда тавсифланган бош ҷамиятлар бундан мустаснодир).

6. Бошқ,а бир ҷамиятнинг шуъба корхонаси бўлган ёки бошқ,а ҷамият таъсир доирасида бўлган бош ҷамият, агар узининг бош ҷамияти талаб қилмаса ва бунинг учун камчилик улуши эгаларининг розилиги бўлса, ҷамланган ҳисобот тақдим этмаслиги мумкин.

Бундай бош ҷамият узининг алоҳида молиявий ҳисоботларида куйидагиларни очиб бериши лозим:

а) ҷамланган молиявий ҳисобот тақдим этилмагани сабабини;

б) шуъба ҷамиятга инвестицияларни бухгалтерияда ҳисобга олишда фойдаланилаётган усулни;

в) ҷамланган молиявий ҳисобот тақдим этадиган узининг бош ҷамияти номи ва унинг руйхатга олинган манзиллини.

Бош ҷамият, узида фактгина қарам ҷамиятлар мавжуд бўлган тақдирда, ҷамланган ҳисоботни тузмайди.

Бундай ҳолларнинг ҳар бири бухгалтерия балансига ва бош ҷамият натижалари тугрисидаги ҳисоботга изоҳдарда очиб берилиши керак.

Ҷамлаш амал келадиган соҳа

7. Ҷамланган молиявий ҳисобот тузадиган бош ҷамият, узининг барча шуъба ҷамиятларни (хорижий ва маҳаллий) бирлаштириши лозим, куйидаги ҳоллар бундан мустаснодир:

7.1. Шуъба корхона фак,ат яқ,ин келажакда сотиб юбориш мақ,садида харид қ,илинган ва уни назорат қ,илиш вақ,тинча бўлган Ҳолларда;

7.2. Шуъба ҷамият, бош ҷамият томонидан белгилаб куйилган узок, муддатга мулжалланган алоҳида шароитда фаолият курсатган ва бу шароит унинг маблагни бош ҷамиятга утказиш қ,обилиятини анча камайтирган ҳолларда.

Бундай шуъба жамиятлар, «Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш» бухгалтерия ҳисоби миллий стандартга мувофиқ; инвестициялар сифатида ҳисобга олиниши лозим.

Жамланган ҳисоботларни тузиш усули

8. Жамланган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш, жараёнида бош жамият ва унга қдрашли барча шуъба жамиятлар молиявий ҳисоботлари, активларнинг бир хил моддаларини, мажбуриятларни, уз маблаг, даромадлари ва харажатларини сатрма-сатр жамлаш йули билан бирлаштирилади.

Жамланган молиявий ҳисоботлар **йурух** тугрисида ягона жамият сифатида молиявий ахборотдан иборат бўлиши учун:

8.1. Қуйидагилар чиқариб ташланиши керак:

- ҳар бир шуъба жамиятга бош жамият инвестицияларининг баланс қиймати ва бош жамиятнинг ҳар бир шуъба жамиятнинг ҳусусий капиталидаги улуши;
- бош ва шуъба жамиятлар уртасида узаро ҳисоб-китоб қилиш ҳисоблари бўйича сальдо;
- даромадлар, харажатлар, дивидендлар бўйича гуруҳ ичидаги муомалалар, шунингдек шу муомалалар натижасида вужудга келадиган амалга ошмаган фойда ва зарарлар, қопланиши мумкин бўлмаган зарарлар бундан мустасно.

8.2. Шуъба жамиятининг соф даромадида бош жамиятга тегишли соф даромад миздорини аниқдаш чоғида, гуруҳнинг даромадини камайтирадиган камчилик иштирокининг улушини аниқдаш;

8.3. Шуъба жамият соф активларидаги камчилик улушини аниқдаш ва ҳисобот даври учун жамланган бухгалтерия балансида, бош жамиятнинг мажбуриятлари ва ҳусусий капиталини алоҳида қурсатиш:

- дастлаб харид қилинган пайтда ҳисобланган микдор;
- харид қилинган пайтдан бошлаб, ҳусусий капитали Харақатида камчилик улушининг салмоғи.

9. Шуъба жамиятларнинг бир ҳисобот даври учун шу ҳисобот вақтида тузилган молиявий ҳисоботлари ҳамда камчиликнинг улушлари бош жамиятнинг жамланган молиявий ҳисоботида бирлаштирилади.

Агар бирор шуъба жамиятнинг молиявий ҳисоботи (масалан, Ўзбекистондан ташқирда жойлашган шуъба жамиятнинг молиявий ҳисоботи) жамланган молиявий ҳисобот вақтида тузилган ҳисобот санасида тузилган бўлса, бундай шуъба жамияти Уша ҳисобот вақди учун оралик, молиявий ҳисобот тузади.

Шуъба жамият, оралик, молиявий ҳисобот тузиш имкониятига

эга булмаса, жамланган молиявий хисоботга шуъба жамиятнинг бошқ,а хисобот даври учун тузилган молиявий хисоботи маълумотлари, бу хисоботларни тузиш уртасида утган вақ,т уч ойдан ошмаган тақдирда, кушилади.

Турли хисобот даврида тузилган молиявий хисоботлар жамланаётганда, шу саналар уртасида юз берадиган муҳим муомалалар ёки бошқ,а воқ,еалар натижаси хисобланган узгаришлар киритилади.

10. Жамланган молиявий хисоботлар ухшаш муомалалар ва молиявий-хужалик фаолиятининг бошқ,а воқ,еалари учун ягона хисоб сиёсатидан фойдаланиш асосида тайёрланади.

Гуруҳ иштирокчиларидан бири ухшаш муомалалар буйича жамланган молиявий хисобот тузиш жараёнида қ,абул қ,илинган хисоб сиёсатидан фарқ, қ,иладиган хисоб сиёсатидан фойдаланган тақдирда, бу молиявий хисоботларга жамлаш жараёнида тегишли узгаришлар киритилади. Агар жамланган молиявий хисоботларни тайёрлаш жараёнида, ягона хисоб сиёсатидан фойдаланишнинг имконияти булмаса, бу факт жамланган молиявий хисоботнинг турли хисоб сиёсати кулланилган моддаси қ,исмида очиб берилиши керак.

11. Шуъба жамиятлар хужалик фаолиятининг натижалари, уни харид қ,илган вақ,ддан бошлаб жамланган молиявий хисоботга кушилади, харидор сотиб олган шуъба жамият устидан назорат қ,илишни уз кулига олган вақ,т харид қ,илинган вақ,т хисобланади, назорат қ,илиш топширилган вақ,т эса, шуъба жамият бош жамиятдан чиқ,дрилган вақ,т хисобланади. Шуъба жамият реализациясидан тушум билан унинг активлари баланс қ,иймати уртасидаги тафовут, сотиш вақ,тидаги мажбуриятлар чиқ,дриб ташланиб, молиявий натижаларнинг жамланган хисоботида шуъба жамият сотишдан олинган фойда ва зарар сифатида акс эттирилади.

12. Жамиятдаги куйилмалар шуъба жамият таърифига мос келмайдиган пайтдан бошлаб, 12-«Молиявий куйилмаларни хисобга олиш» БХМС мувофик, хисобга олиниши лозим.

13. Камчиликнинг улуши жамланган бухгалтерия балансида мажбуриятлар ва хусусий капитали ажратилган ҳолда алоҳида курсатилиши керак. Гуруҳлар даромадида камчилик улуши ҳам алоҳида курсатилиши лозим.

Шуъба хужалик юритувчи жамиятларига инвестицияларни бош жамиятнинг алоҳида молиявий хисоботида хисобга олиш

14. Бош жамиятнинг алоҳида (мустақ,л) молиявий хисоботларида, шуъба жамиятларга жамланган молиявий

хисоботларни тузиш вақтида ҳисобга олинган инвестициялар,
қуйидагилардан фойдаланиб ақс этирилади:

14.1. Ҳусусий капитални ҳисобга олиш усули (улуш иштироки
усули)

14.2. Бош жамиятнинг узок, муддатли инвестицияларни ҳисобга
олиш бўйича фойдаланиладиган усули (12-«Молиявий
инвестицияларни ҳисобга олиш» БХМСга қаранг).

15. Шуъба жамиятларга йуналтирилган, лекин жамланган ҳисоботга
киритилмаган инвестициялар «Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш»
бухгалтерия ҳисоби миллий стандартига мувофиқ, равишда, бош жамиятнинг
алоҳида молиявий ҳисоботида ҳисобга олиниши лозим.

Ёритиш

16. 6 ва 10 - бандларда талаб қилинган ахборотни ёритишга қушимча
равишда қуйидаги ахборотларни ҳам ёритиш лозим:

16.1. Ириқ шуъба жамиятлар руйхати, улар жойлашган ёки руйхатга
олинган мамлакатлар, уз мулки улуши ёки улар, мулк улушига эгалик қилмаса,
овоз бериш ҳуку қ, и га эга булган акциялар миқдори ҳам курсатилади;

16.2. Шуъба жамият ҳисоботи, жамланган ҳисоботга
киритилмаганлишнинг сабаблари;

16.3. Бош жамиятга шуъба жамият устидан бевосита ёки билвосита овозлар
миқдорининг ярмидан купрогига эга булмаган ҳолларда назорат қилишга имкон
берадиган узаро муносабатлар табиати;

16.4. Бевосита ёки шуъба жамиятлар орқали билвосита овозларнинг
ярмидан купрогига эгалик қилладиган, лекин назорат йукдиги сабабли, шуъба
жамият ҳисобланмайдиган жамиятларнинг номлари;

16.5. Жамиятни сотиб олиш (барпо этиш) ва сотиш (тугатиш)
натижаларининг ҳисобот йилидаги молиявий аҳволга, натижаларининг ҳисобот
давридаги аҳволга ва олдинги даврга тегишли миқдорга таъсири;

16.6. Шуъба жамиятга йуналтирилган инвестицияларни, бош жамият
алоҳида молиявий ҳисоботида ҳисобга олиш учун фойдаланилган усул.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти № 9

ПУЛ ОКИМЛАРИ ТУГРИСИДАГИ ШСОБОТ

(Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1998 йил 4 ноябрда 519-сон билан
руйхатга олинган)

Умумий шғидалар

1. Ушбу Бухгалтерия Ҳисобининг Мллий Сандарти (БҲМС) Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби туғрисида»ги Қруни асосида ишлаб чиқ,илган ва Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш тизимининг элементи ҳисобланади.

Стандартнинг мақ,сади

2. Пул ок,имлари туғрисидаги ҳисобот фойдаланувчиларга ҳужалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатидаги узғаришни, уларни ҳисобот даврида пул маблагларининг тушуми ва чиқ,имитугрисидаги ахборотлар билан таъминлаган ҳолда баҳолаш имконини беради.

Ушбу стандартнинг мақ,сади булиб, ҳужалик юритувчи субъектнинг пул маблаглари ва унинг эквивалентларидаги узғаришлар буйича ахборотларни, пул окимлари туғрисидаги Ҳисобот қуринишида ги, ҳисобот даври мобойнида муомила инвестиция ва молиявий фаолиятда руй берадиган, пул маблаглари ҳаракатини тасниф қиладиган ахборотларни мажбурий тақдим қ,илишни белгилаш ҳисобланади.

Амал қ^лиш соҳаси

3. Ҳужалик юритувчи субъект ушбу стандарт талабларига мувофиқ; равишда, пул ок,имлари туғрисида ҳисобот тайёрлайди ва уни ҳар бир ҳисобот даври учун тузиладиган молиявий ҳисоботнинг таркибий қ,исми сифатида тақдим этади.

Пул ок,имлари туғрисидаги ахборотларнинг фойдалилиги

4. Бошқ,а молиявий ҳисоботлар билан бирга фойдаланиш чоғида пул окимлари туғрисидаги ҳ;исобот ахборотлари молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун ҳужалик юритувчи субъектнинг пул маблаглари ва уларнинг эквивалентларини жалб этиш қ,обилиятини баҳолашга база булиб хизмат қ,илиши билан фойдалидир. Пул окимлари туғрисидаги ҳисобот, пул тушумлари ва туовларини учта асосий тоифага булади: муомала фаолияти, инвестиция фаолияти ва молиявий фаолият.Ҳар уч тоифанинг пул маблагига биргалиқда таъсири, ҳисобот даврида пул маблагининг соф узғаришини белгилаб беради.

Пул оқимлари ҳаракати туғрисидаги ахборотлар келажакда қўйилган пул оқимларини текширишда, фойдалилик ва пул оқимларининг соф ҳаракати ва баҳолар ўзгаришининг таъсири ўртасидаги алоқалар таҳлилида зарур ҳисобланади.

Тушунчадар (атамалар)

5. Ушбу стандартда фойдаланилган атамалар:

Пул маблағлари - кассадаги нақд пул ва талаб қилиб олинган депозитлар, шунингдек банкнинг ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа ҳисобларидаги маблағлар.

Пул эквивалентлари - бу маълум пул суммаларига тез ва асон алмаштириладиган, ҳамда қийматидаги ўзгаришлар туфайли биров хатари бўлган қисқа муддатли, юқори ликвидли инвестициялар (молиявий қўйилмалар).

Пул оқимлари - бу пул маблағлари ва уни эквивалентларининг кiritими (тушуми) ва чиқими (ҳаражат, чиқиб ўтиши).

Пул оқимлари туғрисидаги ҳисобот - ҳисобот даврида, пул маблағлари оқимини батафсил тавсифловчи курсаткичлар жамланмаси.

Муомала фаолияти — бу ҳужалик юритувчи субъектнинг даромад келтирувчи асосий фаолияти, шунингдек субъектнинг инвестиция ва молиявий фаолиятига тегишли бўлмаган, бошқа ҳужалик фаолияти.

Инвестиция фаолияти -бу пул эквивалентларига қiritилмаган ўзқ, муддатли активлар ва бошқа инвестиция объектларини сотиб олиш ва сотиш.

Молиявий фаолият — бу ҳужалик юритувчи субъектнинг фаолияти натижасида хусусий капитал ва қарз маблағлари миқдорлари ва таркибида ўзгариш қилиш мумкин бўлган фаолият.

Пул маблағлари ва пул эквивалентлари

6. Пул маблағларининг эквивалентлари асосан қисқа муддатли мажбуриятлар бўйича туловлар учун қўйиланилади. **Эквивалентлар инвестициялар** ёки бошқа **мақсадлар** учун қўйиланилмайди. Инвестицияларни пул эквивалентлари деб Ҳисоблаш учун, улар нақд пулга эркин алмаштирилиши ва қийматининг ўзгариши ўнча катта бўлмаган таваккалчилик билан боғлиқ, бўлиши лозим. Инвестиция қисқа муддатида туланидиган бўлса, уни пул эквиваленти деб ҳисоблаш мумкин бўлади.

7. Банк қарзлари молиявий фаолиятга тааллуқдидир, лекин талаб Қилинган пайтда туланидиган банк овердрафтлари, қорхоналар пул маблағини бошқаришнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу муносабат билан банк овердрафтлари, пул маблағининг таркибий Қисми ёки уларнинг эквиваленти ҳисобланади.

8. Пул окимлари узига пул маблаглари ва пул эквивалетлари моддалари уртасида дара катни кушмайди, чунки улар хужалик юритувчи субъектнинг пул маблагларини бошқаришга тегишли булиб, унинг муомала, инвестиция ёки молиявий фаолиятига тегишли эмас. Пул маблагларини бошқариш, пул маблагларининг ортик, ча кисмини пул эквивалетларига куйилма килишни уз ичига олади.

Пул окимлари тугрисидаги хисоботни такдим этиш

9. Пул окимлари тугрисидаги хисоботда, хисобот даври давомида муомала инвестиция ёки молиявий фаолият натижасида, хужалик юритувчи субъект олган пул окимлари тугрисидаги маълумотларни такдим этиш лозим булади.

Муомала фаолияти

10. Хужалик юритувчи субъектнинг, муомала фаолияти натижасида юзага келадиган пул окимлари хажми, хужалик юритувчи субъектнинг муомала фаолияти натижасида пул окимларини ҳаракатга келтириш, ташки молиялаштириш манбаларига мурожат килмасдан, қарзларни тулаш учун, ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш учун, дивидендлар тулови учун ва янги инвестициялар учун қандай даражада етарли бўлганини ақс эттирувчи асосий курсаткич ҳисобланади. Муомала фаолиятидан келадиган олдинги пул маблагларининг алоҳида таркибий Қисмлари тугрисидаги ахборот, муомала фаолиятидан келажакда қўтилаётган пул окимлари учун бошқа турдаги ахборотлар билан биргаликда фойдаланиш мумкин.

11. Муомала фаолиятидан пул окимлари хужалик юритувчи субъектнинг асосий фаолиятидан келиб чиқади. Одатда, хужалик юритувчи субъектнинг асосий фаолияти маҳсулот Сотишга, ишларни бажаришга ёки хизмат курсатишга йўналтирилган. Муомала фаолиятидан келадиган асосий пул окимларига

Қуйидагилар қиради:

11.1. Товарларни сотиш ва хизмат курсатишдан тушган пул;

11.2. Роялти, бадаллар, воситачилик ҳақи ва ҳоказолар бўйича пул тушумлари;

11.3. Товарлар ва хизматлар учун уларни етказиб берувчиларга пул туловлари;

11.4. Ходимларга ва ходимлар номидан туловлар;

11.5. Сугурта компаниясининг сугурта полислари бўйича мукофотлари, талаблари, йиллик ва бошқа туловлари бўйича пул тушумлари ва туловлари;

11.6. Солиқдар бўйича пул туловлари ёки унинг урнинв босувчи туловлар, агар улар инвестиция ва молия фаолиятига

тааллукди булмаса;

11.7. Савдо ёки дилерлик максадларида тузилган битимлар буйича пул тушумлари ва туловлари;

11.8. Бошкалар.

Асосий воситалар бирликларини сотиш каби айрим муомалалар буйича, соф фойда ёки зарар тушунчасига кушиладиган фойда ёки зарар юзага келиши мумкин. Бирок, бундай савдо буйича пул оқимлари инвестиция фаолиятдан пул оқимларига тегйшлидир.

12. Корхона воситачилик ёки савдо максадлари учун кимматли коғозлар ёки қарзларга эга бўлиши мумкин, бундай ҳолатларда улар қайта сотиш учун олинган товар-моддий захиралар билан ухшашдир.

Инвестиция фаолияти

13. Хужалик юритувчи субъект инвестиция фаолиятдан пул оқимлари тугрисидаги ахборотларни алоҳида ёритади. Инвестиция фаолиятдан пул оқимлари тугрисидаги ахборот келажакда даромад ва пул маблағлар шаклландиган ресурслар буйича килинган харажатлар даражасини англатади. Инвестиция фаолиятдан олинган асосий пул оқимларига қуйидагилар киради:

13.1. Асосий воситалар, номоддий ва бошқа узок муддатли активларни сотиб олишга пул туловлари тажриба - конструкторлик ишлари, шунингдек хужалик усулида қурилиш олиб бориш билан боғлиқ капиталлашган харажатларни уз ичига олади.

13.2. Асосий воситалар, номоддий ва бошқа узок муддатли активларни сотишдан пул тушумлари;

13.3. Бошқа субъектларнинг акциялари ёки қарз мажбуриятларини ҳамда қўшма корхоналарда иштирок этиш ҳуқуқини сотиб олишга дойр пул туловлари, пул эквивалентлари **Хисобланган** ёки дилерлик максадларига ёхуд **савдо** максадларига **сакдаб** қуйилган тулов ҳужжатлари буйича туловлар (векселлар каби ҳужжатлар буйича туловлар)дан ташқари;

13.4. Бошқа субъектларнинг акциялари ва қарз мажбуриятларини ҳамда қўшма корхоналарда иштирок этиш ҳуқуқини сотишдан келган пул тушумлари, пул эквиваленти **Хисобланган** ёки дилерлик ёхуд савдо максадлари учун сакданаётган вексел каби тулов ҳужжатлари буйича тушумлар бунга кирмайди;

13.5. Бонца тарафларга берилган бунақлар ва кредитлар (молиявий муассасалари берилган бунақлар ва кередитлардан ташқари);

13.6. Бошқа тарафларга берилган бунақлар ва ссудалар Қайтарилишидан пул тушумлари (молиявий муассасаларга

берилган бунақлар ва кредитлардан ташқари);

13.7. Фьючерс, форвард, опцион ва своп битимлар буйича туловлар, улар дилер ёки савдо максадлари учун мулжалланган ҳолатлар бундан мустасно бўлади ёки туловлар молиявий фаолият сифатида тасниф этилади;

13.8. Фьючерс, форвард, опцион ва своп-битимлар буйича пул тушумлари (уларнинг дилерлик ёки савдо максадлари учун мулжалланганлиги ёки туловлар молиявий фаолият деб тасниф қилинадиган ҳолатлар бундан мустасно);

13.9. Ва бошқалар.

Шартноманинг маълум позицияларини сугурталаш сифатида ҳисобга олинган ҳолатларда, шартнома буйича пул оқимлари, сугурта қилинган позициядан пул оқимлари қайси фаолият турига тегишли бўлса, шу фаолият турига тегишли бўлади.

Молиявий фаолият

14. Хужалик юритувчи субъект, молиявий фаолият натижаларининг пул оқимлари тугрисидаги ахборотларни алоҳида ёритади. Бу ахборот, молиявий фаолиятдан бўлажак пул оқимларини тахмин қилиш учун зарур бўлади. Молиявий фаолиятдан келадиган асосий пул оқимларига қуйидагилар киради:

14.1. Акциялар ёки хусусий капитал билан боғлиқ, бошқа молиявий дастакларни чиқаришдан келадиган пул тушумлари;

14.2. Субъектлар акцияларининг ҳақини тулаш ёки сотиб олиш учун уларнинг эгаларига туловлар;

14.3. Таъминланмаган облигациялар эмиссиясидан, молия корхоналари томонидан берилган қарзлардан, гаровга қуйилган ва бошқа қисқа хамда узок муддатли қарзлардан пул тушумлари;

14.4. Қарзларни тулаш;

14.5. Молиявий лизинг буйича мажбуриятларни қисқартириш учун ижарачиларнинг туловлари;

14.6. Ва бошқалар.

Муомала фаолияти буйича пул оқимларининг ҳаракати ҳисоботи

15. Муомала фаолиятидан пул маблаглари ҳаракатини, хужалик юритувчи субъект қуйидагилардан фойдаланган ҳолда ёритади:

15.1. Ялпи пул тушумлари ва ялпи пул туловлари асосий турлари очиб бериладиган бевосита усул;

15.2. Билвосита услуб буйича соф даромад ёки зарар, жорий активларнинг ва мажбуриятларининг, пулсиз муомалаларнинг, шунингдек муомала, инвестиция ёки молиявий фаолият натижаси бўлган даромадлар ва зарарларнинг узгаришига тузатиш қилинади.

Инвестиция ва молиявий фаолият буйича пул оқимларининг ҳаракати ҳисоботи

16. Хужалик юритувчи субъект, инвестиция ва молиявий фаолиятдан ялпи пул тушумлари ва ялпи пул туловларини ҳисоботда алоҳида-алоҳида акс эттириши керак, нетто асосида** ҳисобга олинадиган ва куйидаги икки параграфда баён қилинадиган пул оқимлари бундан мустаснодир.

17. Мижозлар номидан пул оқимлари, нетто асосида очиб берилади, бунда пул оқимларининг ҳаракати юридик шахснинг фаолиятига нисбатан, мижоз фаолиятини купрок, акс эттиради, масалан:

17.1. Инвестиция ташкилоти уз мижозларининг топширишга биноан ушлаб турадиган жамгарма (фонд)лар;

17.2. Мулк эгаси номидан ундириладиган ва унга бериладиган ижара туловлари.

18. Нетто асосда шунингдек, тез айланадиган, йирик суммаларнинг уз ичига олган ва қисқа тулов муддатлари булган моддаларга эга пул оқимлари ёритилиши ҳам мумкин, мисол учун:

18.1. Белгиланган тулов санаси аниқ булган депозитларни олиш ва тулаш буйича пул тушумлари ва туловлари;

18.2. Депозитларни жойлаштириш ва уларни бошқа молиявий муассасалардан олиш;

18.3. Пул аванслари ва кредитлари, мижозларга шу аванслар ва кредитларни тулаш учун берилган.

Хорижий валютадаги пул оқимлари

19. Хорижий валютадаги муомалалардан пул оқимлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан муомала амалга оширилган кун учун белгилаб куйилган алмаштириш қийматидан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси валютасида акс эттирилади.

20. Чет эл шубҳа жамиятларнинг пул оқимлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг пул оқимининг келиб чиқиш санасига булган алмаштириш курси буйича қайта ҳисоблаши лозим.

21. Чет эл валютаси курс ставкасининг узгаришидан келиб чиқадиган амалга ошмаган даромад ва зарар, пул маблағларининг Ҳаракати ҳисобланмайди. Бирок,, алмаштириш курси ставкасидаги узгаришларнинг, сақланаётган ёки чет эл валютасида туланиши керак булган пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларига

****) Нетто-асос - соф оқим ёки ҳисобот даврида пул маблатанинг камайиши.**

таъсири, пул маблаглари ва уларнинг эквивалентлари ҳаракатининг ҳисобот даври бошига ва охирига мослигини таъминлаш учун, пул оқ,имлари тугрисидаги ҳисоботда акс эттирилади. Бу миқдор муомала, инвестиция ва молиявий фаолият натижасида юзага келадиган пул оқ,имларидан алоҳида тақдим қилинади ва агар фарк, булса, пул маблагларини бу ҳаракати ҳисобот даври охирига мавжуд бўлган алмаштириш курси бўйича акс эттирилиши шarti билан, мавжуд фарк; (тафовут) кушилади.

Фавкулудда моддалар

22. Фавкулудда моддалар билан боғлиқ, пул оқ,имлари, уларнинг манбасига қараб таснифланиши лозим: муомала, инвестиция ёки молиявий фаолиятдан ва улар алоҳида ёритилади.

Фоизлар ва дивидендлар

23. Фоизлар ва дивидендларни олиш ва тулаш билан боғлиқ, пул оқ,имларини алоҳида ёритиш талаб қилинади, бир ҳисобот давридан иккинчи ҳисобот даврига мунтазам равишда муомала, инвестиция ёки молиявий фаолиятдан пул оқ,имлари деб таснифланиши керак.

24. Банк муассасалари учун туланган ва олинган фоизлар, дивидендлар одатда, муомала фаолияти билан боғлиқ, пул оқ,имлари деб тасниф қилинади. Бойища ҳужалик юритувчи субъектлар учун туланган ва олинган фоизлар ва дивидендлар, улар соф даромад ёки зарар тушунчасига кушилганлиги сабабли, муомала фаолиятидан пул оқ,имлари тасниф қилиниши мумкин.

25. Туланган дивидендлар, молиявий фаолият билан боғлиқ, пул оқ,ими сифатида тасниф юзлиниши мумкин, чунки улар молиявий ресурсларни олиш учун туланган ҳа*; ҳисобланади.

Даромад (фойда)дан туланадиган солиқдар

26. Даромад (фойда) солиғи бўйича пул оқ,имлари, алоҳида ёритилиши лозим ва улар муомала фаолияти билан боғлиқ, пул оқ,имлари қаторига киради.

27. Уюшган ёки шубба корхоналарга қилинган инвестициялар хусусий капитал ёки таннарх усулидан фойдаланиб ҳисобга олинadиган булса, инвестор пул оқ,имлари тугрисидаги ҳисоботда, узи билан инвестиция олувчи уртасидаги пул оқ,ими билан чекланади масалан, дивидендлар ва бунақлар бериш билан.

Шубба корхоналарини ва бошқ,а ҳужалик бирликларини олиш ва сотиш

28. Шубба корхоналарини ва бошқ,а ҳужалик бирликларини сотиб олишдан ва сотишдан биргаликдаги пул оқ,имлари алоҳида ёритилади ва инвестиция фаолият деб тасниф қилинади.

29. Хужалик юритувчи субъект куйида келтирилган шуъба корхоналарни ва бошка хужалик бирликларини сотиб олиш буйича Хам, сотиш буйича хам хар бир бандларни биргаликда ёритиши лозим:

29.1. Сотиб олиш ва сотишнинг умумий кийматини;

29.2. Пул маблаглари ва пул эквивалентлари воситасида туланган, сотиб олишнинг ёки сотишнинг бир кисмини;

29.3. Сотиб олинган ёки сотилган шуъба жамиятига ёки хужалик бирлигига тегишли булган пул маблагларнинг ва пул эквивалентларининг суммасини;

29.4. Сотиб олинган ёки сотилган шуъба корхоналаридаги ёхуд активлар ва мажбуриятлар турлари буйича пул маблаглари ва пул эквивалентларидан ташкари активлар ва мажбуриятлар суммасини.

Пулга дахли булмаган муомалалар

30. Пул маблаглари ёки пул эквивалентларидан фойдаланишни талаб қилмайдиган инвестицион ва молиявий муомалалар пул оқимлари тугрисидаги хисоботга киритилмаслиги керак. Бундай муомалалар бошка молиявий хисоботларда шундай ёритилиши керакки, *бунда* бу хилдаги инвестиция ва молиявий фаолият турлари ҳақидаги ҳамма эътиборга молик маълумот тақдим қилиниши керак.

Пул маблагларининг ва улар эквивалентларининг алоҳида моддалари

31. Хужалик юритувчи субъект, пул маблаглари ва пул эквивалентларининг алоҳида моддаларини курсатишлари ва пул оқимлари тугрисидаги хисоботда, бухгалтерия балансидаги тегишли моддалар билан суммаларини солиштиришни тақдим қилишлари лозим.

Бошка маълумотларни ёритиш

32. Хужалик юритувчи субъект, корхонада мавжуд булган, лекин гуруҳ фойдалана олмайдиган, эътиборга молик пул маблаглари ва пул эквивалентларининг қолдик, суммаларини раҳбарият (маъмурият) томонидан тушунтириш бериш йули билан ёритиши лозим.

33. Пул оқимлари, жами хужалик юритувчи субъект ва унинг таркибий қисмлари пул оқимлари уртасидаги алокани тушуниш учун, таркибий қисмлари буйича ёритилиши лозим.

34. Жами бир хужалик фаолиятидаги ва унинг алоҳида компонентларидаги пул оқимларининг ҳаракатлари уртасидаги алокани урнатиш учун пул оқимларининг таркибий қисмлар буйича ҳаракатларини ёритиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти №10
ДАВЛАТ СУБСИДИЯЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА ДАВЛАТ
ЁРДАМИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

(Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1998 йил 3 декабрда 562 -сон
билан рўйхатга олинган)

Умумий қоидалар

1. Ушбу Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандарти (БХМС) Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тугрисида»ги Қонуни асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш тизимининг элементдир.

Стандартнинг мақсади

2. Ушбу стандартнинг мақсади бўлиб ҳужалик юритувчи субъект томонидан олинган давлат субсидиялари ёки бошқа турдаги давлат ёрдамларининг бухгалтерия ҳисоби тамойиллари ва молиявий ҳисоботда акс эттиришни белгилаш ҳисобланади.

Амал қилиш соҳаси

3. Ушбу стандарт ҳужалик юритувчи субъектлар томонидан давлат субсидиялари ва давлатнинг бошқа турдаги ёрдамларини ҳисобда ёритиш мақсадида қўлланилади.

4. Бу стандарт қуйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

4.1. Давлат субсидияларини молиявий ҳисоботларда акс эттиришда юз берадиган узгарувчан баҳолар ёки шу турдаги Қўшимча маълумотлар таъсирига ухшаш узига ҳос муомалаларга нисбатан;

4.2. Солиққа тортиладиган даромадни аниқлашда, даромад солиғи бўйича мажбуриятлар асосида белгиланган ёки чекланган фойда ва енгилликлар тарзда корхонага тақдим этиладиган давлат ёрдамига (солиқдан вақтинчалик озод қилиш, солиқ кредити ва даромад (фойда) солиғи ставкасини камайтириш сингари) нисбатан;

4.3. Ҳужалик юритувчи субъектнинг мулкида давлатнинг улушига нисбатан.

Тушунчалар (атамалар)

5. Ушбу стандартда фойдаланиладиган атамалар:

Давлат субсидиялари - ҳужалик юритувчи субъектнинг муомала фаолиятига тааллуқли муайян шароитларда, ҳужалик юритувчи субъектга, ресурсларни бериш тарзида ҳукумат томонидан бериладиган ёрдам.

Давлат ёрдами - бу давлат томонидан битта ёки бир катор хужалик юритувчи субъектларга, маълум мезонларни каноатлантирувчи, иктисодий имтиёзларни тақдим қилиш бўйича амалга оширилган тадбир.

Ушбу стандарт мақсадлари учун давлат ёрдами фақат бевосита, ривожланиб бораётган секторларда инфратузилмаларни вужудга келтириш ёки рақобатчиларга савдо чеклашларини жорий этиш сингари, умумий савдо шартларига таъсир этувчи хатти-ҳаракатлар воситасида бериладиган имтиёзларни уз ичига олмайди.

Активлар сифатида ҳисобга олинadиган субсидиялар - бу узок, муддатли активларни муайян қурилиш лойцалари учун сотиб олиш ёки қуриш мақсадида, хужалик субъектларига ажратилadиган давлат субсидияларидир, ишга тушириш ёки харид қилиш муддатлари, ушбу активларнинг муайян жойлашиши.

Даромад сифатида ҳисобга олинadиган субсидиялар - бу активлар сифатида ҳисобга олинadиганларидан таищари, давлатнинг ҳар кандай бошка субсидиялари. Қайтармаслик асосидаги қарзлар - бу кредитор қайтаришни талаб қилмаган ҳолда, муайян шартларга риоя қилиб бериладиган қарзлар.

6. Хужалик юритувчи субъектнинг давлат ёрдами олиши молиявий ҳисоботни тайёрлашда иккита сабабга қура аҳамиятли (муҳим) ҳисобланади:

6.1. Агар ресурслар утказилган (олинган) бўлса, уларни бухгалтерия ҳисобида туғри акс эттириш керак;

6.2. Хужалик юритувчи субъект учун бундай ёрдам олишнинг аҳамиятини жорий ҳисобот даврида қурсатиш мақсадга мувофиқ-

Бу, хужалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботларини утган даврлар ҳисоботлари ва бошка субъект ҳисоботлари билан солиштириш имконини беради.

Давлат субсидиялари бухгалтерия ҳисобида юритиш услубияти

7. Давлат субсидияси қорхонанинг белгиланган талабларга мос қелиш ва субсидия олинишига етарли имкон бўлмагунча тан олинмайди. Субсидияларнинг олиниши, субсидияни берилиши билан боғлиқ шартларнинг бажарилганлигини ёки энди бажарилишини аниқлатмайди.

8. Субсидиянинг кандай шаклда олиниши, унинг ҳисоботда акс эттирилиши услубиётига таъсир қилмайди. Субсидия нақд пул шаклида ёки далаат олдидаги мажбурятларнинг қамайтирилиши қурилишида олинишидан қатъий назар ҳисобга олинади.

9. Қайтармаслик асосида, муайян шартлар билан берилаётган давлат қарзига, хужалик субъекти ана шу шартларни бажаришига етарлича қаролат мавжуд бўлган тақдирда, давлат субсидияси деб

каралади.

10. Давлат субсидиялари, у билан боглик, харажатларини, у билан қопланадиган жорий муомалаларни қоплаш учун зарур даврлар мабойнида системали асосда даромад сифатида тан олинмоғи лозим.

11. Даромад (фойда) солиш ва бошқа содиклар фойдадан келиб чикиб ҳисобланишини назарда тутиб, молиявий-бюджет сиёсатининг давоми сифатида давлат субсидияларини молиявий натижалар тугрисидаги ҳисоботда (БХМС «Молиявий натижалар тугрисидаги ҳисобот»га қаралсин) қуриб чиқиш зарур.

12. Давлат субсидияларини мақсадли маблағлар сифатида тан олиниши ҳисоблаш усулига қура амалга оширилади.

Давлат субсидиялари молиявий натижалар тугрисидаги Ҳисоботларда улар билан боглик чиқимлар (харажатлар) билан нисбатини белгилаш учун зарур бўлган ҳисобот даврлари мабойнида даромадлар деб эътироф этилади.

13. Амортизация қилинадиган активлар билан боглик субсидиялар, одатда, ана шу активлар бўйича амортизация ҳисобланадиган ҳисобот даврлари мабойнида ва нисбатларда, даромад деб ҳисобланади.

Муайян шартлар ва мажбуриятлар билан берилган, амортизация қилинмайдиган активлар билан боглик субсидиялар, мазкур мажбуриятларни бажариш билан боглик харажатлар амалга ошириладиган даврлар мабойнида даромад деб эътироф этилади.

14. Қилинган харажатлар ёки қурилган зарарларни қоплаш (компенсация) сифатида олиниши лозим бўлган ёки хужалик субъектига, келгусида у билан ҳеч қандай харажатларга бормаган ҳолда, дархол молиявий ёрдам қурсатиш мақсадида ажратиладиган давлат **субсидияси**, у олиниши керак бўлган даврда даромад сифатида, шунингдек фавқулодда ҳолатда (БҲД4С «Молиявий натижалар тугрисидаги ҳисобот»га қаралсин) сифатида эътироф этилади.

15. Давлат субсидияси, хужалик субъект томонидан аввалги даврда қилинган харажатлар ёки қурилган зарарларни қоплаш (компенсация) сифатида олиниши мумкин. Бундай субсидия, у олиниши керак бўлган даврнинг даромади сифатида тан олинади. Шунингдек субсидиянинг таъсирини ёритиши билан шу даврнинг фавқулодда ҳолатида сифатида қабул қилинади.

Ноликвид (тез сотилмайдиган) давлат субсидиялари

16. Давлат субсидияси, хужалик субъект томонидан фойдаланиладиган ноликвид актив шаклини олиши мумкин.

Мазкур ҳолатларда, одатда, ноликвид активнинг амалдаги қиймати белгиланади, актив ҳам, субсидия ҳам ана шу амалдаги қиймат бўйича ҳисобга олинади.

Активларга тегишли субсидиялар ҳисоби

17. Активларга тегишли, шу жумладан ноликвид субсидиялар қуринишидаги тегишли давлат субсидиялари, активнинг фойдали хизмат муддати мобайнида маълум тизим асосида даромад деб тан олинadиган, мақсадли тушумлар сифатида акс эттирилади.

Бошқа усулларга қара, давлат субсидияси, тушган активнинг баланс қийматини камайтиради ва ҳисобланадиган эскиришини камайтириш йули билан амортизация қилинадиган активнинг, фойдали хизмат қилиши муддати давомида, молиявий натижалар тугрисидаги ҳисоботларда акс эттирилади.

Даромадларга тегишли субсидиялар ҳисоби

18. Молиявий натижалар тугрисидаги ҳисоботларда, даромад сифатида ҳисобга олинadиган субсидиялар қуйидаги тарзда акс эттирилади:

18.1. «Бошқа даромадлар» моддаси бўйича;

18.2. Улар билан боғлиқ харажатларни акс эттиришда чегириб ташланади.

19. Даромад сифатида ҳисобга олинadиган субсидияларни ҳисоби учун иккала усул ҳам мақул ҳисобланади. Субсидияларни ёритиш молиявий ҳисоботларни тугри тушуниш учун зарурдир. Субсидиянинг ҳар қандай даромад ёки харажат моддаларига таъсирини алоҳида ёритиш уринли ҳисобланади.

Давлат субсидияларини қайтариш

20. Хужалик субъекти, муайян шартларни бажармаган тақдирда, давлат субсидияларини қайтариб бериши керак. Бундай Ҳолатда субсидияларнинг қайтарилиши билан аввалги ҳисобот даврига тузатиш киритилмайди, балки бухгалтерия сметаларидаги Ҳисоб-китоб маълумотлари қайта қуриб чиқилади. Даромадга киритиладиган субсидияларни қайтариш қуйидагича амалга оширилади:

20.1. Баланс пассивида акс эттирилган субсидиялар қолдиқлари Ҳисоби га;

20.2. Агар қайтарилаётган субсидия қолдиқдан ошиб кетса, у Ҳолда ошган сумма харажат сифатида эътироф этилади;

20.3. Активлар сифасига киритилган субсидиялар, мақсадли тушумлар ҳисобларидаги қолдиқни қайтарилаётган сумма Микдорида, камайтириш йули билан ёки активнинг баланс Қийматини, қайтарилаётган сумма микдорида ҳисобланиши мумкин бўлган амортизациянинг «Фойда ва зарарлар» ҳисобига

киритиш оркали акс эттирилади.

Ёритилиши

21. Куйидаги масалалар ёритилиши керак:

21.1. Давлат субсидияларига кулланилаётган ҳисоб сиёсати, шу жумладан молиявий ҳисоботларда қабул қилинган маълумотларни тақдим қилиш услублари;

21.2. Молиявий ҳисоботларда эътироф этилган давлат субсидияларининг моҳияти ва миқдори ҳамда ҳужалик субъекти бевосита фойда олган давлат ёрдамининг бошқа шакллари курсатиш;

21.3. Тан олинган давлат ёрдамини курсатиш жараёнида шартларнинг бажарилмаслиги ва бошқа кузда тутилмаган мажбуриятларнинг бажарилмаслиги.

Утувчи ҳолатлар

22. Ҳужалик юритувчи субъект куйидагиларга риоя қилишга мажбур:

22.1. Ёритиш талабларига;

22.2. Узининг молиявий ҳисоботларига, ҳисоб сиёсатида БХМСнинг «Молиявий натижалар тугрисида» ҳисоботида асосан тузатиш қилиниши;

22.3. Ушбу стандартнинг бухгалтерия ҳисоби услубиётини, факат ушбу стандарт кучга кирган кундан кейин олиниши ва қайтарилиши керак бўлган субсидиялар ёки субсидиялар қисмларига нисбатан қўллаш.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия Хисобининг миллий стандарти № 11
ИЛМИЙ ТАДҚИҚ, ОТ ВА ТАЖРИБА - КОНСТРУКТОРЛИК - ИШЛАБ
ЧИК.ИШЛАРГА ХАРАЖАТЛАР (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида
1998 йил 28 декабрда 581-сон билан рўйхатга олинган)

Умумий қоидалар

1. Ушбу Бухгалтерия Хисобининг Миллий Стандарти (БХМС) Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тугрисида»ги Қонуни асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш тизимининг элементи ҳисобланади.

Стандартнинг мақсади

2. Мазкур ушбу стандартнинг мақсади, илмий-тадқиқ, от ва тажриба-конструкторлик ишлари харажатларини бухгалтерияда ҳисобга олиш усулини белгилашдан иборат. Илмий-тадқиқ, от ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларига харажатларни ҳисобга олишнинг асосий масаласи, бундай харажатларни актив ёки харажат сифатида тан олишдан иборат. Уларни, актив ёки харажат деб тан олишнинг мезонлари, молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш асосларида белгилаб қўйилган.

Амал қилиш соҳаси

3. Ушбу стандарт, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларига харажатларни ҳисобга олиш жараёнида Қўлланилади.

4. Ушбу стандарт, казиб олиш тармоқларида нефть, газ, минерал казилмаларни излаш ва уларни узлаштириш харажатларига нисбатан қўлланилмайди. Бироқ у, мазкур тармоқлардаги бошқа тадқиқотлар ва тажрибалар харажатиغا қўлланилади.

5. Хужалик юритувчи субъект шартномага мувофиқ, бошқа хужалик юритувчи субъект учун тадқиқотлар утқизиши ва ишланмалар билан шугулланиши мумкин. Шартнома шартларига қура, тадқиқотлар ва ишланмалар билан, боғлиқ бўлган барча харажатлар ва фойдалар бошқа субъектга утқазилса ёки утқазиладиган бўлса, бу фаолиятни амалга оширадиган хужалик юритувчи субъект «Товар-моддий захиралар» БХМС ёки «Капитал Қўрилишга пулрат шартномалари» БХМСга мувофиқ харажатларни Ҳисобга олиб боради. Бу фаолиятдан бўладиган хатарларни зиммасига оладиган ва келадиган даромадларни оладиган хужалик юритувчи субъект, ушбу харажатларни мазкур стандарт маълумотларига мувофиқ ҳисобга олади.

6. Агар ҳужалик юритувчи бошқа субъект билан тузилган шартнома шартлари буйича илмий тадқиқот ва таҷриба- конструкторлик ишлари билан боғлиқ, харажатлар ва даромадлар, бошқа ҳужалик юритувчи субъектга утқазилмаса ёки кейинчалик ҳам утқазилмаса, у ҳолда, илмий-тадқиқот ва таҷриба конструкторлик ишланмалари билан шугулланувчи ҳужалик юритувчи субъект уз харажатларини ушбу стандартга мувофиқ ҳисобга олиб боради.

Тушунчадар (атамалар)

7. Мазкур стандартда фойдаланиладиган атамалар:

Илмий-тадқиқот ишлари - бу янги илмий ёки техник билим ва гоёларни олиш мақсадида узига ҳос ва режали изланишларни амалга ошириш демақдир.

Таҷриба-конструкторлик ишлари - бу илмий-тадқиқот ишлари ёки бошқа билимлар натижаларини, янги ёки жиддий яхшиланган материаллар, механизмлар, маҳсулотлар, технологиялар, тузимлар ёки бошқа хизматларни, уларнинг ишлаб чиқарилиши ёки тижорат мақсадларида фойдаланишига кадар режалаштириш ёки лойиҳалаш демақдир.

8. Илмий-тадқиқот фаолиятига қуйидагилар қиради:

8.1. Янги билимларни олишга йуналтирилган фаолият;

8.2. Илмий изланишлар ёки бошқа билимлар натижаларини Қуллаш чораларини излаш;

8.3. Муқобил технологиялар ёки маҳсулотларни излаш;

8.4. Янги ёки яхшиланган маҳсулот ёки муқобил технологияларни ишлаб чиқиш;

8.5. Ва бошқалар.

9. Таҷриба-конструкторлик фаолиятига қуйидагилар қиради:

9.1. Муқобил технология ёки маҳсулотларни баҳолаш;

9.2. Таҷриба намуналари ва моделларини лойиҳалаштириш, уларни ясаш ва синаб қуриш;

9.3. Янги технологияларни қуллаш асосида асбоблар, қисқич мосламалари, қуйилма қолплар ва матрицаларни ишлаб чиқиш;

9.4. Микёслари буйича тижорат ишлаб чиқариши мақсадларга мулжалланмаган экспериментал қурилмаларни лойиҳалаштириш, ясаш ва синаб қуриш;

9.5. Ва бошқалар.

10. Илмий тадқиқот ва таҷриба-конструкторлик фаолияти билан ҳамбарчас боғлиқ булган, лекин улар қаторига Қушилмайдиган фаолият турлари:

10.1. Ишлаб чиқаришнинг дастлабки босқичида муҳандислик жихатидан қуллаб-қувватлаш;

10.2. Ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот сифатини назорат Қилиш, жумладан маҳсулотни ҳар қуни синаб қуриш;

10.3. Ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келадиган носозликларни бартараф этиш;

10.4. Мавжуд маҳсулотни янгилашга, кенгайтиришга ёки бошқа йул билан сифатини яхшилашга қаратилган кундалик саъй- ҳаракатлар;

10.5. Ва бошқалар.

**Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб
чиқаришларга шунинг ҳаражатлари таркиби**

11. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишлари ҳаражатларига, илмий-тадқиқот ва тажриба- конструкторлик фаолияти билан бевосита боғлиқ булган ёки асосли равишда фаолиятнинг бу турларига киритилиши мумкин булган барча ҳаражатлар киритилади.

12. Илмий-тадқиқот ва тажриба -конструкторлик ишлаб чиқишларига куйидаги ҳаражатлар киритилади:

12.1. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишлари билан банд булган ходимларга иш хақи тулаш ва бошқа туловлар буйича ҳаражатлар;

12.2. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишлари жараёнида фойдаланиладиган материаллар ва хизматлар қиймати;

12.3. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларида мазкур активлардан фойдаланиш жараёнида асосий воситаларнинг эскириши;

12.4. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишлари билан бевосита боғлиқ булган қушимча ҳаражатлар;

12.5. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларида мазкур активлардан қандай фойдаланилса, шу даражадаги патентлар ва лицензиялар амортизацияси ва бошқа шу билан боғлиқ сингари ҳаражатлар.

13. Реализация ҳаражатлари, илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлаб чиқишлари ҳаражатларига киритилмайди.

**Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб
чиқишларга қилинган ҳаражатларнинг тан олинishi**

14. Илмий-тадқиқот ишлаб чиқишларга-қилинган ҳаражатлар, мазкур ҳаражатлар қилинган ҳисобот давридаги ҳаражат сифатида тан олинади ва кейинги даврда актив деб тан олинмаслиги лозим.

15. Тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларга қилинган ҳаражатлар, агар улар 16 - параграфда курсатилган активни тан олиш мезонларини қаноатлантирмаса, мазкур ҳаражатлар Қилинган ҳисобот давридаги ҳаражатлар сифатида тан олинади.

Дастлаб ҳаражат сифатида тан олинган тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларга қилинган ҳаражатларни, кейинги ҳисобот Даврларида активлар сифатида тан олмастик керак.

16. Тажриба-конструкторлик ишланмалари харажатлари куйидаги мезонларга жавоб берган тақдирдагина, актив сифатида тан олинади:

16.1. Маҳсулот ёки жараён аниқ белгиланган, маҳсулот ёки жараёнга тегишли харажатлар алоҳида аниқданиши ва ишончли тарзда улчаниши мумкин бўлганда;

16.2. Маҳсулот ёки жараёни техникавий жиҳатдап амалга ошириш мумкинлигини намойиш қилиш мумкин бўлганда;

16.3. Хужалик юритувчи субъект, маҳсулот ёки технологияни ишлаб чиқариш, сотиш ёки ундан фойдаланишни мулжаллаганда;

16.4. Маҳсулот ёки технология учун бозорнинг мавжудлиги ёки уни сотиш урнига субъект ичида фойдаланилган, тақдирда унинг субъект учун фойда келтиришини намойиш қилиш мумкин бўлганда;

16.5. Лойиҳани ниҳоясига етказиш ва бозорга чиқариш ёки маҳсулотни, технологияни қўлланиш учун етарли ресурсларнинг ёки уларни намойиш қилиш имкониятининг мавжудлигида.

17. Актив деб тан олинган тажриба-конструкторлик ишларининг харажатлари, куйидагилар чиқариб ташлагандан сунг тегишли булажак даромадлар ҳисобидан қопланадиган миқдордан ошмаслиги лозим:

- тажриба-конструкторлик ишларига кейин қилинадиган харажатлар;
- тегишли ишлаб чиқариш харажатлари;
- маъмурий харажатлар ва маҳсулотни сотиш жараёнида бевосита қилинган харажатлар.

18. Лойиҳанинг тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларга Қилинган харажатлар, актив деб ҳисоблаш талабларига жавоб берганлиги туфайли бу харажатлар, хужалик юритувчи субъект, ана шу харажатлар натижасида, келгусида иқтисодий наф олишини аниқлаш учун етарли бўлмагани сабабли, актив деб тан олиш мезонларига мос келмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда, тажриба- конструкторлик ишлаб чиқишларга қилинган харажатлар, мазкур харажатлар амалга оширилган даврдаги харажатлар деб эътироф этилади ва кейинги даврда актив деб тан олинмайди.

Тажриба-конструкторлик ишларига қилинган харажатлар амортизацияси

19. Актив деб тан олинган, тажриба-конструкторлик ишлари харажатларининг миқдори, амортизация қилиниши ва мунтазамлилик асосида харажат деб тан олиниши керак. Бундай ҳолларда, субъект куйидагиларга асосланади:

19.1. Маҳсулот ёки технологияни сотиш ёки ундан фойдаланишдан келадиган даромадлар ёки бошқа манфаатларга;

19.2. Маҳсулот ёки технологияни сотиш ёхуд ундан фойдаланиш кузда тутилган даврга.

Амортизация ҳисоблаш маҳсулот ёки технология сотишга ёхуд фойдаланишга тайёр булган пайтдан бошланади.

20. Актив деб тан олинган, тажриба-конструкторлик ишлари харажатларининг амортизация қилинадиган суммаси, қуйидаги муддатларнинг энг қисқаси даврида мунтазам асосда тақсимланиши лозим бўлади:

20.1. Активнинг хизмат муддати;

20.2. У дастлаб тан олинган вақтдан бошлаб беш йил давомида.

21. Айрим ҳолларда, тажриба-конструкторлик ишларига қилинган харажатлар натижасида олинган иқтисодий наф ҳужалик юритувчи субъект бошқа активларни ишлаб чиқариши жараёнида сарфланиб кетади ва харажат сифатида тан олинмайди. Бундай ҳолатда, мазкур харажатлар амортизацияси бошқа актив Кийматининг бир қисмини ташкил этади ва баланс қийматига киритилади. Масалан, илгари актив деб ҳисобланган тажриба- конструкторлик ишлар харажатлари, ишлаб чиқариш товар- моддий захиралари қийматига киритилиши мумкин («Товар- моддий захираларни ҳисобга олиш» 4-сон БХМС). Бошқа активларнинг баланс қийматига киритилган тажриба- конструкторлик ишлар харажатлари шу тарика мазкур активларнинг бошқа харажатлари қилинган пайтдаги харажатлар деб тан олинади.

Тажриба-конструкторлик ишларига қилинган харажатларнинг камайтирилиши

22. Лойиха бўйича тажриба-конструкторлик ишларига қилинган харажатлар миқдорини тажриба-конструкторлик ишларига кейинчалик қилинадиган харажатларни, тегишли ишлаб чиқариш харажатларини, маъмурий харажатларни ва маҳсулот ёки технологияни бевосита реализация қилиш жараёнида қилинган, лекин келажакдаги даромадлар ҳисобидан қопланмайдиган харажатларни ҳисобга олиб, амортизация қилинмаган қолдиқ миқдоригача камайтириш лозим бўлади.

Тажриба-конструкторлик ишланмаларига амортизация қилинмаган харажатлар қолдиги, агар бу харажатлар, уларни 16- бандда келтирилган актив деб ҳисоблаш мезонларига жавоб бермаса, ҳисобдан чиқарилиши лозим. Тулик ёки қисман ҳисобдан чиқаришни харажат деб, қайси даврда тулик ёки қисман ҳисобдан чиқариш амалга ошган бўлса, шу даврда харажат деб тан олиниши керак.

23. 22-булим асосида қисман ёки **тулик** ҳисобдан чиқарилган **Тажриба-конструкторлик** ишлари харажатларини қуйидаги Ҳолларда қайта тиклаш амалга оширилади; агар тулик ёки қисман Ҳисобдан чиқаришга олиб келган ходиса ва ҳолатлар йук булганда ва янги ходиса ва ҳолатлар келажакда бўлишига ишончли далиллар мавжуд бўлса.

Кбайта тикланган суммани кайсиким 17 булим асосида амортизация деб тан олинган, суммага камайтириш лозим, агар тулик, ёки кисман хисобдан чикариш булмаган булса. Кайта тикланган суммани, давр харажати деб тан олинган, тажриба- конструкторлик ишлари харажатларининг камайиши деб тан олиш лозим.

Ёритиш

24. Молиявий хисоботлар куйидагиларни ёритиши лозим:

24.1. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларини амалга ошириш харажатлари учун қабул қилинган Хисоб сиёсатини;

24.2. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига хисобот давридаги харажат сифатида тан олинган харажатлар миқдорини;

24.3. Фойдаланилган амортизация усулларини;

24.4. Қабул қилинган фойдали хизмат муддати ёки амортизация меъёрларини;

24.5. Хисобот даврининг бошида ва охирида тажриба- конструкторлик ишларига амортизация қилинмаган харажатлар қолдигини, бунда куйидагилар қурсатилиши керак:

24.5.1. 16-бандга мувофиқ, актив деб тан олинган тажриба- конструкторлик ишларига қилинган харажатлар;

24.5.2. 19 ва 22 бандларга мувофиқ, харажат деб тан олинган тажриба- конструкторлик ишларига қилинган харажатлар;

24.5.3. Бошқа активлар ҳисобига утқазилган тажриба- конструкторлик ишларига харажатлар;

24.5.4. 23-бандга мувофиқ равишда қайта тикланган тажриба- конструкторлик ишлари харажатлари.

Утқазилган қондалари

25. Ушбу стандартнинг қабул қилиниши натижасида ҳисоб сиёсатида узғариш бўлишига олиб келадиган ҳолатларда, ҳужалик юритувчи субъект, уз молиявий хисоботини «Молиявий натижалар тугрисидаги ҳисобот» номли 3-сон БХМСга мувофиқ равишда тузатиши лозим. Шу билан бир вақтда ҳужалик юритувчи субъект, тажриба-конструкторлик ишларига ушбу стандарт қучга қирган вақтдан кейин қилинган харажатларнигина 16-бандда санаб утилган мезонларга жавоб берган тақдирда, актив сифатида акс эттириши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия Хисобининг миллий стандарти
№12**

МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ШСОЪИ

(Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1999 йил 16 январда 596-сон
билан рўйхатга олинган)

Умумий қоидалар

1. Ушбу Бухгалтерия Хисобининг Миллий Стандарти (БХМС) Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тугрисида»ги Қонуни асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий жиҳатдан тартибга солиш тизимининг элементи ҳисобланади.

Стандартнинг мақсади

2. Ушбу стандартнинг мақсади бўлиб, молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш усулини белгилаш ва ҳужалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларида инвестицияларга дойр ахборотни ёритиш йулларини белгилашдир.

Амал қилиш соҳаси

3. Ушбу стандарт, ҳужалик юритувчи субъектлар томонидан бухгалтерия ҳисоби ва молиявий инвестициялар тугрисидаги ахборотни ёритиш учун қўлланилиши керак.

4. Ҳужалик юритувчи субъект, молиявий инвестицияларни ушбу стандартнинг 7-28 бандларида баён қилинган тартибга мувофиқ, юритади ва улар қуйидаги масалаларни ўз ичига олади:

4.1. Молиявий инвестицияларни тоифаларига (қиска муддатли ва узок, муддатли) қараб тасниф қилиш;

4.2. Молиявий инвестициялар қийматини аниқлаш ва уларни молиявий ҳисоботларда акс эттириш;

4.3. Молиявий инвестицияларни бир тоифадан иккинчи тоифага ўтказиш,

4.4. Молиявий инвестициялар қийматининг қайтариб бўлмас даражада пасайиши.

5. Ушбу стандартда қуйидагилар қуриб чиқилмайди:

5.1. Инвестициялардан фоизлар, роялти, дивидентлар ва ижара Ҳақи шаклида олинган даромадларни тан олиш асослари («Умумий ҳужалик фаолиятдан келадиган даромадлар» БХМС ва «Лизинг Ҳисобга» БХМСга қаралсин);

5.2. Шуъба жамиятларга қилинган инвестициялар («Жамланган молиявий ҳисоботлар ва шуъба жамиятларга инвестициялар Ҳисоби» БХМСга қаралсин);

5.3. Қўшма фаолиятга қилинган инвестициялар («Қўшма фаолиятдаги иштирок улушини молиявий ҳисоботда акс эттириш»

БХ,МСга каралсин);

5.4. Гудвилл, патентлар, савдо маркалари ва шунга ухшаш бошқа номоддий активлар;

5.5. «Лизингги ҳисобга олиш» Б^АМСда келтирилган таърифга мос келадиган молиявий лизинг.

Тушунчалар (атамалар)

6. Мазкур стандартда фойдаланилган атамалар:

Молиявий инвестициялар - бу ҳужалик юритувчи субъект тасарруфидаги, даромад олишга (фоиз, роялти, дивиденд ва ижара ҳақи шаклида), мулжалланган, инвестиция қилинган капитал қийматининг ортиши ёки инвестиция қилувчи компания бошқа наф олиш учун фойдаланадиган активлар.

Киска муддатли (жорий) инвестициялар - муомала муддати 12 ойдан ошмайдиган осон сотиладиган инвестициялар.

Узок муддатли инвестициялар - киска муддатли (жорий) инвестициялардан ташқари барча инвестициялар.

Кўчмас мулкка қилинган инвестиция - инвестиция қилувчи субъектнинг ёки инвестиция қилувчи субъект гуруҳи га қирувчи бошқа субъектнинг, ишлаб чиқариш фаолияти давомида фойдаланилмайдиган ер майдонларига ёки қурилишларга қилинган инвестициялар.

Жорий қиймат - бир-бирига қарам бўлмаган хабардор, сотиб олишни хоҳлаган харидор билан хабардор, сотишни хоҳдаётган сотувчи уртасида актив алмаштириладиган миқдор.

Бозор қиймати - фаол бозорда аникланадиган инвестициялар миқдори.

Бозор - бозор қиймати (ёки бозор қийматини аниқлашга имкон берадиган бошқа бирор курсаткич) аникланадиган фаол бозор мавжудлигини билдиради.

Молиявий инвестицияларни тасниф қилиш

7. Уз молиявий ҳисоботларида, айланма маблаглар билан узок муддатли активлар уртасидаги тафовутни курсатувчи ҳужалик юритувчи субъектлар, киска муддатли (жорий) молиявий инвестицияларни, эгаллик қилиш муддати бир йилгача бўлган айланма маблаг сифатида курсатишлари, узок муддатли молиявий инвестицияларни эса, эгаллик қилиш муддати бир йилдан ошадиган узок муддатли активлар сифатида курсатишлари лозим.

8. Узларининг бухгалтерия балансларида киска муддатли ва узок муддатли инвестицияларни фарқламайдиган ҳужалик юритувчи субъектлар, бу фарқни баҳолаш мақсадлари учун курсатишлари ва инвестицияларнинг балансдаги қийматини ушбу стандартнинг 13 ва 15 бандларига мувофиқ аниқлашлари шарт.

Молиявий инвестицияларни баҳолаш

9. Молиявий инвестицияларни харид қилиш чоғида, улар харид қиймати бўйича баҳрланади ва бу қийматга брокерлар хизмати учун туланган хак,, банк хизмати учун туловлар, божлар ва бошқа харажатлар киритилади.

10. Агарда инвестиция, акцияларни эмиссия қилиш ёки бошқа қимматли қ,ағозлар чиқариш йули билан тулалигича ёки қисман олинаётган бўлса, у ҳолда харид қиймати қимматли қозғаларнинг номинал қийматига эмас, балки чиқарилган қимматли қозғаларнинг жорий қийматига тенг бўлади. Агар инвестиция бошқа активга айирбошлаш йули билан тула ёки қисман олинган бўлса, у ҳолда инвестиция қиймати, топширилган активнинг жорий қийматига қараб аниқланади.

11. Молиявий инвестицияларга улар олинган пайтгача ҳисобланган фойзлар дивидендларни уз ичига олган харид қиймати бўйича харид қилиш харидор томонидан сотувчига туланган фойзлар миқдорини чиқариб ташлаб, харид қиймати бўйича ҳисобга олинади.

12. Инвестицияларнинг харид қиймати билан қарзга берилган Қимматли қозғаларни тулаш қиймати уртасидаги тафовут (дисконт ёки харид қилиш чоғида муқофот тарзида берилган маблаг) инвестор томонидан инвестициялар бўйича доимий даромад бўлиши учун, харид қилинган пайтдан бошлаб, қарз туланган пайтгача ҳисобдан учурилади.

Инвестицияларнинг баланс қиймати, қисқа муддатли (жорий) инвестициялар

13. Қ,иска муддатли (жорий) активлар сифатида тасниф Қилинган инвестициялар бухгалтерия балансида:

13.1. Бозор қиймати бўйича;

13.2. Харид қиймати ва бозор қиймати қаби икки қийматнинг энг қаби бўйича ҳисобга олиними керак.

Агар қисқа муддатли молиявий инвестициялар, харид ва бозор Қийматларидан энг қаби бўйича ҳисобга олинандиган бўлса, унинг балансдаги қиймати, умуман барча инвестициялар қиймати асосида ёки инвестициялар турлари бўйича ёхуд алоҳида инвестициялар асосида аниқланади.

14. Қ,иска муддатли инвестицияларнинг бозор қиймати узғаришидан қеладиған даромад ёки зарар, мазкур даромад ёки зарар содир бўлган ҳисобот даврида тан олинади.

Узок муддатли молиявий инвестициялар

15. Узок муддатли активлар сифатида тасниф этилган

инвестициялар бухгалтерия балансида:

15.1. Харид киймати буйича;

15.2. Қайта бахрланган киймат буйича;

15.3. Харид ва бозор кийматининг умумий инвестициялар усули буйича аниқданган, энг кам бахоси буйича ҳисобга олинади.

16. Узок, муддатли молиявий инвестицияларни қайта баҳолаш учун қайта баҳолашнинг амалга ошириш даврийлигини, шу жумладан узок, муддатли инвестициялар тоифларини аниқлаш зарур.

17. Баланс кийматининг вақтинча пасайишини истисно этган ҳолда, инвестициялар киймати камайган тақдирда, барча узок муддатли инвестицияларнинг баланс киймати камайтирилади. Бунда камайтириш ҳар бир молиявий куйилма буйича аниқланади ва тайёрланади.

18. Узок муддатли инвестициялар харид киймати буйича ҳисобга олинади. Узок муддатли инвестицияларнинг киймати муқаррар камайиб борган тақдирда, бу инвестицияларнинг баланс киймати ҳар бир инвестиция буйича алоҳида камайтирилиши лозим. Бундай ҳолларда, хатарнинг турлари, инвестиция қилинаётган субъектда инвесторнинг улуши эътиборга олинади.

19. Узок муддатли инвестициялар баланс кийматининг вақтинча пасайиши ҳисобда акс эттирилмайди. Қиймат пасайишининг бошқа ҳолатлари 21-бандда қуриб чиқилади. **Молиявий инвестицияларнинг баланс кийматини қайта баҳолаш**

20. Қисқа муддатли (жорий) инвестицияларни бозор киймати буйича ҳисобга олувчи ҳужалик юритувчи субъект, ҳисоб сиёсатида инвестициялар баланс кийматининг камайиши ва қупайишини Қуйидагича акс эттиради:

20.1. Даромад ёки харажат сифатида;

20.2. 21-бандга мувофиқ равишда.

21. Узок муддатли молиявий инвестицияларни қайта баҳолаш натижасида пайдо булган қушимча миқдор хусусий капиталга қайта баҳолашдан келган даромад сифатида қушилади. Молиявий инвестициялар киймати камайган тақдирда, камайиш миқдори хусусий капиталда акс эттирилган уша инвестицияларни олдинги баҳолаш киймати ҳисобидан амалга оширилади. Агар молиявий инвестициялар кийматини камайиши миқдори, илгариги қайта баҳолашдан олинган даромад миқдоридан қуп булса, бу тафовут харажат сифатида ҳисобга олиниши лозим. Қиймати пасайтирилган инвестицияларни қушимча баҳолаш миқдори, мазкур инвестициялардан келган зарар қоплангандан сунг, хусусий капитал қупайишига киритилади.

Молиявий инвестицияларни сотиш ва бошқа тоифага утказиш

22. Инвестицияларни сотиш чогида, сотишдан тушган маблаг билан баланс киймати уртасидаги тафовут, харажатлар (брокер ёки дилер хизмати хаки) чиқариб ташлангандан сунг даромад ёки харажат сифатида эътироф этилади.

Агар қисқа муддатли инвестициялар балансида портфел услуги буйича икки қийматдан энг ками буйича ҳисобга олинган булса: сотиб олиш киймати ёки бозор киймати буйича, бундай ҳолатда уларни сотишдан даромад ёки зарар сотиш баҳоси билан сотиб олиш баҳоси уртасидаги фарк, сифатида аниқланади.

Агар инвестиция олдин қайта баҳоланган булса, ёки бозор киймати буйича ҳисобга олинган булиб, баланс киймати ошиши қайта баҳолашдан пайдо булган қушилган суммага олиб борилган булса, бундай ҳолатда хужалик юритувчи субъект ҳисоб юритиш сиёсатини ёки қушилган суммани тақсимланган фойда ҳисобига олиб борганини тасдиқлаши лозим. Бу ҳисоб сиёсати БХМС № 3 (Молиявий натижалар тугрисидаги ҳисобот) асосида доимий асосда қулланиши лозим.

23. Узок; муддатли молиявий инвестицияларни қисқа муддатли (жорий) инвестицияларга утказиш икки қийматдан энг ками буйича: харид киймати билан баланс кийматининг энг ками буйича, агар қисқа муддатли молиявий инвестициялар икки қийматнинг энг ками буйича ҳисобга олинадиган булса: харид киймати билан бозор кийматининг энг ками буйича амалга оширилади.

24. Узок, муддатли молиявий инвестициялар илгари қайта баҳоланган булса, уларни қисқа муддатли (жорий) инвестициялар тоифасига утказиш чогида ва бу қисқа муддатли (жорий) молиявий инвестициялар бозор киймати буйича ҳисобга олинган булса, қайта баҳолаш қиймати баланс қийматидан чиқариб ташланиши керак.

Агар қисқа муддатли инвестициялар бозор қийматидаги узгариши даромадга киритиладиган булса, қушимча баҳолашнинг қолган ҳар қандай миқдори даромадга утказилиши керак.

25. Қисқа муддатли молиявий инвестицияларни узок, муддатли молиявий инвестициялар тоифасига утказиш, харид қилиш Киймати ва бозор кийматидан энг ками буйича ёки агар инвестиция илгари шу қиймат буйича ҳисобга олинган булса, бозор киймати буйича амалга оширилади.

Инвестициялар билан боғлиқ; муомалаларнинг молиявий
натижалари

26. Молиявий натижаларга қуйидагилар киритилади:

26.1. Молиявий инвестициялар буйича куйидаги куринишдаги даромадлар ва харажатлар:

26.1.1. Узок, муддатли ва жорий инвестициялар буйича фоизлар, роялти, дивидендлар ва ижара ҳақлари;

26.1.2. Қисқа муддатли молиявий инвестицияларни сотишдан келадиган даромадлар ва зарарлар;

26.1.3. Бозор қиймати буйича ҳисобга олинган, қисқа муддатли (жорий) молиявий инвестициялар *буйича* сотилмаган даромадлар ва зарарлар, мазкур сиёсат 20-бандга мувофиқ; тасдиқланган бўлса;

26.1.4. Харид қиймати ва бозор қиймати каби икки қийматнинг энг ками буйича баҳрланган қисқа муддатли молиявий инвестиция бериш учун талаб қилинадиган, бозор қийматининг камайтирилиши ва бундай камайтиришни қайтадан тиклаш;

26.2. Узок; муддатли молиявий инвестициялар қийматини вақтинчалик пасайишидан ташқари, баланс қийматининг камайиши ва бундай қисқаришни тулаш.

26.3. 22- банд асосида ҳисобланган, узок муддатли молиявий инвестицияларни сотишдан даромад ва зарар.

Солиқдар

27. Ушбу стандартни қўлланиш натижасида вужудга келадиган солиқ муомалаларини ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ амалга оширилади.

Ёритиш

28. Молиявий ҳисоботларда куйидагилар ёритилиши лозим:

28.1. Ҳисоб сиёсати, бу сиёсат куйидагиларни аниқлаш ва акс эттириш учун очиқ берилади:

28.1.1. Молиявий инвестицияларнинг баланс қийматини аниқлаш:

28.1.2. Бозор қиймати буйича ҳисобга олинган қисқа муддатли (жорий) молиявий инвестицияларнинг бозор қийматидаги узғаришларни акс эттириш;

28.1.3. В^айта баҳрланган молиявий инвестицияларни сотишда, қайта баҳрлашдан қўшилган суммани акс эттириш;

28.2. Куйидаги куринишда олинган даромадга киритилган катта миқдордаги суммалар:

28.2.1. Узок муддатли ва қисқа муддатли (жорий) молиявий инвестициялар буйича фоизлар, роялти, дивидендлар ва ижара ҳақлари;

28.2.2. Қисқа муддатли молиявий инвестицияларни сотиш чоғида олинган даромадлар ва қўрилган зарарлар;

28.2.3. Бундай молиявий инвестициялар қийматидаги узғаришлар;

28.3. Сотилаётган инвестицияларнинг бозор қиймати,агар у балансда бозор қиймати буйича ҳисобга олинмаган бўлса; ”

28.4. Кучмас мулкка қилинган молиявий инвестициялар_и жорий қиймати, агар улар узок, муддатли инвестиция сиф_{ат} х,исобга олинган бўлса ва жорий қиймати буйича акс эттирил_{цаган} бўлса;

28.5. Инвестицияларга жиддий чеклашлар ёки ^сот_тц_{дан} даромадни ва сотиш маблағини инвестицияларга утказиш;

28.6. Қайта баҳолаш қиймати буйича ҳисобга олинган _v, муддатли инвестициялар учун:

28.6.1. Кбайта бах;олашни ^айси вак;тларда утказили_{ци}ни аниқдаш сиёсатини;

28.6.2. Сунгги марта қайта баҳоланган сана;

28.6.3. Қайта бахрлаш асоси ва четдан мулкни баҳоловчи_{ли} жалб этиш факти;

28.7. Шу даврда қушимча бахрлаш қийматидаги узгарит_ц хамда бу узгаришларнинг қандай тусдалиги;

28.8. Асосий фаолияти инвестиция фаолиятидан иборат буд_{ган} хужалик юритувчи субъектлар учун инвестиция мажмуини тахд_{ил} этиш.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти № 16
БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ ТУЗИЛГАН САН АДАН КЕЙИНГИ ХУЖАЛИК
ФАОЛИЯТИНИНГ НАЗАРДА ТУТИЛМАТАН ХОЛАТЛАРИ ВА ЮЗ
БЕРАДИГАН ХОДИСАЛАРИ

(Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1998 йил 23 декабрда 578-сон
билан руйхатга олинган)

Умумий қоидалар

1. Ушбу Бухгалтерия Ҳисобининг Миллий Стандарти (БҲМС) Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тугрисида»ги Қонуни асосида ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш тизимининг элементи ҳисобланади.

Стандартнинг мақсади

2. Ушбу стандартнинг мақсади молиявий ҳисоботни тузиш тартибини белгилашдан иборат:

- қўйилмаган вазиятлар бўйича;
- бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин ҳужалик фаолиятида юз берадиган ҳодисалар бўйича.

Амал қилиш доираси

3. Ушбу стандарт қўйилмаган вазиятларни, ҳамда бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин ҳужалик фаолиятида юз берадиган ҳодисаларни ҳисобга олиш ва ёритиш учун қўлланилади.

4. Қўйилмаган вазиятларнинг юз беришига олиб келадиган қуйидаги ҳолатлар (курсаткичлар) ушбу стандартнинг ҳаракат доирасига қирмайди:

- сугурта компаниясининг ҳаёти сугурта қилиш бўйича берилган сугурта полислари юзасидан вужудга келадиган мажбуриятлари;
- лизинг контрактлари бўйича вужудга келадиган мажбуриятлар («Лизинг ҳисоби» БҲМС қаралсин);
- қўйилмаган вазиятлар натижасида олинган фойда (даромад) солиқлари.

Тушунчалар (атамалар)

5. Ушбу стандартда фойдаланиладиган атамалар;

Қўйилмаган вазият -бу шундай вазиятки, унинг **пировард**

натижаси (фойда ёки зарар) қелгусида битта ёки бир нечта номуайян вазиятларнинг содир бўлиш ҳолати билангина тасдиқланади. Яъни бундай ҳолатда бухгалтерия баланси тузилганидан кейин номуайян вазиятларнинг содир бўлиши натижасида ҳужалик субъекта фойда олади ёки зарар қуради.

Бухгалтерия баланси тузилганидан кейин содир буладиган хужалик фаолиятидаги ходисалар - бу ҳам кунгилли ҳам кунгилсиз ходисаларки, улар бухгалтерия балансини тузиш санаси билан молиявий хисоботни эълон қилиш учун тасдиқдаш санаси уртасидаги ораликда юз беради.

Бундай ходисаларнинг икки тури фарқланади:

- Бухгалтерия балансини тузиш санасида мавжуд булган ва келгусида юз берадиган ходисалар;

- бухгалтерия балансини тузиш санасида (санасидан кейин) мавжуд булмаган ва келгусида юз берадиган ходисалар.

Кузда тутилмаган вазиятлар

6. Ушбу стандартда «Кузда тутилмаган вазиятлар» деганда, бухгалтерия балансини тузиш санасидаги муайян вазиятлар тушуниладики, уларнинг молиявий натижалари келгусида юз берадиган воқеалар оқибатида аниқланади. Бундай вазиятлар молиявий хисоботда ҳисоблаш тамойилига мувофиқ, акс эттирилади.

7. Келгусидаги воқеаларга тааллуқли булган кутилмаган вазиятлар қуйидагича ифодаланиши мумкин:

- микдори буйича;
- умумий ҳолатни баён қилиш воситаси билан.

8. Кутилмаган вазиятларнинг оқибатларига ва молиявий таъсирига баҳо бериш, ҳужалик юритувчи субъект томонидан белгиланади.

Баҳолаш, молиявий хисоботларни эълон қилиш учун тасдиқдаш пайтида белгиланади.

Кутилмаган зарарлар ҳисоби

9. Кутилмаган зарарлар ҳисоби, кузда тутилмаган вазиятлар натижаларига қура олиб берилади. Агар, кузда тутилмаган вазият ҳужалик юритувчи субъектнинг зарар қуришига олиб қилиши эҳтимоли мавжуд бўлса, бундай зарарни молиявий хисоботларда акс эттириш мақсадга мувофиқдир.

10. Кутилмаган зарар микдори молиявий хисоботда мажбурият сифатида **қуриб** чиқилиши керак, агарда:

- бухгалтерия балансини тузиш санасида келгусидаги воқеалар натижасида, ҳар қандай мумкин булган қўллаш маблағини ҳисобга қабул қилиш эҳтимоли активлар қийматини пассаятириб юборади, бундай қўллаш маблағлари мажбурият ҳисобланади:

- келгусида қуриладиган зарарлар қийматини (баҳосини) аниқдаш имконияти мавжуд бўлса.

11. Кутилмаган зарарларнинг мавжудлиги, (10- банддаги Холлардан ташқари) молиявий хисоботларда ёритилиши керак, зарар қуриш эҳтимоли кам булган ҳолатлар бундан мустасно.

12. Ишлаб чиқдрилиш фаолиятида умумий ёки аниқдиги номуайян аниқданмаган хатарлар учун ҳисобланган миқдорлар, бухгалтерия балансини тузиш санасида кузда тутилмаган вазиятларга тааллуқди эмас ва шу боисдан кузда тутилмаган вазиятлар сифатида куриб чиқилмайди.

Кутилмаган фойдаларнинг ҳисоби

13. Кутилмаган фойда молиявий ҳисоботларда даромад сифатида курсатилмаслиги керак, чунки бу нарса ҳеч қачон олиш мумкин бўлмаган даромаднинг эътироф этилишига олиб келиши мумкин. Бироқ, фойда олиш эҳтимоли катта бўлган вазиятларда, бундай фойда кутилмаган деб ҳисобланмайди ва уни молиявий ҳисоботда курсатиш керак.

Кузда тутилмаган ҳолатларни баҳолаш

14. Молиявий ҳисоботларда курсатиладиган кузда тутилмаган Ҳолатлар суммаси, молиявий ҳисоботларни эълон қилиш учун тасдиқдаш санасида баҳоланади. Бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин юз берадиган ва активлар қийматини камайтирадиган (шунингдек, мажбуриятларни юзага келтирадиган) ҳодисалар кузда тутилмаган вазиятлар бўйича молиявий ҳисоботда ҳисобга олиниши керак.

15. Агар кузда тутилмаган ҳолатларнинг вужудга келиш эҳтимолини ҳосил қиладиган вазият, шунга ухшаш куплаб вазиятлар билан бир хил бўлса, у ҳолда айрим кузда тутилмаган ҳолатларнинг аҳамиятини акс эттирувчи миқдор шундай вазиятлар гуруҳида курсатилади. Масалан, сотилган товарлар бўйича кафолатлар, шубҳали дебиторлик қарзлари.

Кузда тутилмаган ҳолатларни ёритиш

16. Агар кутилмаган зарар молиявий ҳисоботда курсатилмаса, у ҳолда унинг молиявий таъсири моҳияти ва баҳоси молиявий Ҳисоботга тушунтириш хатида ёритилади, зарар куриш эҳтимоли кам бўлган ҳоллар бундан мустасно.

17. Кутилмаган ҳолатларни ёритиш зарур бўлганда, ушбу стандартнинг 11 ва 13- бандларига мувофиқ, қуйидаги ахборотлар ёритилиши керак:

- кутилмаган ҳолатларнинг моҳияти;
- келгусидаги натижаларга таъсир этиши мумкин номуайян воқеалар;
- молиявий таъсирни баҳолаш ёки бундай баҳолашни утказиш мумкин эмаслигини исботлаш.

Бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин ҳужалик фаолиятида юз берадиган ҳодисалар

18. Бухгалтерия балансини тузиш санаси билан молиявий ҳисоботларни эълон қилиш учун тасдиқдаш санаси уртасида юз берадиган ҳодисалар, активларга ва мажбуриятларга тузатишлар

киритиш заруратини ёхуд уларни ёритиш заруратини курсатиши мумкин.

19. Активлар ва пасивлар, бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин хужалик фаолиятида юз берган, узлуксизлик коидаси барча субъектга ёки унинг бир қисмига нисбатан оқданмаганлигини, яъни субъект банкрот булганлигини курсатувчи ходисалар буйича тузатилиши керак.

20. Активлар ва мажбуриятлар буйича тузатишлар, балансни тузиш санасидан кейин юз берган, балансни тузиш санасида микдорларни аниқдаш учун қушимча ахборотни таъминлайдиган ходисалар буйича зарурдир. Масалан, бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин юз берган миқдорнинг банкротлигини тасдиқлайдиган қарз буйича зарарга тузатиш киритиши мумкин; бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин ёнги натижасида, асосий ишлаб чиқариш биносининг бузилиши ёки бошқа катта қорхона сотиб олиш туфайли асосий воситаларнинг баланс қийматида тузатишлар киритиш.

21. Бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин юз берган хужалик фаолиятидаги воқеалар шунинг курсатиши мумкинки, бутун субъект ёки унинг бир қисми ишлаб чиқаришнинг узлуксизлиги коидасига мос келмай қолади. Хужалик юритувчи субъектнинг баланси молиявий ҳолатни ташхис қилиш натижасида молиявий Ҳолат ёмонлашганлигини, яъни ноқобилликни курсатади, бунда молиявий ҳисоботни эълон қилиш учун тасдиқлашда, узлуксизлик тамойилидан фойдаланиш масаласи қуриб чиқилади.

22. Агар балансни тузиш санасидан кейин юз берган ходисалар, молиявий ҳисоботни тузиш санасида активлар ва пасивларнинг ҳолатига таъсир утказмаган бироқ улар шу қадар муҳим бўлса, бундай ахборотни ошқор қилмаслик молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларнинг қарорларини таҳлил этиш ва қабул қилишга таъсир этиши мумкин, у ҳолда ана шу ходисаларнинг моҳияти молиявий ҳисоботга тушунтириш ҳатида ёритилади.

23. Қўтилмаган ҳолатлар солиққа тортишнинг молиявий аҳолига ҳамда даврга тааллуқли бўлган, молиявий ҳисоботда акс эттирилган ва балансни тузиш санасидан кейин тақлиф этилган ва эълон қилинган дивидендларга таъсир утказган тақдирда, молиявий Ҳисоботлар тасдиқданунигача тузатишлар киритиш керак ёхуд ёритилиши керак.

Ёритиш

24. Агар бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин юз берган хужалик фаолиятидаги ходисаларни ёритиш талаб этиладиган бўлса, - қуйидаги ахборотлар тақдим этилиши керак:

- муомаланинг моҳияти;
- молиявий таъсирга баҳо бериш ва бундай баҳолашни утқазиб бўлмасдик тугрисидаги ахборот.

**Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти
№17
КАПИТАЛ ҚУРИЛИШГА ОИД ПУДРАТ ШАРТНОМАЛАРИ**
(Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1999 йил 23 декабрда 579-сон билан
руйхатга олинган)
Умумий қоидалар

1. Ушбу Бухгалтерия Ҳисобининг Миллий Стандарти (БХМС) Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тугрисида»ги Қонуни асосида ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш тизимининг элементи ҳисобланади.

Стандартнинг мақсади

2. Ушбу стандартнинг мақсади, қурилиш пудрати шартномалари билан боғлиқ, булган даромадлар ва харажатларнинг бухгалтерия ҳисобида юритиш услубиятини белгилашдан иборат. Пудрат шартномаси бўйича даромадлар ва харажатларнинг тақсимланиши, пудрат шартномаларини ҳисобга олишдаги асосий масалалар, чунки пудратни амалга қилиш ва уни яқунлаш саналари, одатда ҳар хил ҳисобот даврларига тугри келади. Пудрат шартномаси бўйича даромадлар ва харажатлар, молиявий натижалар тугрисидаги ҳисоботда даромадлар ва харажатлар сифатида акс эттириши лозим буладиган пайтга белгилаш учун ушбу стандарт молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш тамойилларида (БХМС «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос» БХМСи) белгиланган ва эътироф мезонларидан фойдаланади.

Амал қилиш соҳаси

3. Ушбу стандарт, капитал қурилиш учун пудрат шартномалари бўйича натижаларни тайёрлаш ва молиявий ҳисоботга қилиш мақсадида пудратчилар томонидан қўлланилади.

Мақсуд стандарт, уз эҳтиёжлари учун капитал қурилишни амалга ошираётган (хужалик ҳисоби усули) субъектларга (қурувчиларга) тааллуқли эмас, чунки улар бундай фаолиятдан даромад олмайдилар, улар қилган харажатларнинг ҳаммаси эса капиталлаштирилади.

Тушунчалар (атамалар)

4. Бу стандартда фойдаланиладиган атамалар:

Капитал қурилиш учун пудрат шартномаси (кейинги уринларда «Қурилиш пудрати шартномаси») - пудратчи ушбу шартномага асосланиб, буюртмачининг топширигига қура Қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини таваккалчилик асосида зиммасига оладиган, буюртмачи эса бажарилган ишни

кабул килиб оладиган ва ҳақини гул а иди ган шартномадир.

Курилиш пудрати шартномаси бир-бири билан мустах,кам боғланган ёки уларни лойи^алаш ва улардан фойдаланиш шартлари буйича узаро боғлиқ, булган битта объектни ёки объектлар гуруҳини к;уриш мак,садида тузилиши мумкин. Бундан ташкари, курилиш пудрати шартномаларига объектларни курилиш билан бевосита боғлиқ хизматларни (яъни курилайётган объектлар рах;бариятининг ва меъморларнинг хизматлари ва х;.к.) курсатиш ишлари киритилиши мумкин. Белгиланган нархдаги курилиш пудрати шартномаси - ушбу шартномага кура тарафлар курилиш ишларининг белгиланган нархига (кийматига) ёки узгарувчан нарх хаки да кайд этган холда, бажарилган ишлар бирлигининг белгиланган ставкасига розилик билдирадиган шартномадир.

Келишилган нарх буйича курилиш пудрати шартномаси - ушбу шартномага кура, курилиш ишлари бажариш билан бевосита боғлиқ булган хакикий харажатлар, буюртмачи йул куядиган микдорда, шу жумладан шартномада кайд этилган мукофат пули билан бирга пудратчига туланади.

Объектлар буйича шартномалар ва курилиш пудрати гуруҳдар шартномалари

5. Ушбу стандарт талаблари, х;ар бир курилиш пудрати шартномасига нисбатан алох;ида кулланилади. Муайян вазиятларда стандартни пудрат шартномасининг ёки шартномалар гуруҳ;ининг мохиятини акс эттириш максадида, битта пудрат шартномасининг айрим қисмларига нисбатан ёки пудрат шартномасининг бутун бир

1 урух;ига нисбатан ку^ланиш зарур.

6. Агар бир вақтнинг узида бир неча объектга битта пудрат шартномаси тузилайтган булса, у х;олда ҳар бир объектнинг курилишини алоҳида курилиш пудрат шартномаси деб х;исоблаш керак, бунда қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

- ҳар бир объект буйича курилиш ишларининг шартномавий баҳолари буйича алох;ида тақлифлар мавжуд булса;
- ҳар бир объект буйича келишувга эришилган, ҳамда пудратчи ва буюртмачидан айрим объектларни кабул килиш ёки улардан воз кечиш имкониятлари мавжуд булса;
- х;ар бир объект буйича даромадлар ва харажатлар алоҳида аниқланиши мумкин.

7. Курилиш пудрати шартномаси буюртмачининг танлови буйича қушимча объект куришни кузда тутган булиши мумкин, ёки Қушимча объектни куриш билан тулдирилган булиши мумкин. Қушимча объект куришни қуйидаги ҳолатларда алоҳида шартнома Деб қарамоқ лозим:

- объект бирламчи шартномага қушилган у ёки бу объектлардан лойиҳдланиши, технологияси ёки вазифалари буйича анча фарқ қилганда;

- қушимча объектнинг шартномавий баҳоси биринчи шартнома буйича шартнома баҳосини ҳисобга олмаган ҳолда келишилганда.

Курилиш пудрати шартномалари буйича даромадлар

8. Пудратдан олинadиган даромад қуйидагиларни ўз ичига олади:

- қурилиш ишларининг дастлабки шартномавий қийматини;
- шартномани ўзгартиришдан олинadиган даромадлар, эътирозлар буйича даромадлар ва рағбатлантирувчи туловлардан даромадлар.

9. Қурилиш пудрат шартномасидан олинadиган даромад ҳисоблаб чиқариш пайтида, жорий қиймат буйича белгиланади. Қелгусида ишларнинг натижаларига боғлиқ бўлган қузда тутилмаган ҳар хил ишлар, пудрат шартномасидан олинadиган даромаднинг ўзгаришига таъсир ўтказди.

10. Қурилиш пудрат шартномасининг ўзгариши амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлган ўзгаришлардир.

11. Ўзаро эътирозлар (даъволар) буйича даромадлар, пудратчи, пудрат шартномасини бузган буюртмачидан олиши лозим бўлган маблағлардир.

12. Рағбатлантириш туловлари пудрат шартномасида белгиланган ишларни бажарганда ёки ошириб бажарганда, пудратчига туланадиган қушимча суммалардир. Рағбатлантириш туловлари ҳисоблаш усули билан даромадга киритилади.

Курилиш пудрати шартномалари буйича харажатлар

13. Пудрат шартномаси буйича харажатларга қуйидагилар қиради:

- ўшбу пудрат шартномаси билан боғлиқ бўлган, харажатлар таркиби ҳақидаги Низом асосида бевосита харажатлар;

- пудрат шартномаси буйича умумий қурилиш фаолиятига тегишли бўлган ва пудрат шартномалар буйича тақсимланиши ва шартнома баҳосига қушилиши мумкин бўлган, харажатлар таркиби ҳақидаги Низом асосида билвосита харажатлар;

- қурилиш пудрати шартномалари шартлари буйича буюртмачи томонидан қопланадиган бошқа харажатлар. Шартнома шартларида улар буйича харажатларнинг қопланиши айтиб ўтилган. Мисол учун: тажриба-конструкторлик ишларига харажатлар.

14. Пудрат шартномаси буйича фаолиятга киритилмайдиган ва тақсимланмайдиган харажатлар қурилиш пудрат шартномаси буйича харажатлардан чиқариб юборилади (масалан: пудрат шартномаси шартларида қоплаш қайд этилмаган маъмурий харажатлар, тажриба - конструкторлик ишлари харажатлари, сотиш харажатлари ва ҳоказо).

**Курилиш пудрати шартномалари буйича даромадлар ва харажатларнинг
эътироф этилиши**

15. Даромадлар ва харажатларни бухгалтерия балансини тузиш санасида пудрат буйича курилишни якунлаш даражасини ҳисобга олган ҳолда, даромадлар ва харажатлар сифатида эътироф этиш керак (яъни пудрат буйича ишларни якунлаш фойизига таянган ҳолда). Даромадлар ва харажатлар, улар пайдо булган ҳисобот даврларида ҳисобга олиниши керак.

16. Белгиланган нархдаги курилиш пудрат шартномасининг натижаси куйидаги барча шартларга риоя этилганда баҳоланади, агар:

- пудрат шартномаси буйича умумий даромад узгариши мумкин булса;
- пудратчи иктисодий наф олса;
- курилиш ишларини бажариш харажатлари ва фойзини аниқдаш ва бухгалтерия балансига киритиш мумкин булса;
- пудрат шартномаси буйича қилинган ҳақиқий харажатларни смета меъёрлари билан қиёслаш мумкин булса.

17. «Шартномавий нархдаги» курилиш пудрат шартномасининг натижаси куйидаги барча шартларга риоя этилганда баҳоланади, агар:

- **пудратчи иктисодий наф олса;**
- курилиш ишларини қилинган харажатлари ва бажариш фойзини аниқдаш ва бухгалтерия балансига киритиш мумкин булса.

18. Агар курилиш пудрат шартномаси буйича даромадга киритиб булинган ва молиявий натижалар тугрисидаги ҳисоботда акс эттириб булинган маблағни олиш пайтида ноаниқлик юзага келадиган булса, у ҳолда тулик, олинмаган маблағ ёки олиш эҳтимоли йўқка чиққан маблағ курилиш пудрат шартномаси буйича даромад миқдорини тузатиш сифатида эмас, балки харажат сифатида ҳисобга олинади.

19. Курилиш пудрат шартномаси буйича бажарилган ишлар фойзи шартнома турига қараб куйидаги усулларда улчанади:

- муайян санага бажарилган курилиш ишлари буйича харажатлар миқдорини шартнома буйича умумий смета харажатларига киритиш;
- назорат улчовини утказиш;
- курилиш пудрат шартномаси буйича ишларнинг жисмоний (физик) қисмини якунлаш.

Буюртмачидан олинган оралик туловлар ва бунақ туловлари бажарилган ишлар даражасини акс этгирмайди.

20. Курилиш пудрат шартномаси буйича натижани ишончли тарзда аниқдаш мумкин булмаган ҳолларда:

- даромад пудрат шартномаси буйича қилинган чиқимлар қопланиши эҳтимоли буладиган даражадагина эътироф этилиши керак;
- курилиш буйича харажатлар, улар ҳақиқий қилинган давр

мобайнида бошлангич ҳисоб-китоб маълум отлари буйича харажатлар сифатида эътироф этилиши керак.

Мулжалдаги зарарларнинг эътироф этилиши

21. Умумий харажатлар қурилиш пудрат шартномаси буйича даромадлардан ошиб кетган ҳолларда мулжалдаги зарарлар мазкур Ҳисобот даври харажатлари деб эътироф этилиши керак.

Бундай зарарлар микдори:

- пудрат шартномаси буйича ишлар бошланганлигига;
- пудрат шартномаси буйича ишларнинг бажарилиш фойзига;
- қурилиш пудратининг ягона даромади деб қараладиган бошқа пудрат шартномалари буйича қутилаётган ялпи даромад суммасига боғлиқ бўлмаган ҳолда белгиланади.

Ўритиш

22. Пудратчи қуйдагиларни ўритиб бериши керак:

- ҳисобот даврида ҳар бир қурилиш пудрат шартномаси буйича даромад микдорини;
- ҳисобот даврида эътироф этиладиган қурилиш пудрат шартномаси буйича даромадни аниқлашда фойдаланиладиган усулларни;
- қурилиш пудратининг тугалланмаган шартномаси буйича ишларнинг бажарилиш фойзини босқичини аниқлашда фойдаланиладиган усулларни.

Қурилиш пудрат шартномалари буйича даромадлар ва харажатларни баҳолаш усулларидаги ўзгаришлар ҳам ҳисобот давридаги ва кейинги даврлардаги молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда (БХМС № 3) эътироф этиладиган ҳисоб- китоб баҳолашларидаги ўзгаришлар қабилар ўритилиши керак.

23. Ҳисобот санасига тугалланмаган қурилиш пудрат шартномалари буйича пудратчи қуйдаги ахборотларни ўритиши керак

- ҳақиқий қилинган чиқимларнинг ва эътироф этилган даромаднинг (эътироф этилган зарарларни чиқариб ташлаган Ҳолда) жами микдорини;
- олдиндан туланган ва олинган маблағни;
- ушлаб қолинган микдорни.

24. Пудратчи молиявий ҳисоботларда қуйдагиларни ақс эттириши керак:

- буюртмачиларнинг қурилиш ишлари буйича дебиторлик қарзларини;
- буюртмачиларнинг қурилиш ишлари буйича кредиторлик қарзларини.

Амалда қўллаш санаси

25. Ушбу Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандарти Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган вақтидан бошлаб амалга киритилади.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия
Хисобининг миллий стандарти № 19
ЙУҚ/1 АМ А ҚЦЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УТКАЗИШ
(Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1999 йил

2 ноябрда 833-сон билан руйхатга олинган)

1. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур стандарт «Бухгалтерия ҳисоби тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 11-моддасига мувофиқ, ишлаб чиқарилган,

1.2. Мазкур Стандарт ҳужалик юритувчи субъект, шу жумладан, асосий фаолияти бюджет маблағлари ҳисобига молияланадиган ташкилот томонидан мол-мулк ҳамда молиявий мажбуриятларни йўқдама қилиш ва унинг натижаларини расмийлаштириш тартибини белгилайди.

1.3. Йўқдама қилишнинг асосий мақсадлари мол-мулкнинг ҳақикатда мавжудлигини аниқлаш, ҳақикатда мавжуд мол-мулкни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослаш, мажбуриятлар ҳисобда тугри акс эттирилганлигини текшириш.

1.4. Жойлашган ери ва барча турдаги молиявий мажбуриятларидан қатъи назар, ҳужалик юритувчи субъектнинг барча мол-мулки йўқдама қилиниши керак.

Бундан ташқари, ишлаб чиқариш захиралари ва ҳужалик юритувчи субъектга қарашли бўлмаган, лекин бухгалтерия ҳисобида қайд этилган (масъулиятли сакданишда бўлган, ижарага олинган, қайта ишлаш учун олинган) бошқа турдаги мол-мулклар, шунингдек, бирор-бир сабабга қара ҳисобга олинмаган мол-мулк йўқдама қилиниши керак.

Мол-мулкни йўқдама қилиш унинг жойлашган ери ва моддий жавобгар шаҳе бўйича утказилади.

1.5. Қўйидаги ҳолларда йўқдама қилиш эътилози шарт:

- мол-мулк ижарага берилганда, сотиб олинганда, сотилганда, шунингдек, давлат қорхонаси қайта шакллантирилган (давлат тасарруфидан чиқарилган) пайтда қонунчиликда назарда тутилган Ҳолларда;

- йиллик молиявий ҳисоботни тузиш олдидан, йўқлама қилиш Ҳисобот йилининг 1 октябридан қечиктирмай утказиладиган мол- мулкдан ташқари. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 28.08.98 йилда 486-сон билан руйхатга олинган «Товар-моддий захиралар» номли 4-сон БҲМАга биноан товар-моддий захиралар, бир йилда камида бир марта йўқдама қилинади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 23.09.98 йилда 491-сон билан

руйхатга олинган «Асосий воситалар» номли 5-сон **БХ,МАга** мувофик, асосий воситалар икки йилда камида бир марта кутубхона фондлари эса беш йилда бир марта йукдама килинади.

Пул маблаглари, пул хужжатлари, бойликлар ва қ.ағъий Хисобдаги бланкалар ойда бир марта, ёнилги-мойлаш материаллари, озик-овкат махсулотлари - хар чорақда, кимматбах;о металллар - тармок йуриқномаларига мувофик, йукдама килинади.

Айрим жойларда ва ишларнинг мавсумий тавсифига эга булган корхоналарда куйидаги ҳрлатларда йукдама килиш ишлаб чикариш захираларининг энг кам колдиги булган даврда утказилади:

асосий воситалар ва товар-моддий бойликлар кайта бахрланганда;

- моддий жавобгар шахслар алмашганда (ишларни кабул Килиш - топшириш кунидя);

утирлик ва суинстеъмол холатлари, шунингдек, кимматликларнинг бузилиши аниқданганда;

- фавкулодда холатларни юзага келтирган табиий офат, ёнгин, фалокатлар ёки бошка фавкулодда холатларда;

- хужалик юритувчи субъект тугатилганда (кайта ташкил этилганда) тугатиш (ажратиш) балансини тузиш олдидан ва конунчиликда назарда тутилган бошка холларда.

1.6. Умумий (жамоавий) моддий жавобгарлик шароитида йукдама килиш, жамоа рахбари узгарганда, жамоадан унинг эллик фоиздан ортик аъзолари чикиб кетганда, шунингдек жамоанинг битта ёки бир нечта аъзоси талаби билан утказилади.

2. Йукдама килишни утказишнинг умумий коидалари

2.7. Хисобот йилида йукдама килиш сони, уни утказиш санаси, мулк ва молиявий мажбуриятлар руйхати, ушбу стандартнинг 1,5 ва 1,6 бандларида кузда тутилган холатлардан ташкари, хужалик юритувчи субъект рахбари томонидан белгиланади.

2.8. Хужалик юритувчи субъектларда йукдама килишни утказиш учун куйидаги тартибда доимий ишловчи йукдама килиш Хайъати тузилади:

- хужалик юритувчи субъект рахбари ёки унинг уринбосари (хайъат раиси);

- бош бухгалтер;

- бошка мутахассислар (мухандислар, иктисодчилар, техниклар ва х-к.).

Йукдама килиш хайъати таркибига хужалик юритувчи субъектнинг ички аудит вакиллари киритилиши мумкин.

Мулк ва молиявий мажбуриятларнинг йукдама килишни бир вақтнинг узида jh-казишда катта хажмдаги ишларда куйидаги таркибдаги ишчи йукдама килиш хайъати тузилади:

- йуклама килишни тайинлаган хужалик юритувчи субъект рахбарининг вакили (хайъат раиси);

- мутахассислар: товаршупослар, мухандислар, технологлар, механиклар, иш юршувчилар, иктисодчилар, бухгалтерия хизмати ходими ва бошқалар.

Хайъат таркибига йукдама килинаётган бойликлар, нархлар ва бирламчи ҳисобни яхши биладиган тажрибали ходимлар киритилиши керак.

Ишчи йукдама килиш хайъатининг раиси сифатида битта моддий жавобгар шахсга битта шахсни икки марта кетма-кет тайинлаш тақиқланади.

Доимий ишлайдиган ва ишчи йукдама килиш хайъатининг шахсий таркибини хужалик юритувчи субъект рахбари тасдиқлайди (1-иловага биноан буйруқ, қарор, фармойиш).

Йукдама килишни утказиш чоғида хайъатнинг хаттоки битта аъзоси йук булса, бу ҳол йукдама килиш натижаларини ҳақиқий эмас, деб топиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

2.9. Доимий ишлайдиган йукдама килиш хайъатлари:

- бойликлар сақданишини таъминлашга дойр профилактика ишларини у^{тм3} зад и, зарурат булганда уз мажлисларида бойликларнинг сақданиши масалалари буйича цех, булим, шуъбалар рахбарларининг ахборотларини тинглайди;

- йукдама килишни утказилишини ташкил этади ва ишчи йукдама килиш хайъати аъзоларига йул-йурик беради;

- йукдама килиш тугри утказилганини назорат тарикасида текширувларни амалга оширади, шунингдек, йукдама килишни утказишлар орасидаги даврда сақдаш ва қайта ишлаш жойларида товар-моддий бойликларни танлаб йукдама килишни утказади;

- йукдама килиш натижалари тугри чиқарилганини, базалар, омборлар, омборхоналар, цехлар, қурилиш участкалари ва бошқа сақдаш жойларида бойликларни қайта навларга ажратиш буйича таклифлар асосли эканлигини текширади;

зарур ҳолларда (йукдама килишни утказиш қоидалари жиддий бузилганлиги аниқданган ва бошқа ҳолларда) хужалик юритувчи субъект рахбарининг топширигига биноан такрорий ялпи йукдама Килишни утказади;

